O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 17 февраль, пайшанба • 7 (3588)-сон

АҲИЛЛИКНИНГ ЎЗИ МУРУВВАТ

ХОВОС ШАҲРИДА КЎПНИНГ МЕҲРИ, МУРУВВАТИ, САХОВАТИГА ЧУЛҒАНГАН НИКОҲ ТЎЙИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ховос тумани ИИБ экспертиза-криминалистика гуруҳининг катта инспектори, катта лейтенант Рустам Ҳамидов севган қизи – Гулбаҳор билан умрбод бирга бўлиш, жамиятнинг аҳил оилалари қаторидан ўрин олишга аҳд қилишди. Икки ёш севгисидан хабар топган ИИБ раҳбарияти болалигидан ота-онасиз ўсган, муносиб хизматлари билан жамоада обрў-эътибор қозонган ходимга самимий ёрдам қўлини чўзишга қарор қилди.

– Никоҳ кечасини ўтказиш учун шаҳримиздаги "Лола" қаҳвахонаси раҳбарлари билан келишиб, харажатларни зиммамизга олдик, – дейди туман ИИБ бошлиғи, майор Ҳикмат Эрматов. – Яна янги оилага икки хонали уй олиб берилди.

Тўй куни барча шахсий таркиб хизматда бўлди. Тадбирга кўра, кундузи маҳалла аҳли учун ош берилди. Кечқурун висол оқшоми файзли ўтиши учун хушовоз санъаткорлар таклиф этилди.

Бу хайрли ишни вилоят ички ишлар бошқармаси ва туман ҳокимлиги раҳбарияти қўллаб-қувватлади. Тантанага ташриф буюрган вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Т. Ҳошимов янги оилага музлаткич, гилам ва рангли телевизор совға қилди. Туман ҳокими Собир Назаров ўз сўзида ички ишлар ходимларининг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатига ҳавас қилаётганини айтиб, келин-куёвга диван-кресло, стол-стул тақдим этди.

Орамизда саховатли кишилар кўп. Қалбларда меҳр ва мурувват бор экан, олам янада мунаввар бўлаверади.

Суратда: ***бахтли келин-куёв — Рустам ва Гулбаҳор.***

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА 3

5

Ниҳоят

18

20

ЛОҚАЙДЛАР

23

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Бировга эҳсон қилишдан тийилмайдиган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

«Постда» gazetasining ilovasi

UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ПОЛЬШАЛИКЛАР ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бўлимига Польшанинг "Абпланалп Инжиниринг АГ" компанияси президенти Ежи Хенке бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

Делегация аъзоларини республика ИИВ ЭКБ бошлиғи, полковник Г. Никишин қабул қилди. У меҳмонларга республика ички ишлар идоралари эксперт-криминалистлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди.

Шундан сўнг жаноб Ежи Хенке республика ИИВ ЭКБга "EDUKO" русумли криминологик техникани туҳфа этди.

– Ушбу микроскоп икки қисмдан иборат бўлиб, кўчмас ва кўтариб юришга мослашган. Қулайлик томони, воқеа-ҳодисалар юз берган жойнинг ўзида текширув олиб бориб, керакли объектни компьютерга узатиб, 40 баравар катталаштирилган ҳолда қоғозга тушириш мумкин, – дейди компания мутахассиси Сергей Гончаров.

– Ушбу учрашув ҳамкорлигимизнинг бошланиши, – дея таъкидлади жаноб Ежи Хенке. – Келгусида сизларни Польшага таклиф этамиз.

Ўз навбатида полковник Г. Никишин туҳфа учун миннатдорчилик билдириб, ушбу ноёб қурилма психотроп, гиёҳвандлик моддалари, қалбаки валюталарни аниқлашда қўл келишини айтди.

Ҳар икки томон вакиллари ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан фикрлашиб олишди.

Учрашувда Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби Михал Лабенде ва элчининг маслаҳатчиси Марэк Пионтек иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.
Суратларда: учрашувдан лавҳалар.
Сергей РЯБОВ олган суратлар.



МУҲИМ ДАСТУР ВА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан Президент И. А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш" номли маърузасини ўрганиш бўйича махсус "Дастур" ва "Ўқув-услубий қўлланма" нашр этилди.

Ушбу рисолалар профессор-ўқитувчилар, амалиёт ходимлари, илмий тадқиқотчилар, тингловчи ва курсантлар, мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, уларни Маърифат дарсларида ҳам кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Президентимиз маърузаси Академиянинг барча тизимлари, сержантлар тайёрлаш Олий курслари, шахсий таркиб томонидан кенг ўрганилиб, тарғиб қилинмоқда. Маърифат дарсларида маъруза тасвирга олинган видеотасма ҳам намойиш этилиб, вазифалар белгиланмоқда.

Р. ЭРНАЗАРОВ,
майор.

МУРАББИЙЛИК ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

Сирдарё вилояти ИИБда устоз-шогирдлик, мураббийлик анъанаси яхши йўлга қўйилган. Кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган фахрийлар тўплаган бой тажрибалар ёш ходимларни нафақат касбга йўналтириш, балки маънавий тарбиялашда ҳам қўл келяпти.

Яқинда вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Х. Сарабеков шаҳар, туман ИИБ фахрийлар кенгашлари раислари билан йиғилиш ўтказди. Унда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бошлиқ ўринбосарлари ҳам қатнашишди.

– Ёшларнинг Ватани, халқи манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш, касбга фидойилик, жиноятчиликка муросасизлик руҳида тарбиялашда ўгиту маслаҳатларингиз бебаҳодир, – деди Х. Сарабеков йиғилганларга. – Юрак амри билан ёшларга мураббийлик қилиб, касб сир-асрорларини ўргатиб, муносиб шогирдлар қолдираётганингиз учун ташаккур.

Полковник Х. Сарабеков шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, ички ишлар ходимларининг обрўсини кўтаришдаги ўрнига ҳам тўхталиб ўтди. Шунингдек, фахрийларни ёлғизлатиб қўймаслик, холидан бохабар бўлиб туриш, зарур моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ҳар бир ходимнинг бурчи эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Т. Раҳмонов сўз олиб, ҳукуматимиз, вилоят ҳокимлиги, ИИБ раҳбарияти кўрсатаётган ғамхўрликлар учун миннатдорчилик билдириб, ёшларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялаш, касб маҳоратини оширишга бор куч-ғайратларини сарфлашларини билдирди.

Йиғилиш сўнгида мураббийлик ҳаракатини кучайтириш, янада яхшилаш чоралари белгиланди.

Ўктам БОЛТАБОВ,
подполковник.

БОЛАЛАР УЙИГА СОВҒА

Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари ўтган йили кўплаб хайрли ишларни амалга оширдилар. Жумладан, Андижон, Шаҳрихон, Қўрғонтепа шаҳарларидаги болалар уйларига хайр-саховат улашишди.

Яқинда бўлим раҳбарияти яна бир савобли ишни амалга оширди. Пахтаобод тумани марказидаги мактаб-интернат тарбияланувчиларига 300 минг сўмлик қишки уст-бош, оёқ кийимлар, чойшаблар туҳфа қилинди. Совғаларни вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник Ўктамжон Абдураззоқов топширди.

Тарбияланувчилар бундай совға-саломлар учун осойишталик посбонларига миннатдорчилик билдириб, ўзлари тайёрлаган концерт-дастурни намойиш этишди.

Салоҳиддин НУРИДДИНОВ,
капитан.

«АКАДЕМИЯ» ЁШЛАР КЛУБИ

Кейинги вақтда ИИВ Академиясида ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Тингловчилар ҳуқуқий билим олишлари билан бирга, уларнинг маънавий оламини бойитишни назарда тутган ҳолда "Академия" ижодкор ёшлар клуби ташкил қилинди.

Бундан кўзланган мақсад таълим олаётган ижодкор ёшлар билан ишлаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш, тингловчилар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини кучайтириш эканлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Яна бир муҳим жиҳати, ИИВ Академиясида ички ишлар идоралари учун малакали кадрлар тайёрлаб бериш билан бирга, маънавият ва маърифатни юксалтиришга ҳам катта аҳамият берилаётганлигидир. Иш режасидан таниқли ижодкорлар билан ижодий учрашувлар ўтказиш, иқтидорли ёшларнинг ижод намуналарини саралаш ва танлаб олиш асосида вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилиш, шахсий таркиб билан ўтказиладиган турли тадбирларда клуб аъзолари ўз ижод намуналари билан қатнашишларини таъминлаш ўрин олган.

Норсафар ИМОМ.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИДА ТАДБИР

Шайхонтоҳур туманидаги "Ўрда" маҳалласи гузарида "Ўсмир ва ёшлар ўртасида жиноятлар диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган, ички ишлар бошқармасида профилактик рўйхатда турувчи вояга етмаган ўсмирлар таклиф этилдилар. Жиноятлар ва гиёҳвандликка оид видеофильмлар намойиш этилди.

Давра суҳбати республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани бўлими, "Маҳалла умидлари" маркази ташаббуси билан ташкил этилди. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, туман ИИБ, "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими, "Маҳалла" жамғармаси эса ҳамкорлик қилишди.

Бундан ташқари Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманлари ИИБларида профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар ўртасида спортнинг баскетбол, футбол, шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

Нодира НИЗАМОВА.

Миннатдорчилик

ДОИМО ОМОН БЎЛИШСИН!

10 январь куни Яккабоғ тумани ижтимоий таъминот идорасига от миниб келдим-да, уни темир устунга боғлаб, ишларимни битказиш учун ичкарига кирдим. Қайтиб чиқсам, отим боғлаб қўйилган жойда йўқ. Шу атрофда юрган болалар бир бегона киши миниб кетганлигини айтишди. Шунда зудлик билан туман ички ишлар бўлимига бордим. Ички ишлар ходимлари оёққа туришди ва 4-5 соатда отимни топиб беришди.

Ўз касбининг фидойиси бўлган туман ИИБ ходимларига миннатдорчилик билдираман. Халқ осойишталиги учун сидқидилдан хизмат қилаётган посбонлар доимо омон бўлишсин.

Суяр ХОЛМУРОДОВ,
туманда Дуюл қишлоғида яшовчи пенсионер.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



СУД ЖАРАЁНИ БАҲОРДА БОШЛАНАДИ

2001 йил полиция бўлинмалари томонидан ўтказилган махсус тадбир чоғида "Ал Қоида" ташкилотининг Испаниядаги бўлими раҳбари (лақаби "Абу Дада") ва унинг 23 нафар сафдоши 11 сентябрь воқеаларига дахлдорликда гумон қилиниб ҳибсга олинган эди. Прокурорлар айбланувчиларнинг айримларини 62512 йил муддатга озодликдан маҳрум этилишини суддан сўрамоқчи. Айбланувчилар орасида Қатарнинг "Al Jazeera" телеканали мухбири Тайсир Алуний ҳам бор. Ҳукм чоғида экстремистларнинг АҚШдаги террорчилик ҳаракатлари ижрочиларидан бири бўлган Муҳаммад Аттани маблағ ва қалбаки ҳужжатлар билан таъминлагани ҳисобга олинади.



Аммо прокуратуранинг талабларига қарамай ҳеч бир маҳкум қамоқхонада 30 йилдан ортиқ ўтирмайди. Чунки бу мамлакатда умрбод қамоқ ва ўлим жазоси бекор қилинган.

Суд жараёни шу йил баҳорида бошланиши мўлжалланяпти. Терговни эса мадридлик машҳур суриштирувчи судья Бальтасар Гарсон олиб боради. Бу "Ал Қоида" ташкилотининг Испаниядаги бўлими аъзолари устидан илк суд жараёни бўлади.

СОБИҚ БОШ ВАЗИРНИ КИМ ЎЛДИРДИ?

Байрутда қонли террорчилик ҳаракати юз берди. Ливаннинг собиқ Бош вазири Рафиқ Харирийга суиқасд уюштирилди. "Ал Қоида"нинг Икки дарё оралиғидаги шохобчаси вакиллари исломий ташкилотларнинг бу жиноятга алоқаси йўқлиги ҳақида баёнот беришди. Баёнотда, шунингдек, террорчилик ҳаракати чоғида қўлланилган портловчи моддадан, одатда, "Исроил, Сурия ёки Ливан махсус хизматлари фойдаланиши"га шаъма қилинган.



Портлаш кучи тротил эквивалентида бир неча килограммни ташкил этган. Дастлаб қурбонлар орасида собиқ Бош вазир йўқлиги ҳақида хабар қилинган эди. Аммо кейинроқ Харирий ҳам ҳалок бўлгани аниқланди. Ундан ташқари яна 15 киши ҳаётдан кўз юмди. Яраланганлар сони эса 130дан ортиқ.

Суиқасд учун жавобгарликни шу пайтгача номаълум бўлган "Шом мамлакатларида ғалаба ва муқаддас уруш" гуруҳи ўз зиммасига олди. Кейинроқ махсус хизмат ходимлари мазкур террорчилик ташкилотчиси Байрутнинг Тариқ ал-Жадид кўчасида яшовчи Аҳмед Абу Адас исмли шахс эканлигини аниқлашди. Асли фаластинлик бу кишининг хонадони забт этилганда, уй эгаси йўқ эди. У душанба куни хонадонини тарк этган экан. Гумонланувчининг уйи тинтув қилиниб, у ердаги компьютер мусодара этилди.

Айни пайтда мамлакатдаги мухолифат кучлар вакиллари портлаш учун Сурия ва Ливан ҳукуматлари жавобгардир, деб даъво қилишаяпти. Улар Сурия қўшинлари уч ой ичида Ливандан олиб чиқиб кетилиши, шунингдек, мамлакатнинг Бош вазири Умар Карамий "халқаро майдонда ҳамда ички сиёсатда обрўсини йўқотгани учун" истеъфога чиқишини талаб қилишяпти.

ВИЦЕ–ГУБЕРНАТОРГА СУИҚАСД

Ироқда сиёсий арбобларга нисбатан яна бир суиқасд содир этилди. Бу гал Дияла провинцияси вице-губернатори нишонга олинди. Ироқ полицияси вакилининг айтишича, террорчи-камикадзе ўз автомобилини сиёсатчи кортежи ўтаётган пайтда портлатиб юборди. Воқеа Боғдоддан 80 км шимолда юз берди. Вице-губернатор ва унинг ҳамроҳлари жабр кўришмади. Фақат кортеждаги икки машина зарарланди.

ФИЛИППИНДА ТЕРРОРЧИЛИК

Ушбу мамлакат жанубида кетма-кет учта террорчилик ҳаракати содир этилди. Оқибатда камида 11 киши ҳалок бўлди. Яраланганлар сони 50дан ошади.

Биринчи портлаш Генерал–Сантос шаҳридаги савдо маркази олдида юз берди. Бомба кажавали мотоциклга жойлаштирилган эди. Кейинги кўпорувчилик пойтахтнинг Мактив туманидаги автовокзалда қайд этилди. Портловчи қурилма автобус ичига ўрнатилган экан. Учинчи портлаш Генерал-Сантос шаҳри яқинидаги Давао шаҳрида янгради.

Полиция ҳар учала кўпорувчилик ҳам "Абу Сайёф" террорчилик ташкилотининг иши, деб тахмин қилган эди. Кўп ўтмай мазкур ташкилот портлашларни ўз бўйнига олди.

РАҚОБАТ ТУФАЙЛИ

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисоднинг барча соҳаларида ўзаро рақобат бўлиши табиий. Аммо баъзан бу фожиали воқеаларга олиб келиши ташвишланарли ҳол, албатта. Калининградда юз берган ҳодисани аввалига табиий газнинг тасодифий портлашига йўйишган эди. Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъул ходимлари тезда бу тахминни рад этишди. Терговчилар 20 г тротил эквивалентига тенг портловчи модда портлатилганлигини аниқлашди. Аслида "Вольво Марказ" йирик автомобиль корхонаси директори Олег Лебедевга нисбатан суиқасд уюштирилган эди.

Терговчиларнинг фикрича, бу рақобатчиларнинг иши. Яраланган кишининг исм-шарифи ошкор этилмаяпти. Воқеа жойида кечаси алламаҳалгача турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва махсус хизматларнинг тезкор гуруҳлари ишлашди.

ТЎҚНАШУВ

Ҳайдовчиларга яхши маълумки, йўл-транспорт ҳодисалари ичида тўқнашув хавфли турлардан саналади. Дания пойтахти яқинида икки поезднинг тўқнашиб кетиши ҳам буни исботлаб турибди. Натижада 50 дан зиёд киши жабрланди. Полиция хабарига кўра, 25 киши касалхонага ётқизилди. Қолганларга воқеа жойида ёрдам кўрсатилди. Маҳаллий қутқарувчиларнинг сўзларига қараганда, жабрдийдалар сони яна ортиши мумкин. Шунинг учун ЙТҲ юз берган жойга қўшимча "Тез ёрдам" машиналари келиб турибди. Жиддий автоҳалокатларга камдан-кам дуч келадиган данияликлар руҳшунос ёрдамига ҳам эҳтиёж сезишлари мумкин.

Дания оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, автоҳалокатга, поездлардан бири жадвалда кўрсатилган вақтдан илгарироқ жилгани сабаб бўлган, деган тахминлар бор. Аммо бошқа фаразлар ҳам йўқ эмас. Полиция суриштирув-тергов ишларини олиб боряпти. Қутқарувчиларнинг айтишича, электропоездлар катта тезликда ҳаракатланганида жабрланганлар сони бундан ҳам кўп бўларди.

МАЧИТДАГИ ФОЖИА

Теҳрон марказида жойлашган "Арк" мачитида ёнғин юз берди. Яқинда муҳаррам ойи бошлангани учун намоз ўқигани кўпчилик тўпланган эди. Ёнғин айни ибодат чоғида бошланди. Воқеа жойига тезда ўт ўчирувчилар, шифокорлар етиб келишди. Жабрланганлар шундоқ мачит ёнидаги касалхонага ётқизиляпти. Ёндош кўчалар полициячилар томонидан тўсиб қўйилди.



Дастлабки тахминларга қараганда, ёнғин мачитнинг хотин-қизлар ибодат қиладиган қисмида келиб чиққан. Аёлларнинг биринчи этаги иситиш ускунасига тегиб аланга олган. Одамлар ваҳимага тушиб ташқарига югуришган. Саросима чоғида айримлар оёқ остида қолиб тан жароҳати олишган. Аммо ёнғин олдидан портлаш юз берган, деган гап-сўзлар ҳам юрибди. Агар мишмишлар тасдиқланса, бу Эрон Ислом Республикасида яқин ўртада содир этилган илк террорчилик ҳаракати бўлади. Жабрланганлар учун қон топшириш сўралиб, фуқароларга мурожаат этилди.

КЎМИР КОНИДА ЯНА ПОРТЛАШ

Сўнгги пайтларда Россия ва Хитойдаги кўмир конларида турли бахтсиз ҳодисалар қайд этилиб турибди. Хитойнинг Ляонин провинциясидаги шахталардан бирида душанба куни маҳаллий вақт билан соат 15.00 да газ портлади. Оқибатда 200 дан зиёд киши ҳалок бўлди, жароҳатланганлар сони 20 нафардан ошади. 13 шахтёр ҳамон шахта ичида қолишган, уларни қутқариш ишлари давом этяпти.

Ҳозирча ер остида – 242 метр чуқурликда юз берган портлаш сабаблари номаълум. Аммо айрим мутахассисларнинг фикрича, фожиага зилзила ҳам сабаб бўлганлиги эҳтимоли бор. Кўмир қазиб олиш корхонаси дирекциясида ишловчи баъзи ходимларнинг айтишича, кон гази портлашидан ўн дақиқа олдин ер ости силкиниши қайд этилган.

Бу Хитой тоғ-кон саноатида сўнгги 15 йил ичида юз берган энг йирик фожиадир. Ўтган йилнинг охирида Шаньси провинциясидаги шахталардан бирида ҳам портлаш юз берганди. Ўшанда конда 71 нафар ишчи ишлаётган эди. Улардан 43 киши мустақил равишда ер юзига чиқди. Портлаш марказида бўлган 28 кончи воқеа жойида ҳалок бўлди. Уларни қутқариш учун конга тушган беш ишчи ҳам қайтиб ер юзига чиқа олишмади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Биргина ўтган йили Хитой кўмир конларида турли портлашлар оқибатида жами олти мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди.

N

Маърифат дарси

АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ БАРКАМОЛЛИК ГАРОВИ

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, ҳар бир кишининг жамият ва оиладаги юриш-туриши маданияти сифатида гавдаланади. Бинобарин, жамиятга, оилага, меҳнатга бўлган муносабатида ўзини намоён этади. Инсон хатти-ҳаракати, шахс фаолиятидаги энг муҳим белгилар мужассамланиб, камол топишида асос бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий маданият-инсонни маънавий ва маданий жиҳатдан камолотга етказувчи жараён бўлиб болаликдан шаклланади. Ёши улғайиши билан ахлоқ даражаси шаклана боради.

Ахлоқий маданият киши фаолияти ва маданиятини белгиловчи омиллардан ҳисобланади ва кўп хатолардан сақлайди. Натижада кишининг хулқий гўзаллиги ортади. Ахлоқий маданияти юқори бўлган одам эл-юрт ўртасида эъзозланади. Ахлоқий маданият Ватанга, жамиятга, миллатга, тилга, урф-одатга, тарихга, келажакка, табиатга бўлган муносабатларда кишиларнинг бир-бирларига, оилага нисбатан хатти-ҳаракатларида, хулқнинг норма ва қоидаларида намоён бўлади.

Жамият манфаатини кўзлаш, масъулиятли бўлиш ахлоқий маданиятли кишининг вазифасидир. Чунки онгли фаолият жамият, оила ва ҳаётнинг ўзига хос маромини белгилайди.

Халқимизда ахлоқнинг ўз тушунчалари ва қонун-қоидалари бўлиб, у миллий тарихга эгадир. Давлат ва уни оқилона бошқариш йўллари, мукаммал жамият қуриш, ижтимоий тенглик ва адолат, комил инсонни тарбиялаш тўғрисидаги қимматли ғоялар Марказий Осиё халқлари ахлоқий маданиятида ўз аксини топган.

Ахлоқий маданият инсон маданиятининг мезони, буюклиги рамзидир. Ахлоққа оид фикрлар Авесто, Қуръони Карим сингари илоҳий китобларда, қадимги битикларда ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган насиҳатлар ўгитлар ва одобномаларда, халқ педагогикасида, фалсафий рисолаларда, алломалар меросида ахлоққа кенг ўрин берилган. Ҳозирги кунда айрим катта ёшдаги инсонлар, айниқса ёшларимиз ўз халқининг инсоний қиёфа ва фикри тараққиётининг кўзгуси бўлган ахлоқий маданият ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Президентимиз И. Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида: "Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиққўнгиллик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига ўз ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир", – деб таъкидлаб ўтганлари бежиз эмас.

Азалдан ғамхўр, ҳамдард, меҳрибон, хайрихоҳ, меҳнатсевар кишилар гўзал хулқли, ахлоқли, одобли дейилган. Асрлар давомида халқимиз ҳаётида таркиб топган миллий урф-одатлар, анъаналар Беруний, Ибн Сино, Форобий, Навоий, Бобур сингари буюк алломалар, олимлар, ёзувчи, шоирларнинг ахлоқ ҳақидаги кўплаб фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам оилавий ҳаёт учун қадр-қимматини йўқотмагани муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Ахлоқий маданиятнинг асосини инсон фаолияти ташкил этади. Чунки фаолият инсоннинг ташқи дунёга муносабати, ўзига хос хусусиятлари, бир мақсадга қаратилган ҳаёт мазмунидаги ўзгаришлар, тузатишлар кабиларни ташкил этади. Фаолиятнинг асосий тури меҳнат бўлиб, у инсоннинг жисмоний ва маънавий камол топишида муҳим ўрин тутади. Фаолиятнинг мазмуни, шарт-шароитлари, воситалари ўзгариб бориши натижасида ахлоқий онг, ахлоқий маданият такомиллашиб боради.

Ахлоқий фаолият жараёни кўзланган мақсадга эришиш, ўзини бошқариш ва керакли ишларни бажаришга ўргатиш, ўзини тарбиялаш ва бундан кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш, ахлоқий тарбияланганлиги, билимларни яхши эгаллаганлиги, ахлоқий туйғуларнинг ривожланганлиги довюраклик, ва қатъиятлилик талабчанлик ташаббускорлик, мустақиллик, ўзини идора қилиш ва тута билиш кабилар ташкил этади.

Инсон ҳақиқий ҳолатни ҳолисона тасаввур қилса, ҳар бир воқеа-ҳодисага муносабатини билдирса, бу унинг маданиятли эканлигини кўрсатади. Албатта бунда эгаллаган ахлоқий билимлар инсон фаолиятининг мақсадли бўлишига имкон яратади. Демак, ахлоқий билимлар инсон фаолияти, маданиятининг асосини ташкил этади.

Ахлоқий маданият тузилишида ҳис-туйғулар асосий ўрин эгаллайди. Инсоннинг ҳис-туйғулари, ахлоқий билимлар ва эътиқодлари билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, у Ватанга муҳаббат, бурч, миллий ғурур каби фазилатларда намоён бўлади. Бунда яхшилик ва ёмонлик каби тушунчалар фақатгина ижобий ёки салбий ахлоқий нормалар сифатида эмас, балки ҳис қилиш орқали ҳам ўзлаштирилади. Ҳис-туйғулар жараёнида интилиш, меҳр-муҳаббат, бурч, масъулият, ор-номус каби ҳислар камол топади.

Ахлоқий маданиятни шакллантиришда хулқ-атвор муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, у тартиб-интизомда, ҳаёт нормаларини бажаришда, жамиятга, меҳнатга, одамларга нисбатан билдириладиган ахлоқий муносабатда намоён бўлади. Кишининг қай даражада маданиятли эканлигини хулқ-атворидан билиш мумкин.

Ахлоқий маданият функциялари ахлоқий маданият негизини ташкил этиб, уни шакллантириш маънавий бойликлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий тараққиёт ҳақидаги чуқур фикр-тасаввурлар асосида амалга оширилади. Миллий, маънавий, умуминсоний қадриятларга таянгандагина унинг мазмуни янада бойиб боради. Инсоннинг жамиятга бўлган муносабатини шакллантириш, салбий иллатларга қарши курашиш, комил инсонни вояга етказиш кабилар ахлоқий маданият функцияларнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Шулардан энг муҳимларидан бири инсонни жамиятга муносабатини юқори поғонага кўтаришдир.

Ватанпарварлик – шахс ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, ҳар бир фуқаро ўзида қуйидаги фазилатларни мужассамлаштириши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, мустақилликка меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш ва унга амал қилиш, миллий ғурурига содиқлик, Ўзбекистон диёрида яшаб турган барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар бир ерда тартиб-интизомли бўлиш шулар жумласига киради. Пировардида улуғ аллома Абу Али ибн Синонинг қуйидаги пурмаъно сўзини келтириш ўринлидир: "Ахлоқ ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора қилиш масъулиятидир".

Акром АКМАЛОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг бўлим мудири.

Сиёсий-ижтимоий сабоқ

ИСЛОМ ДИНИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Ислом динида фарзанд тарбиясига жуда катта эътибор қаратилган. Қуръони Карим ва ҳадис шарифларда бу ҳақда жуда кўп оятлар мавжуд.

Фарзандларни давр талаби асосида юксак ахлоқли, одобли, баркамол қилиб етиштириш хусусида Қуръон оятлари, пайғамбаримиз ҳадислари, ўтмишдаги буюк алломаларимиз таълимоти, ҳикмат ва ҳикоятларига суянган холда тарбиялаш лозим. Уларга оила, ота-оналарнинг тутган ўрни беқиёс эканини таъкидлаган ҳолда, яхшилик ва ёмонлик, поклик ва нопоклик, яхши фазилат ва ёмон хислат каби ахлоқий тушунчалар мазмуни етарли даражада етказиб берилиши зарур.

Мўмин киши биладики, бировнинг ҳақини еган, харидор ҳақидан уриб қолган, ўзгани алдаган ёки зулм қилган одамлар албатта жазосини олади. Буни яхши англаган аждодларимиз ўзгалар ҳақидан ҳазар қилишган, тақводор ва ҳалол бўлишган.

Ҳаром таомдан улғайган бола, албатта, бузуқ, зулмкор бўлади, унга ҳеч қандай панд-насиҳат, таълим кор қилмайди. Чунки ҳаромда шайтон бор. Ҳаром луқма билан бирга шайтоний табиат ҳам боланинг танасига сингиб боради.

Бежизга Аллоҳ таоло Қуръони Каримда "Мол дунёларингизни ораларингизда ноҳақ ҳаром йўл билан емангиз! (Яъни, бир-бирингизни ҳақингизни еманг!) (Бақара сураси, 188-оят).

Фарзандларимиз фан ва техника тараққий этган замонда, мустақил диёримизда рўй бераётган ўзгаришларни кўзлари билан кўриб, қалблари билан ҳис этиб яшамоқдалар. Ота-оналар, айрим раҳбарлар янги авлоддан орқада қолмаслиги, уларни тўғри тарбиялаш учун ҳаёт билан бирга қадам ташламоқлиги, ўз устида кўпроқ ишлаши керак. Акс ҳолда фарзандларимизни ҳам, ўзимизни ҳам қийин аҳволга тушириб қўямиз. Фарзандларимизни диний, дунёвий илмлардан бохабар қилиб, қалбини гўзал ахлоқ, юксак фазилатлар билан безаш бизнинг зиммамиздаги вазифадир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ўсиб улғайиб, иймонли, илмли, одобли бўлишини орзу қилади. Шу мақсадда яхши умид билан бор илми, куч ғайратини ишга солади. Унга ахлоқий, диний, дунёвий тарбия, илм беради. Чунки дунёда дин таълимотлари мавжуд. Дин – "ишонч", "ишонмоқ" маъноларини англатиб, илоҳий кучларга, худога, пайғамбарларга, фаришталарга, муқаддас китобларга, охиратга, бутун яхши ёмонлик Яратганнинг иродаси билан бўлишга ишонмоқлик, шайтон ва иблислардан сақланиш, комил инсонни тарбиялашда маънавий-ахлоқий куч. Дин табиат, жамият инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятни бевосита қуршаб олган муҳитдан ташқарида уни яратган, айни замонда инсонларга бирдан-бир "тўғри", "ҳақиқий", "одил" ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган таълимотдир. Кўриниб турибдики, ислом динида ахлоқий тарбия диний тарбиянинг ажралмас қисмидир.

Ҳар бир ота-она зиммасида фарзанд олдидаги бурчлари мавжуд бўлиб, бу уларни дунё ва охират саодатига олиб боргувчи йўлдир. Исломда ота-онанинг фарзанд олдидаги зиммаси ҳақида пайғамбаримиз ҳадисларида келтирилганки: "Фарзандга яхши исм қўйиш, илмлик қилиб тарбиялаш, қиз фарзанд бўлса яхши жойга узатиш, ўғил фарзандни яхши жойдан уйлантиришдир".

Ислом дини буюрган, ҳаётда ва муомалада тарғиб этган ахлоқий фазилатлар ислом жамиятида қадрият, ҳусн, хулқ ва маънавий фазилатлар ҳисобланади. Ахлоқий дунё ўз табиатига кўра динийдир. Ахлоқ ва муомаласи гўзал бўлмаган мусулмонларнинг дини мукаммал ҳисобланмайди.

Ахлоқий тарбия ва уни амалга ошириш борасида Муҳаммад (с.а.в) "Ҳеч бир ота ўз фарзанди учун яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишдан ортиқ бойлик ҳадя қилолмайди", деганлар ва яна бир қанча ҳадисларда айтиладики; "Фарзандларингизни одобли этиб тарбиялашларингиз ҳар куни бечораларга ярим соъ донни садақа қилишларингиздан яхширокдир".

Пайғамбаримиздан саҳобалар: "Эй, Аллоҳнинг расули, биз ота-она ҳақини билдик, аммо фарзанднинг ҳақи нимадан иборат?" деб сўраганларида "унга чиройли исм қўйиб, гўзал одоб бериш", деб жавоб берган эканлар.

Расулуллоҳ (с.а.в) "фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар" деганлар. Оилада ҳар бир ота-она Расулуллоҳнинг муборак сўзларига амал қилиб, фарзандларини руҳий ва маънавий томондан ғўдакликданоқ тарбиялашлари лозим. Улар ислом даъват этган ватанига, оиласига садоқатлик, инсоний ҳислатлар сидқ (ростгўйлик), омонат (содиқлик), ихлос (самимийлик), ҳилм (юмшоқлик), сабр (бардошлик), раҳмат (меҳрибонлик) карам (саховат), шижоат (жасурлик) ва яхшиликни севиш каби юксак ахлоқларни ўргатишлари лозим.

Фарзандларни юксак фазилатларга яхшилик билан йўллаш, уларга мулойимлик билан даъват этиш лозим. Зеро, инсон ўз табиатига кўра муҳаббат ва меҳрибонлик билан насиҳат қилинса уни қабул этади, қўполлик ва қўрслик билан қилинганда эса уни рад этади. Аллоҳ субҳанаҳо ва таоло бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в)га тавсия этиб шундай дейди: "Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз эй Муҳаммад) уларга (саҳобаларга) мулойим бўлдингиз агар дағал, тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Бас, уларни авф этинг, (гуноҳлари учун) кечирим сўранг ва улар билан кенгашиб иш қилинг! (Бирор ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳ таваккул қилувчиларни севади". (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Фарзандларимизнинг тарбиясида майда нарса йўқ, икир-чикиригача эътибор бериб, ҳар бир чиройли, руҳоний лафзларни уларнинг тиллари ва дилларига солиб боришимиз лозим. Пайғамбаримиз фарзандлар тарбияси ҳақида келтирган бир қанча ҳадисларида шундай дейилади;

"Аллоҳ ризо бўлишини истасангиз, болаларингизга доимо адолат қилингиз".

"Пулнинг хайри ва яхшиси оила аъзолари эҳтиёжига сарф қилинганидир".

"Кимнинг ёш боласи бўлса, унга ёш бола каби муомала қилсин".

"Ҳеч бир ота ўз боласига яхши одобдан ортиқ ҳадя бера олмайди".

"Аллоҳ ҳузурида, кўп бола туққан ҳотин, бола туғмаган гўзал хотиндан ортиқ севиклидир. Мен қиёмат кунида умматимнинг бошқа умматлардан ортиқ бўлишини орзу қиламан".

"Кимки ўгай ёки етим болаларни тарбия ва ҳимоя қилиб ўстирса, у жаннатийдир".

"Кексаларимизни ҳурмат қилмаган, ёшларимизга меҳр шафқат кўрсатмаган биздан эмас".

"Мўъмин кишида ёмон хулқ билан бахиллик бўлмас". Буларнинг барчаси ислом дини одобларидир.

Кези келганда шуни айтиб ўтишлигимиз лозим бўлади. Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари жуда каттадир. Зеро, қайси бир фарзанд ўз ота-онасига гуноҳкор бўлса, қиёмат кунида Аллоҳ уни гуноҳини авф қилмагай. Ҳозирги кунимизга келиб минг афсуслар бўлсинки, айрим фарзандларимиз ўз ота-оналарига, оилаларига, Ватанига, динига, миллатига қарши туриб инсоний фазилатларга зид бўлган феъл-атворда бўлмоқдалар. Ҳаттоки, ота-оналарига қарши туриб, ўзларини ислом фидойиларидан-миз деб, дин ниқоби остида ғаразли ниятларини амалга ошириш пайида бўлган ғаразли кимсаларга эргашмоқдалар.

Бу ҳолатлар келиб чиққанлигига бир сабаб бу саводсизлик, фарзандларимизнинг тарихимизни билмаганликлари, динни ҳали тушуниб етмаганликларидир. Бу ҳолатлар келиб чиқишга ҳар бир ота-онанинг керакли даражада айблари мужассамдир. Ўз зурриёдига лоқайд бўлган ота-онанинг фарзандлари шу ҳолга тушмоқдалар. Фарзандини ким билан, қаерларда юрганини, уйга қачон келиб, қачон чиқиб кетишини ҳаттоки билмайдиган ота-оналаримиз ҳам учраб туради. Шу сабабларга кўра ҳам фарзандларимиз кимларнингдир хийла найрангларига учиб уларнинг тузоғига тушиб қолмоқдалар. Халқимизда "Бир болага етти маҳалла ота-онадир" деган мақол бор. Фарзандларимиз – келажагимиздир. Келажагимиз ҳақида қайғурайлик. Биз кимларнинг авлодимиз, кимларнинг набираларимиз, кимларнинг меросхўрлари эканлигимизни фахр билан ёдда тутайлик. Кимлиги ҳам, келиб чиқиши ҳам номаълум бўлган бетайин ва жирканч кимсаларга уларни бериб қўймайлик. Фарзандларимизни жамиятимизнинг қандайдир бир ҳовуч жирканч унсурлари қўлига топширмайлик. Келажагимиз учун, ҳар биримиз ўз ота-оналик вазифаларимизни Аллоҳнинг олдида жавоб бериш ҳис туйғуси билан бошқарайлик.

Абдуҳолиқ ЖЎРАЕВ,
"Кўкалдош" ўрта-махсус ислом билим юрти мудирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари.

Хориж тажрибасидан

КЎП НАРСА МАБЛАҒ БИЛАН БОҒЛИҚ

Терроризмга қарши курашнинг ўта муҳим йўналишларидан бири уни молиявий манбаларидан маҳрум этишдир. 11 сентябрь воқеаларидан кейин орадан бир ҳафта ўтиб, АҚШ Президенти Жорж Буш терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги Фармонни имзолаб, дунёдаги барча молиявий институт (ташкилот, муассаса)ларни бу курашни қўллаб-қувватлашга чақирди.

2001 йил ноябрида эса Европа Иттифоқи парламенти унга аъзо 15 та мамлакатда терроризмга алоқадор ташкилотлар ва шахсларнинг ҳисоб рақамларини музлатиш тўғрисида қонун лойиҳасини тасдиқлади. Аммо террорчилик гуруҳларини таъминловчи молиявий манбаларни бекитиш терроризмга қарши иқтисодий кураш эълон қилишдан анча мушкул экан.

11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатларидан сўнг Оқ уй маъмурияти дарҳол АҚШдаги хусусий шахслар, ташкилотлар ва компанияларга қарашли 66 та ҳисоб рақамини музлатди. Ўша йили ноябрь ойида мамлакат Президенти "Ал Қоида" ташкилоти билан алоқадорликда гумон қилинган яна 62 шахс ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари музлатилганлигини билдирди. АҚШ Молия вазирининг ўринбосари Кеннет Дим 2002 йил январида сенатда чиқиш қилиб, молиявий терроризм билан боғлиқ бўлган компанияларга қарши 200 та текширув иши бошлаб юборилганини маълум қилди.

АҚШнинг яқин иттифоқчилари ҳам бу курашдан четда туришгани йўқ. 2001 йил октябрида Буюк Британия ҳукумати 60 млн. фунтлик ҳисоб рақами музлатилганлиги ҳақида ахборот берди. Исломободда эса ўша йили сентябрь ойидаёқ толибонларга қарашли 300 та ҳисоб рақами ҳаракатдан тўхтатилган эди. Филиппин Президенти Глория Арройо маҳаллий террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳларга тегишли ёки улар назоратидаги ҳисоб рақамларини излаб топиб, ёпиш тўғрисида кўрсатма берди.

11 сентябрь воқеаларидан кейин Бирлашган Араб Амирликлари ҳам қатъий чоралар кўришга қарор қилишди. Бу ерда "Ал Баракат" молиявий гуруҳи ва яна 11 та турли тузилманинг ҳисоб рақамлари ҳаракатдан тўхтатилди.

Европа Иттифоқи мамлакатлари фақат "Ал Қоида"га қарши молиявий кураш билан чекландилар. ХАМАС ёки "Ҳезболлоҳ" каби террорчилик ташкилотларнинг молиявий манбаларига дахл қилишмади.

Экспертларнинг фикрича, катта муаммолардан бири шундаки, террорчиларнинг банк тизимидан фойдаланиш йўллари кўп. Масалан, "ҳавола" ана шундай усуллардан биридир. Бунда, дейлик пул Париждаги брокерга берилади. Унинг Покистондаги ҳамкори эса фақат комиссион харажатларни олиб қолиб, қолган суммани тегишли шахсга беради. Ўртада ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмайди, демакки, жиноят изи қолмайди. Бу усул Осиё ва Форс кўрфази мамлакатларида кенг тарқалган.

Хайрия фондлари орқали пулларни айлантириш йўлидан ҳам кўп фойдаланишади. Уларнинг терроризмни молиявий таъминлашга алоқадорлигини исботлаш жуда қийин. Масалан, 1500 тага яқин хайрия фонди фаолият кўрсатадиган АҚШдек давлатда ҳам сўнгги йилларда уларнинг атиги учтасининггина ҳисоб рақамлари музлатилди.

Турли мамлакатлардаги махсус хизматлар, жумладан, Вашингтондаги стратегик ва халқаро тадқиқотлар Маркази экспертлари яна бир хавфдан огоҳлантиришяпти. Бу ҳам бўлса терроризмга қарши нафақат ҳақиқий майдонлар, балки электрон ахборот майдонларида, компьютер алоқаси кенгликларида кураш олиб боришга тўғри келишидир.

Компьютер тизимларида хавфсизликни таъминлаш бўйича мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, сўнгги йилларда одатдаги хакерлар билан бир қаторда кибернетик террорчиларнинг ҳужумлари ҳам қайд этиляпти. Бу айниқса АҚШ ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари мудофаа инфратузилмасига жиддий хавф солиши мумкин. Шу пайтгача хакерлар бир неча бор компьютер тизимининг тақиқланган зоналарига кириб, махфий маълумотлар олишга, молиявий маблағлар ўмаришга муваффақ бўлишди. Ҳозирча уларга қарши курашнинг самарали чораси топилгани йўқ. Хакерлар эришган натижалари билан қаноатланиб қолмаслиги, янаям олға интилишлари аниқ. Улар "хизмати"дан террорчилар фойдаланишга уринмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

АҚШ Президенти маъмурияти 2000 молиявий йилда ҳукуматга қарашли ва хусусий компьютер тизимларига қарши қаратилган электрон терроризмга қарши курашиш мақсадларига 2 млрд. АҚШ доллари ажратган эди. Ўша йили февраль ойида шахси номаълум хакер АҚШнинг энг йирик компьютер компаниялари Интернет-сайтларига кирди. Бу мамлакат иқтисодига сезиларли даражада зарар етказди. Мазкур воқеа кибертерроризмга қарши курашиш лойиҳаларига кўпроқ молиявий маблағлар ажратиш зарурлигини кўрсатди.

Ҳозирда АҚШ Федерал тергов бюросида 240дан зиёд махсус агент кибернетик терроризмга қарши кураш билан шуғулланади. Улар тўппончадан ташқари кўчма компьютер билан ҳам "қуролланган".

Юқоридагига ўхшаш компьютер тизимидаги бир қанча қўпорувчиликлардан сўнг АҚШ Президенти мамлакат Конгрессидан Нью-Йорк шаҳрида кибертерроррчиларга қарши курашиш бўлими эҳтиёжлари учун қўшимча 37 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилишини сўради. Умуман, АҚШ хавфсизлигини таъминлаш учун 2003 молиявий йилда 38 млрд. АҚШ доллари сўралган эди. Бу аввалги йилдагидан 18 млрд. АҚШ доллари кўп дегани.

МАХСУС ДАСТУРЛАРНИНГ ҲАМ АҲАМИЯТИ КАТТА

Террорчилар учун аҳоли уларнинг ҳужумига тайёр бўлмагани маъқул. АҚШда фавқулодда вазиятларда тинч аҳолига ёрдам кўрсатиши лозим бўлган ходимларнинг тайёргарлиги, ўзаро ҳамкорлигини оширишга мўлжалланган махсус дастур тузилган. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, тиббиёт хизматлари ходимлари, ўт ўчирувчилар ва шу каби тегишли соҳалар вакилларини қамраб олади. Масалан, Филадельфияда мазкур дастурни амалга ошириш 1997 йилда бошланган эди. Ундан кўзланган асосий мақсад тингловчиларга террорчилик ҳаракатлари ва унга қарши чоралар ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот бериш. Шунингдек, тингловчиларнинг ўзаро тажриба алмашишлари ҳам кўзда тутилган.

Машғулотларни тегишли тажрибага эга бўлган мустақил йўриқчилар олиб боришади. Ихтисосига кўра уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: оммавий қирғин қуроллари ва фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассислар. Таълим махсус гуруҳ томонидан мувофиқлаштирилади. Унинг таркибига ФТБ, Энергетика вазирлиги, Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича агентлик каби қатор идораларнинг вакиллари киришади.

Масалан, Индианполисда мазкур дастур доирасида полиция ва шерифлик департаментлари, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, миллий гвардия ҳамда баъзи агентликларнинг 387 нафар вакили таҳсил олишди. Тайёргарлик кўриш чоғида уларнинг фаолият тури, хизмат вазифалари ҳисобга олинди.

Барча тингловчиларга мажбурий тарзда асосий курс ўтилади ва улар 1970 йилдан бошлаб содир этилган барча террорчилик ҳаракатлари билан танишишади. Айниқса, Токио метросида юз берган ҳодисага катта эътибор қаратилади. Ўшанда террорчилар зарин гази қўллаши оқибатида 12 киши ҳалок бўлган, мингдан зиёд одам касалхонага ётқизилган эди. Воқеа жойига биринчилардан бўлиб етиб келган қутқарувчилар кимёвий қурол хавфи ҳақида тузукроқ тасаввурга эга бўлишмагани учун уларнинг ҳам аксарияти жабр кўрди.

Тиббиёт ходимлари учун махсус курс мўлжалланган. Унда тингловчиларга фавқулодда вазиятларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш усуллари ўргатилади. Жумладан, оммавий қирғин қуроллари қўлланилганда амал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик қоидаларига ҳам алоҳида урғу берилади. Бунда видеотасвирлар, ўқув фильмларидан фойдаланилади, бевосита амалий машғулотлар ўтказилади.

Дастурда террорчилик ҳаракатлари содир этилганда қандай оммавий қирғин қуроли қўлланилганини аниқлашга катта эътибор берилган. Чунки Токио метросида бунга икки соатга яқин вақт талаб қилинган эди.

Таълимнинг якуний босқичида дастур иштирокчиларига юз бериши мумкин бўлган террорчилик ҳаракати чоғида унинг олдини олиш ва юз бергудай бўлса, оқибатларини бартараф этиш тадбирлари режасини тузиш топширилади. Таълим курси тингловчиларга реал хавф ҳақида, мабодо бундай ҳодиса юз берса, турли идоралар ва ташкилотлар қандай ҳамкорлик қилиши зарурлиги хусусида тўлақонли тасаввур беради.

АҚШдаги аксар экспертлар мамлакат ичида яқин келажакда террорчилик хавфи ошса ошадики, камаймайди деб ҳисоблашади. Шунинг учун аксилтеррор тадбирлари жойларда мунтазам ўтказилиши, бунга масъул мутахассислар доимо турли вазиятларда ҳаракат қилишга шай бўлишлари лозим. Кўриб турганингиздек, жиноятчилик, хусусан унинг ўта хавфли кўриниши бўлган терроризмга қарши курашда нафақат халқаро ҳамкорлик, балки мамлакат ичидаги турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва махсус хизматларнинг ўзаро баҳамжиҳат ишлаши, бунда эса юқоридагига ўхшаш турли таълим дастурлари катта аҳамиятга эгадир.

Жиноят, жазо, ижро

ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ –

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилгандан буён амалга оширилаётган ишлар республикамизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, инсон омилини улуғлашга қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда республика Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш муассасаларидаги билиб-билмай жиноятга қўл урган ва суд ҳукми билан берилган жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга ҳам яшаш, меҳнат қилиш, дам олиш ва даволаниш учун шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Биз ИИВ жазони ижро этиш Бош бошқарма бошлиғи, республика Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Р. Қодиров билан шу хусусда суҳбатлашдик.

– Ражаб Қодирович, аввало мазкур масалада халқаро нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик ва бунинг натижалари ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Халқаро нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз ҳақида гап кетганда биринчи навбатда Халқаро Қизил Хоч қўмитасини тилга олиш жоиз. Ушбу қўмита билан 2001 йилдан буён бирга иш олиб бормоқдамиз. Қўмита делегатлари мамлакатимиздаги барча жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумлар учун яратилган шароитлар, уларнинг яшаш тарзи билан мунтазам танишиб келмоқдалар. Тизимдаги олтита муассасага халқаро ОБСЕ марказининг экспертлари ташриф буюриб, жойларда инсон ҳуқуқларига амал қилиниши билан танишишди.

ОБСЕнинг Тошкентдаги Маркази кўмагида Тошкент, Қарши ва Навоий шаҳарларидаги жазони ижро этиш муассасаларида тизим ходимларининг минтақавий ўқув семинарлари бўлиб ўтди. Ходимларни инсон ҳуқуқлари ва маҳкумлар билан муомала қилишнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш учун тизим вакилларидан олти нафар тренер тайёрланди. Улар ЖИЭМ ходимлари билан машғулотлар ўтмоқдалар.

Кейинги икки йилда жазони ижро этиш тизимидаги муассасаларга гуруҳ тарзида Европа Кенгаши делегатлари, АҚШ, Франция, Германия, Буюк Британия, Италия, Нидерландия, Россия, Эрон, Туркия ва бошқа қатор давлатлар элчихоналарининг вакиллари, (шу жумладан, айрим давлатлар элчилари ҳам) "Би-Би-Си 4" канали гуруҳи, "Франспресс", "Ассошиэйтед Пресс", "Рейтер", "Би-Би-Си" радиоси каби хориж ахборот агентликлари мухбирлари билан ташриф буюришди. 2004 йилнинг ёзида эса "Фридом Хаус"нинг Тошкентдаги офиси раҳбари М. Север ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчисининг маслаҳатчиси С. Курран хонимлар Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслиқ шаҳарчасида жойлашган муассасани бориб кўрдилар. Ушбу муассасада ўтган йилнинг охирларида БМТ Олий комиссарлигининг инсон ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий маслаҳатчиси жаноб Р. Мюллерсон ҳам бўлди.

Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти вакиллари ҳам жазони ижро этиш муассасаларининг деярли ҳамма масига бордилар. Муассасаларимизга ташриф буюраётганлар бу жойларда инсон ҳуқуқларини поймол этувчи хатти-ҳаракатлар йўқлигини эътироф этмоқдалар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳам доимий алоқадамиз. Пенитенциар тизимни либераллаштириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти вакиллари фаол иштирок этмоқдалар. Жазони ижро этиш тизимини либераллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларига бориб қатор семинарлар ўтказиш бўйича Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Жазони ижро этиш тизими ходимларига инсон ҳуқуқлари бўйича билим бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Тошкентдаги ОБСЕ маркази жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастур доирасида катта ишларни амалга оширмоқда. 2002 йилнинг октябрида ОБСЕнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюросининг кўмаги билан маҳкума аёлларнинг таъминотига асосланган "Аёллар жиноий одил судлов тизимида: озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан муомала қилишнинг халқаро стандартлари" мавзуида уч кунлик тренинг ўтказилди. Бундан ташқари, ОБСЕ Маркази томонидан халқаро экспертлар жалб қилинган ҳолда Тошкент, Навоий, Қарши шаҳарларидаги озодликдан маҳрум қилиш жойларида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёр ва стандартлар контекстида уч марта минтақавий анжуман ташкил этилди. Уларда тизимнинг юздан ортиқ хизматчилари иштирок этдилар. 2004 йилда жазони ижро этиш тизими муассасаларининг турли тоифадаги хизматчилари учун қатор семинарлар ўтказилди. Ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини кўрсатувчи бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

– Республика ИИВ ЖИЭББ тизимида либераллаштириш ва ислоҳотларни амалга ошириш қай тарзда кечмоқда?

– Ҳукуматимиз томонидан жамият ҳаётини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини либераллаштириш ҳамда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида 2000 йилда қабул қилинган Давлат дастурини бажариш борасида Бош бошқарма томонидан қатор ташкилий ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дастурни амалиётга татбиқ этиш мақсадида жазони ижро этиш тизими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳақида"ги Қонуннинг янги таҳририда Омбудсманга қўлга олинган ёки ҳибсда сақланаётган шахс билан учрашиб, суҳбатлашиш ҳуқуқи берилган. Табиийки, Омбудсман ва унинг жойлардаги вакиллари бу ҳуқуқдан самарали фойдаланмоқдалар.

БМТнинг "Қийноққа қарши..." Конвенцияси талабларини бажариш борасида республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режасига кўра, Омбудсманининг халқаро тажрибаларини ўрганиш мақсадида пенитенциар муассасалар ходимлари билан учрашувлар, думалоқ стол атрофида суҳбатлар ва семинарлар ташкил қилинди. Соҳа бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш тизимдаги фаолиятимизни таҳлил қилиш, биргаликда ҳаракат қилишнинг асосий йўналишлари ва ички ишлар идораларининг Омбудсман билан ҳамкорлик қилиш усулларини шакллантириш имконини берди.

Таъкидлаб ўтилган тадбирлар доирасида республика Ички ишлар вазирлиги билан Омбудсман ўртасида Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлик бўйича Битим имзоланди. Битимда биргаликда тадбирлар ўтказиш, ахборот-маърифий соҳада ҳамкорлик қилиш, фуқаролар ва ички ишлар ходимларини ҳуқуқий билимини ошириш, ошкораликнинг умумтамойиллари асосида фаолият юритиш кўзда тутилган. Бу вазифаларнинг бажарилиши ҳуқуқтартибот идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ жараённи бир маромда юритиш ва назорат ишларини олиб бориш имконини беради.

Айни кунларда тизимда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва республика ИИВ ўртасидаги ҳамкорлик бўйича Битим режаси тайёрланиб, уни ҳаётга жорий этиш борасидаги ташкилий ишлар қилинмоқда.

– Жорий йилнинг Сиҳатсаломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан маҳкумлар саломатлигини сақлаш, беморларни даволаш борасидаги ишлар қандай бормоқда?

– Республикамиз пенитенциар тизимининг либераллаштирилиши тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, турли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва даволашга эътиборни кучайтирди. Тизимда сил касаллигининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон 2001 йилда "Қамоқхоналарда саломатликни сақлаш" Халқаро соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ХССТ) лойиҳасига қўшилди. Ўтган йили ХССТнинг минтақавий ваколатхонасидан жазони ижро этиш тизимида сил касаллигига қарши курашиш бўйича Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлараро келишувига кўра, имтиёзли кредитлар ҳамда грантлар ажратиш ҳақидаги Концепцияни амалга оширишга розилик олинди.

Концепция муассасаларда сил касаллиги билан оғриган беморларни ХССТ томонидан тавсия қилинган DOTS усули билан аниқлаш ва даволашни жорий этишини кўзда тутади. Силга қарши DOTS дастурининг биринчи босқичи доирасида жорий йилда немислар томонидан 194 минг евро (миллий валютамизда 253 млн. сўм атрофида)дан кўпроқ миқдорда маблағ ҳисобидан турли тиббиёт жиҳозлари, замонавий техника асбоблари ва дори-дармонлар бепул берилди. Бундан ташқари, текинга стационар рентген аппарати ҳамда ҳаракатдаги рентген-лабораториялар, "Дамас" автомобилига мослаштирилган "Тез ёрдам" – "Ambulance" автомашиналари тақдим этилиши кутилмоқда.

Ўтган йил ноябрь ойида жазони ижро этиш тизимида силга қарши DOTS дастури ишга тушди. Бу дастурни қўллаш натижасида 2007 йилга бориб сил касаллиги билан оғриганларнинг 87 фоизи дарддан фориғ бўлиши, ушбу касаллик 5 фоизгача камайиши кутилмоқда. Ҳозирги кунгача DOTS томонидан ЖИЭМнинг 130 дан ортиқ тиббиёт ходими ўқитилди.

Шунга ўхшаш тадбирлар "Саломатлик – 2" лойиҳаси доирасида Жаҳон Банки билан ҳамкорликда ҳам ўтказилмоқда. Лойиҳани 2005 йил январидан 2009 йилгача амалга ошириш режалаштирилган. "Марказий Осиё қамоқхоналарида соғлиқни сақлаш" лойиҳаси доирасида "Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти"нинг минтақавий ваколатхонаси билан мустаҳкам ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон – қамоқхоналарда соғлиқни сақлаш муаммолари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият юритаётган саноқли давлатлардан биридир. Ушбу кенгаш таркибига республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари, ИИВ, ИИВ ЖИЭББ тиббиёт ходимлари ва нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилган. Қамоқхоналарда соғлиқни сақлаш бўйича халқаро экспертлар иштирокида бир неча бор Кенгаш йиғилиши ўтказилди.

Айни кунларда Бош бошқарманинг профилактик даволаш, ёрдам бериш бўлими маҳкумлар орасида гиёҳвандлик ва бошқа юқумли касалликларни даволаш ҳамда тарқалишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. ЖИЭББ тизимида гиёҳвандликка мубтало бўлганларни даволашга ихтисослашган 12 та муассаса, турли касалликка чалинган маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатувчи ва даволовчи республика касалхонаси мавжуд.

– Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони асосида муассасалардан кимлар озод этилди? Озод этилганларнинг ҳужжат олиши, даволаниши ва яшаш жойларига етиб олишлари қандай ташкил қилиняпти?

– Жорий йилнинг 10 февралигача ушбу Фармонга кўра, тўрт мингдан ортиқ маҳкумлар озод этилди. Амнистияни қўллаш натижасида биринчи навбатда вояга етмаган ёшлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибати-

МУҚАДДАС

да жиноят содир этган шахслар оилалари бағрига қайтди. Фармон 60 ёшга тўлган шахслар, шунингдек, аёлларга катта имконият яратди. Қонунларимизни бузиб, ўта оғир бўлмаган жиноят содир этган, биринчи марта судланган чет эл фуқаролари ҳам ўз ватанларига қайтдилар. Ўз онгсизликлари оқибатида диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушган, қилмишининг қанчалик оғирлигини ҳис қилиб, чин дилдан пушаймон бўлган маҳкумлар ҳам озод этилди.

Амнистия тўғрисидаги Фармонга кўра, жазодан озод этилган шахсларни тўлиқ ҳисобга олиш, қисқа муддатда паспорт билан таъминлаш, турар жойидан рўйхатдан ўтказиш, ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш мақсадида жазони ўташдан озод этилган ҳар бир маҳкумга нисбатан танлаган турар жойи шаҳар-туман ИИБларига ва нусхаси вилоят ИИБ ларига хабарномалар юборилди. I, II гуруҳ ногиронлари, алкоголизм, гиёҳвандлик, токсикомания домига тушган ва бошқа касалликларга чалинган ҳамда мажбурий даволаш курсини ўтамаган маҳкумларга турар жойларидаги соғлиқни сақлаш муассасаларга ҳисобга олиш учун тегишли хабарномалар жўнатилиб, зарур ҳолларда улар даволаш муассасаларига жойлаштирилмоқда.

Жазони ўташдан озод этилган хорижий, ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролари, шунингдек, жиноят содир қилгунга қадар мамлакатимиздан ташқарида яшаган, республикамиз ҳудудида қолиш учун қонуний асосларга эга бўлмаган маҳкумларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабарномалар йўлланиб, улар ўрнатилган тартибда депортация қилинмоқдалар. Жазони ўташдан озод этилган I, II гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор ва ёш болали аёллар, вояга етмаганлар, шунингдек, руҳий касал шахсларнинг озод этилиши тўғрисида маҳкумларнинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга хабар берилмоқда. Соғлиги туфайли мунтазам қаровга муҳтож, руҳий касал, 16 ёшга тўлмаган маҳкумларни қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмуриятининг вакиллари кузатувида турар жойларига юборилмоқда.

– Кейинги йилларда тизимдаги аёллар муассасасида маҳкума аёллар учун қандай шароитлар яратилди? Уларни ўқитиш, касб-ҳунар ўргатиш масалалари қай тарзда амалга оширилмоқда?

– Мамлакатимизда жазони ижро этиш муассасаларида либераллаштириш, ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан аёлларнинг жазони ижро этиш муассасасига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Маҳкума аёллар ўз қилмишларининг оқибатини англаб етиши, қайта жиноятга қўл урмасликлари борасидаги тарбиявий ишлар кучайтирилди. Уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари, билимларини оширишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун катта имкониятлар яратилди. Бу борада муассаса раҳбарларининг республика Хотин-қизлар қўмитаси билан амалга ошираётган ишлари мақтовга сазовордир. Масалан, республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда волейбол, баскетбол, стол ва қўл тенниси, шахмат, шашка каби спорт турлари, тикувчилик, тўқувчилик, сартарошлик каби касблар бўйича кўрик-танловлар, алла қўшиқлари ижрочилари танлови ташкил этилиб, ғолиблар муносиб тақдирлангани, айни пайтда ҳам спорт мусобақалари ва бошқа тадбирлар ўтказиб турилгани фикримизнинг далилидир.

Аёллар муассасасида бошқа бир қатор муассасалардаги каби Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг тегишли моддаси ҳамда ИИВ, Халқ таълими вазирликларининг биргаликдаги бўйруқларига кўра аёллар учун 47-катталар таълим марказининг бўлими ишлаб турибди.

Бу ерда ўн иккита олий маълумотли мутахассис ҳафтада уч марта икки сменада маҳкумаларга сабоқ беради. Мактаб биносида олтита синфхона бор. 2004-2005 ўқув йилида икки юз нафардан ортиқ маҳкума аёллар таълим олади. Рус ва ўзбек тилларида дарс ўтиладиган яна 16 та қўшимча синф очиш режалаштирилган.

Ушбу муассасадаги 22-касб-ҳунар мактабида эса аёллар тикув машиналарини тузатиш бўйича уста, бичиқчи, бичиқчи-тикувчи, ЭҲМ оператори, газ бўйича оператор, тўқувчилик бўёқчи-сувоқчилик каби касб-ҳунарларни ўрганишади. Муассасада 9 та амалий ва ўқув устахоналари, 30 та ўринга эга тикувчи ва тўқувчилик устахоналари, 25 ўринли тикув машиналари усталарининг устахоналари ҳамда тикувчи-бичувчилик бўйича 2 ўринли устахона мавжуд. Шунингдек, муассасадаги уч дона "Пентиум-3" компьютери операторлик касбини ўрганиш иштиёқмандлари ихтиёрида.

Жазони ижро этиш муассасаларида яшаш ва меҳнат қилиш учун яратилган шароитлар қанчалик мукаммал бўлмасин, маҳкумлар ҳамиша ягона орзу – тезроқ озодликка чиқиш, яқинларининг соғинчи билан кун санаб яшайдилар. Ушбу муассасага қайта келмасликлари учун маҳкумлар онгига жиноятнинг келиб чиқиши ва оқибатлари сингдирилади. Уларнинг ҳаётга қараши, онг ва тушунчаси ўзгариб, озодликнинг қадрига етиш, ҳалол меҳнат билан тинчгина кун кўришлари учун билим, касб-ҳунар ўргатилади. Зеро, инсон шундай яшаши керакки, босиб ўтган ҳаёт йўлидан нафақат унинг ўзи, авлодлари ҳам уялмасин. Ўзининг қадрига етган, ҳуқуқларини яхши билган одам эса ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди.

Суҳбатдош: Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Озодликдан маҳрум этилган шахслар қайта тарбияланиб, тўғри йўлга киришида улар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Жазони ижро этиш муассасаларида ўтказиладиган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ буйруғи талаблари асосида муассасаларда "Деворий нашр", "Ижод" республика кўрик танловлари ва спартакиадалар ўтказилди. Буюк ёзувчи ва шоирларнинг таваллуд кунларига бағишланган тадбирлар ташкил этилиб, унда маҳаллий "Маънавият ва маърифат" марказлари, жамоатчилик ва расмий рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар вакиллари, етакчи мутахассислар, кўзга кўринган фан арбоблари ва санъаткорларнинг иштироки таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Диний ишлар бўйича қўмитаси, Тошкент ислом университети педагог-олимлари билан биргаликда муассасаларда диний мавзуларда ўтказилган маъруза ва суҳбатларда ислом динининг асл моҳияти ва норасмий диний-экстремистик ташкилотларнинг халқимизга ёт кирдикорларини фош қилиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилаётгани ижобий натижалар бермоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ қори Юнусовнинг вилоятимиздаги муассасаларга ташриф буюрганини таъкидлаш зарур.

Вилоят ИИБ ЖИЭБ тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасада республика миқёсида муассасалар бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг семинар-кенгаши ўтказилди.

Тарбиявий ишлар самарадорлигига эришиш учун барча муассасаларда маърифат хоналари, кутубхона ва телевидениелар фаолият кўрсатмоқда. Маърифатхона ва кутубхоналарда турли услубий қўлланмалар, рисолалар, ҳадислар, газета, журналлар бор. Маҳкумларга "Зиё" студияси ҳамда Ўзбекистон телевидение томонидан одоб-ахлоқ мавзусидаги кўрсатувлар узлуксиз намойиш этилиши ташкиллаштирилган.

ЖИЭМларда маҳкумларнинг дунёқараши шаклланишида тарбиявий бўлим ходимлари томонидан олиб борилаётган "Ахборот бериш" машғулотларининг таъсирчанлиги самарали бўлмоқда. Машғулотлар саволжавоб, баҳс, мунозара тарзида уларни дунё янгиликларидан хабардор қилиб боришга йўналтирилган. Дам олиш, байрам ва байрамолди кунлари алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, маҳкумларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Бобоқул ШАМСИЕВ,
муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан.

Суратда: ***муассаса кутубхонасида.***

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш Фарғона вилоятида ҳам қизғин давом эттирилмоқда.

ЭНДИ УЛАР МАҲКУМ ЭМАС

– Агар чуқур мулоҳаза қилиб кўрсангиз иймонингиз комил бўладики, билиб-билмай ўта оғир бўлмаган жиноятларга қўл урган шахсларни озодликдан маҳрум этиш билан асло қайта тарбиялаб бўлмайди, – дейди вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник Шарофиддин Худоёров. – Негаки, улар қамоқда албатта, ўзининг хатти-ҳаракати, тафаккури, муомала маданияти, халққа ва юртга бўлган муносабати билан ўрнак бўла оладиган софдил кишилардан ажралиб қолишади. Хоҳлашадими-йўқми, қасддан содир этган оғир жинояти учун бир неча бор судланган ва қайта тарбияланиш, ахлоқини тузатишни хоҳламайдиган шахслар билан мулоқотда бўлишдан ўзга чора тополмайдилар. Натижада ўзлари йўл қўйган хатоларнинг туб моҳиятини англаб етишолмайди.

Иккинчидан, фавқулодда ва ўзи истамаган ҳолда жиноятга қўл урганлар ҳам борки, улар ўз қилмишларидан қаттиқ изтироб чекадилар. Чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, уларни кечиришнинг тарбиявий таъсири жазодан кутилаётган ҳар қандай самарадан устунроқдир.

Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошилса, Юртбошимизнинг Фармони мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳаётда адашган кишиларни тўғри йўлга солиш, уларнинг дунёқарашини қайта шакллантиришда аҳамиятлидир.

Озодликка чиққан шахслар ҳадеганда кўпчиликка аралашолмай, ўзларини олиб қочишади. Тўй-томошалар ва бошқа маросимларга қатнашишга истиҳола қилишади. Ўз ўрнида бошқа фуқаролар ҳам уларга бошқача кўз билан қарашади. Натижада икки томон ўртасида кўзга кўринмас ва сирли девор пайдо бўлади.

Кези келганда бир ҳақиқатни тўғри англаб олиш керак. Дейлик, шахс жиноятга қўл урди-ю, маълум муддатга озодликдан маҳрум этилди. У белгиланган жазо муддатини тўлиқ ўтаб бўлдими ёки амнистия муносабати билан олдинроқ озодликка чиқарилдими – фарқи йўқ. Қилмишига яраша жазосини олиб бўлди. Аниқроқ айтганда, маънавий жиҳатдан жамиятда ҳеч кимдан "қарз"и қолмади. Шундай экан, энди у Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари Конституциямизда ҳимояланган ҳуқуқ ва эркинликлардан бошқалар қатори фойдаланишга мутлақо ҳақли.

Шу жиҳатларни ҳисобга оладиган бўлсак, юқорида айтилган кўзга кўринмас деворни йиқитиб ташлаш-касбимиздан, эгаллаб турган лавозимимиздан, жамиятда тутган мавқеимиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг вазифамиз ва бурчимиздир.

Шу кунгача мазкур Фармонга мувофиқ вилоят бўйича 224 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинди. Ҳозиргача уларнинг 90 нафарини ишга жойлаштиришга муваффақ бўлдик, 36 нафарига паспорт олишига ёрдамлашилди. 175 нафар собиқ маҳкумларга қарийб 6 миллион 900 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу фақат ҳукуматимиз ва ички ишлар идоралари томонидан кўрсатилган ёрдам. Боя айтганимиздек, ҳар биримиз имкон қадар уларга дардкаш бўлишимиз зарур.

Нега энди бир пайтлар билиб-билмай жиноятга қўл урган, энди эса оқланган ва ўша хатосидан изтироб чекаётган одамни яккалаб қўйишимиз керак? Қолаверса, улар бизга бегона эмас – биримизнинг отамиз, биримизнинг акамиз, яна биримизнинг укамиз. Уларни сизу бизнинг меҳримиз, эътиборимиз тарбиялайди. Агар шунга эришсак, умид қиламизки, саъй-ҳаракатларимиз зое кетмайди.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ,
подполковник.

Хизматларда

ЁШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ...

"Ким бўлсам экан?" Қайси бир мактаб битирувчиси бу саволни ўзига бермаган, дейсиз. Беҳзод Султонов ҳам "Юрист бўлсаммикан?" деб анча пайт ўйланиб юрди. Ахири қатъий қарорга келиб, Тошкент юридик коллежига ўқишга кирди. Таҳсилни тугаллагач, ҳарбий хизматга отланди.

У армиядан келганидан буён Пахтачи тумани ИИБда хизмат қиляпти. Шунга ҳам тўрт йил бўлибди. Ҳозир Беҳзод профилактика инспектори. Ёш лейтенант фаолият кўрсатаётган маъмурий ҳудудда 11 минг-

дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундай кичик торкўчалар борки, уларнинг номини, қаерда жойлашганини қўрғоннинг бошқа чеккасида турувчиларнинг айримлари, ҳатто билишмайди ҳам. Аммо профилактика инспектори уларни яхши билиши керак.

Тўғри, Хайробод қўрғонини бутунлай тинч-осойишта деб бўлмайди. Бу ерда 32 нафар муқаддам судланган фуқаролар яшашади, ўнга яқин жанжалкаш оилалар бор. Беҳзод маҳалла посбонлари, қўрғон кенгаши фаоллари билан бирга ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар, рейдлар ўтказади. Ёшлар билан турли учрашувлар уюштиради. Буларнинг бари ижобий натижалар бермоқда.

Яқинда Б. Султонов бир жиноятни иссиғида фош этди. Эрталаб одатдагидек бир неча оқсоқол, посбонлар билан таянч пунктида галдаги ишларни маслаҳатлашаётган эди. Шу пайт ўрта ёшлардаги бир киши қаттиқ ҳаяжонланган ҳолда кириб келди. У маҳалладаги болалар оромгоҳининг хўжалик мудири экан.

– Ўғлим, ёрдам бер. Кечаси кимдир сув насосини ўғирлаб кетибди. Нима қилишимни билмаяпман. Ўғри ёки насос топилмаса, моддий зарарни ўзим қоплашимга тўғри келса керак. Жўжабирдай жонман, хотиним, беш болам менинг қарамоғимда, – деди у хуноби ошиб.

– Кўп куюнманг. Ўтиринг, ўзингизни босиб олинг. Яхшиси, ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг. Кимдан гумонингиз борлигини айтинг, - Султонов хўжалик мудирини тинчлантиришга ҳаракат қилди.

Беҳзод воқеа тафсилотларини билиб олгач, бундан бошлиқларини хабардор қилди. Шундан сўнг изқуварлар тили билан айтганда, тезкор-қидирув ишлари бошлаб юборилди. Султонов суриштирув жараёнида нотинчроқ оилада вояга етган Равшан исмли йигитчадан шубҳаланиб қолди. Бир неча бор ўтказилган суҳбат ўз натижасини бермагач:

– Равшан, сен ҳали ёшсан. Бутун ҳаётинг олдинда. Шу пайтдан қинғир йўлга кирибсан, қолган умринг қандай кечар экан? Яхшиси ўғирлаган нарсани қайтариб жойига қўй, айбингни ўзинг бўйнингга ол. Сенга бир кун муҳлат, энди боравер, – деди.

Равшан лом-мим демасдан чиқиб кетди. Беҳзод ўзи хизмат юмушлари билан банд бўлгани учун икки маҳалла посбонига уни зимдан кузатишни тайинлади. Эртасига эрталаб посбонлар кечаси Равшан яна икки йигит билан оромгоҳ яқинига кўмиб қўйилган сув насосини кавлаб олиб, жойига қайтариб қўйганини айтиб беришди.

Б. Султонов "Нега бу ишни қилдингизлар?" деб сўраганида Равшан насос ичидаги рангли металл бўлакларини ажратиб олиб, сотмоқчи бўлишганини айтди. Ўша матоҳ ўн беш минг сўм бўлар экан. "Арзимаган пул учун тақдирларини абгор қилишса-я", – деб Беҳзод анча пайт афсус чекиб юрди.

– Энди улар тегишли жазоларини ўтаб бўлгач, қайта хатоларини такрорламасликлари, қонунбузарлик содир этмасликлари учун барча чораларни кўрамиз, – дейди Б. Султонов.

Илгарироқ ҳам унинг фаолиятида қизиқ бир воқеа юз берганди. Бир чўпон 39 бош қўйини ўғирлаб кетишгани ҳақида арз қилиб келди. Майор И. Элмуродов, катта лейтенант А. Раҳматов ва лейтенант Б. Султоновлар дарҳол воқеа жойини кўздан кечириб, тоғ томон йўл олишди. Тоғ ён бағридаги хўжалик аҳолисидан сўраб-суриштиришганида, айримлар Отабек исмли ёш чўпон яқинда овулга қирқтача қўй ҳайдаб келганини айтишди. Кўп ўтмай ашёвий далиллар топилиб, гумонланувчи ҳибсга олинди.

Бир қарашда оддийдек туюлган юқоридаги жиноятларни фош этиш жараёнида қанча заҳмат чекилиши, неча тунлар беором ўтишини фақат ички ишлар ходимларигина билишди.

Ҳозирда ёш лейтенантнинг икки фарзанди бор. Ўғли туғилган ва лейтенант унвони берилган кунларни у ҳаётида энг бахтли кунлари деб ҳисоблайди. Отаси эса доимо:

– Ўғлим, ҳамиша виждонинг тоза бўлсин, шунда ҳеч қачон юзинг шувит бўлмайди, – деб насиҳат қилади.

Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.

Суратда: ***профилактика инспектори, лейтенант Беҳзод Султонов.***

Шоҳназар ҲАМРОЕВ олган сурат.

Халқимиз осойишталигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш асосий вазифа ҳисобланади. Буни қалбдан ҳис этган Китоб тумани ИИБ жамоаси бу борада яхши натижаларга эришмоқда.

МАҚСАДИМИЗ — ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

– Тинчлик, осойишталик бор жойда муваффақият, ютуқ бўлади, – дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Муҳаммади Раҳматов. – Ҳудудда ана шуларга эътибор бераётганлигимиз туфайли ўтган йили муносиб ютуқлар қўлга киритилди. "Антитеррор", "Тозалаш", "Қидирув", "Спитамен", "Фуқаро" ва бошқа кенг қамровли тадбирлар фуқароларимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлашда омил бўлди. Умумий жиноятчилик 2003 йилга нисбатан камайди. Жиноят қидирув соҳаси бўйича жиноятлар, очилмай қолган жиноятлар, ўғирлик анчага қисқарди. Бундан ташқари, жамоат жойларида, кўчаларда, гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларнинг камайишига эришдик.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари ўзларига биркитилган вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Профилактика инспекторлари ўз ҳудудларида барча ишларни жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширмоқдалар.

Бизда билимли, маданиятли, хушмуомала, фуқаролар ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлган профилактика инспекторлари кўпчиликни ташкил этади. Асрол Саъдуллаев, Мажид Валиев, Анвар Умаров, Эркин Маркаевлар ана шулар жумласидандир. 2004 йилда бевосита профилактика инспекторларининг ташаббуси билан 17 та жиноят фош этилди. Улар жиноятчиликка қарши курашда ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Маълумки, туман Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Ана шу ҳудуднинг асосий қисмини тоғли қишлоқлар ташкил этади. Бу эса ИИБ ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Ўтган йили паспорт хизмати ходимлари, Чегара қўшинлари вакиллари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллари билан ҳамкорликда чегара зонасида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартибини бузган 11 нафар шахсга жами 62.290 сўм миқдорда жарима солинди.

Ходимларимиз "Қорадори" тадбирида ҳам фаол қатнашиб, гиёҳвандликка қарши муросасиз кураш олиб бормоқдалар. Уларнинг астойдил хизматлари туфайли гиёҳвандлик билан боғлиқ кўплаб жиноятлар фош этилди.

Ёшлар – келажагимиз. Уларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби зарарли, ёт ғоялардан ҳимоя қилиш зарурати кенг қамровли ишлар олиб боришни тақозо этади. Республикамиз пойтахти ва Бухоро вилоятида юз берган портлашлар хотирамиздан ўчгани йўқ. Мамлакатимиз тинчлигини сақлаш кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳушёрлигига боғлиқ. Биз ёшлар тарбияси, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтираяпмиз. "Огоҳликка даъват", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Гиёҳвандлик – аср вабоси" мавзуларида суҳбатлар ўтказилаяпти. Мактаблар, касб-ҳунар коллежлари каби таълим муассасаларида бу борада амалга ошираётган ишларимиз ижобий самара бермоқда.

Туман ички ишлар бўлими жамоаси Сиҳат-саломатлик йилида ҳам халқимиз тинчлиги, осойишталигини сақлаш, жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича барча имкониятларни ишга соладилар.

Ҳусан РАҲМОНОВ ёзиб олди.

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай Навоий вилоятида жорий йилнинг ўтган даври ичида йигирмага яқин йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Оқибатда уч киши ҳаётдан кўз юмди, ўндан ошиқ киши эса тан жароҳати олди. Энг ачинарлиси, жароҳатланганлар орасида болалар ҳам бор.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўпинча пиёдаларнинг автомобиль йўлини истаган жойидан кесиб ўтиши, болаларнинг кўчада ўйнаши авариялларга сабаб бўляпти. Яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик.

Жорий йилнинг 12 январь куни соат чамаси 8.30 ларда Навбаҳор туманилик Санжар Назаров "Дамас" машинасида Навоий шаҳридаги Ибн Сино кўчаси бўйлаб кетаётган эди. Йўлни пиёдалар ўтиши мумкин бўлмаган жойидан кесиб ўтаётган 8-синф ўқувчиси Гулбарчин Олимовани машина уриб кетди. У тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди.

Шунингдек, 23 январда Қизилтепа–Когон йўлида икки "Тико" машинаси тўқнашиб кетди. Оқибатда уларнинг бирида йўловчи сифатида кетаётган ўсмирлар Ҳ. Тўраева ва Г. Умарова жароҳатланишди.

Йўл қоидани ёқтиради. Баъзан озгина эҳтиётсизлик ҳам кўнгилсизликка олиб келиши мумкин. Остона ҳатлаб кўчага чиққан хоҳ пиёда, хоҳ ҳайдовчи бўлсин, йўл ҳаракати иштирокчиси ҳисобланади. Шунинг учун йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини пухта ўзлаштириши, уларга қатъий амал қилиши лозим. Ҳеч биримиз кўча-кўйда копток тепаётган болаларга, бошқа қоидабузар пиёдаларга бефарқ бўлмасак, турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўламиз. Жорий йилнинг 15-25 февраль кунлари Навоий вилояти ҳудудида ўтказилаётган "Диққат, болалар!" тадбиридан кўзланган мақсадлардан бири ҳам йўл ҳаракати иштирокчилари билан ЙПХ ходимларининг ҳамкорлигини оширишдир.

Валижон АШУРОВ,
капитан.

«Ноемга» gazetasining ilovasi

TV UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
+ SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Ўтмишдаги мўъжизалар

СИРЛИ ИХТИРО

Ўтган асрнинг 70-йилларида Швецияда чиқадиган "Фан ва техника мўъжизалари" журналида стокгольмлик тарихчи журналистнинг катта шов-шувга сабаб бўлган бир мақоласи чоп этилди. Унда XVIII асрда яшаб ўтган, ўз даврида унча таниқли бўлмаган рус олими Александр Карамишевнинг кашфиёти ҳақида ҳикоя қилинар эди. 1776 йил 27 январда Петербург тоғ-кон билим юртида бўлиб ўтган ушбу кашфиёт намойишида менералоглар, академиклар Леман, Брикман ва Канкрин иштирок этишган.

Кейинроқ академик Леман ўша тадбирни ўзининг "Минералогия муаммолари" китобида шундай хотирлайди: "Карамишев ўз аппарати ёрдамида ҳар қандай дағал оҳактошдан шаффоф жисм ҳосил қилиш мумкинлигини исботлади".

Академик Брикманнинг асарларида ҳам тегишли иловалар учрайди. У жумладан, кашфиёт намойиши олдидан Карамишев сўзлаган кириш сўзни келтиради. Олим шундай деган экан: "Муҳтарам талабалар! Бугун мен сизларга тоғ жинслари устида қандай мўъжизавий тажрибалар ўтказиш мумкинлигини намойиш этаман. Мен яратган машина ҳали мукаммал эмас. Аммо шунга қарамай ишлайди. У тоғ жинсларига шаффофлик бахш этади. Мана, қаранглар. Бу кашфиётнинг бизга фойдаси бўлмаса ҳам, келажак авлодларга асқотиши шубҳасиз. Ҳозирча аппарат кучсиз. Аммо тасаввур қилинг: у билан қуролланган кимёгар ва геолог қандай беқиёс имкониятларга эга бўлади. Металлург ҳам, геолог ҳам, кимёгар ҳам ер қаъридаги рудаларни, металл эритиш печи ичида жараён қандай кечаётганини кўриб туради".

Қурол-аслаҳа техникаси тарихининг машҳур тадқиқотчиси А. Широкорад ўзининг "СССРдаги мўъжизавий қурол" китобида собиқ Иттифоқда 30-йилларда кўринмас самолёт яратилиши билан боғлиқ изланишларга махсус боб бағишлайди. Шу бобда Карамишев кашфиётини ҳам тилга олиб ўтади.

1929 йилда "Вечерняя Москва" газетасида муҳандис Д. Понятовскийнинг мўъжазгина мақоласи чоп этилди. Муаллиф "Северный краевед" газетасида чиққан бир мақолани танқид қилган эди. Унда Кадуй шаҳридаги ўлкашунослик музейида М. Ломоносовнинг издоши, шогирди А. Карамишевнинг кундаликлари сақланаётгани ҳақида сўз борарди. Жумладан, кундаликларда асл табиатига кўра, шаффоф бўлмаган жисмларга шаффофлик бахш этувчи асбоб ҳисоб-китоби, схемалари борлиги айтилганди.

Понятовский "Северный краевед" газетасини қаттиқ танқид қилиб: "Мамлакатнинг аллақайси бурчагидаги аллақандай музейда бундай нодир, дунёни остин-устун қилиб юбориши мумкин бўлган манба сақлангани ҳақидаги уйдирмага ҳеч бир илмли киши ишонмайди. Бу ҳақда дунёга жар солиш газета таҳририяти раҳбариятининг масъулиятсизлигидан дарак беради", – деб ёзганди.

Тарихчи журналист Широкорад мазкур мақолани топишга ҳаракат қилди. Шунда "Северный краевед"нинг айнан ўша сонининг барча нусхалари йиғиб олиниб, йўқ қилинганини аниқлади. Кутубхоналарда ҳам, архивларда ҳам бирорта нусха сақланиб қолмаганди. Янаям қизиғи, музейда 978-рақам остида сақланаётган ўша кундаликлар ҳам йўқолганди. Фақат кундаликларни музейга Кадуй шаҳрилик ўлкашунос Семён Фоминих топширгани, у эса манбани ўз навбатида бобосидан олгани маълум бўлди. Музей ходималаридан бири олимга "Северный краевед" газетасида мақола чоп этилиши билан давлат хавфсизлиги ходимлари кундаликларни мусодара қилишганини айтди. Манбанинг мазмуни билан фақат директор ёрдамчиси В. Любенковичгина таниш бўлиб, мақола муаллифи ҳам у экан. Чекистлар кундалик билан бирга В. Любенковични ҳам олиб кетишади. Шу бўйи у Кадуйга қайтиб келмайди. Орадан бир неча ой ўтиб, қариндошлари Любенкович Москвада қазо қилганлиги ҳақида хабарнома олишди. Мақола муаллифи ўшанда 70 ёшда эди. Унинг ўз ажали билан вафот этганлиги ёки ўлдирилганлиги борасида бир нима дейиш қийин.

Мўъжизавий ихтиро муаллифининг тақдири ҳам сирлар пардасига ўралган. У ўз кашфиётини намойиш этгач, қўққисдан Россия пойтахтини тарк қилади ва ўша пайтларда мамлакатнинг гадой топмас бир чеккаси ҳисобланган Иркутскдан макон топади. Бу ерда ассигнация идораси директори лавозимида ишлайди. Фақат умрининг охирларидагина яна минералогия соҳасига қайтиб, кон излаш билан шуғулланади. Тадқиқотчининг эрта оламдан ўтгани ҳам шубҳали. Яна бир қизиқ томони – унинг ўзи яратган аппаратга бағишланган бирорта мақоласи топилмади.

Муҳандис Понятовскийнинг марказий матбуотда чоп этилган қисқагина қайди "Северный краевед"да чиққан мақолани ўқишга улгурган муштарийларга мўлжалланган эди. Бу мавзу билан талаба А. Пархоменко қизиқиб қолди. У кейинчалик геология – минералогия фанлари доктори бўлиб етишди. 30-йилларда талаба таниқли минералог, академик А. Ферсман билан бирга экспедицияда бўлганида бу ҳақда гапириб бериб, мазкур кашфиёт борасида илмий адабиётларда бошқа ҳеч қандай маълумот тополмаганини айтди. Буни қарангки, академик ҳам Карамишевнинг геология ва минералогия соҳасидаги изланишлари билан таниш бўлса-да, талаба билан бир хил аҳволда экан.

"Сизга нима десам экан, йигитча, ахир, ўзингиз ўйланг, тадқиқотчи XVIII асрда яшаган. Ўша пайтлар тарихидан аллақандай сир-асрор излаш керакмикан? – деди Ферсман. – Шаффоф бўлмаган нарсани шаффоф жисмга оддий усуллар ёрдамида ҳам айлантириш мумкин. Масалан, бир варақ қалин қоғоз олинг. Уни газета устига қўйсангиз, тагидаги саҳифани ўқиб бўлмайди. Агар қоғозга илик ёғи шимдирсангиз, шаффоф тортиб остидаги майда ҳарфлар ҳам кўринади. Борди-ю, Карамишев ҳам йўлини топиб, тоғ жинсига илик ёғи шимдирган бўлса, қарабсизки, табиий жинс шаффоф тортган.

Эътибор қилган бўлсангиз, у тоғ жинсларини тилга олган бўлса-да, металлга шаффофлик бахш этиш ҳақида ҳеч нима демаган. Аммо муайян шарт-шароитда униям шаффоф ҳолатга келтирса бўлади. Масалан, тилларанг ялтироқ қоғозни олинг. Агар унга болға билан яхшилаб бир урсангиз, ўша жойи юпқалашиб, ёруғлик ўтадиган бўлиб қолади".

Академикнинг фикри физика фани нуқтаи назаридан тўғри, ишонарли. Аммо "Северный краевед" газетасининг юқоридаги сони ва Карамишевнинг кундаликлари ҳалиги мақоладан кейин нега шошилинч тарзда мусодара қилинганини қандай изоҳласа бўлади? Ягона гувоҳнинг аввалига изсиз йўқолиши-ю, кейинроқ сирли тарзда вафот этишини-чи? Демак, мақолада ва кундаликларда кенг омма билиши керак бўлмаган қандайдир махфий маълумотлар бўлган экан-да?!

N

BOLALAR SAHIFASI

Kunlardan bir kun...

KECHIKKAN UZR

Ahmadning dadasi yaylovdan ikkita qo'zi olib keldi. Qo'zilarning biri qop-qora, peshonasi oq, ikkinchisi oppoq, bo'ynida undov belgisiga o'xshash qora nishoni bor. Ahmad qo'zilarni boqish uchun mahallaning dalaga tutashgan joyidagi maydonga olib bordi. Bu yerni bolalar futbol maydoniga aylantirib olishgan. Ahmad kelganida bolalar yig'ilib bo'lishgandi. Qo'zilarni ko'rib ularning havasi keldi. Galmagaldan jonivorlarni silab, erkaladilar. Mayin maysalardan yulib berdilar.

– Bu qo'zilar katta bo'lsa rosa urushqoq bo'ladi, – dedi Bahrom oq qo'zining peshonasini silab.

– Peshonasini silasang, o'zingni ham suzadi, – dedi Akmal kulib.

U'ktam koptok olib kelishi bilan hamma maydon markaziga to'plandi. Bolalar ikki guruhga bo'linishdi. Futbol o'yini boshlandi. Ahmad avvaliga qo'zilarga ko'z tashlab turdi, keyin ularni esdan chiqardi.

Qo'zilar maydonda biroz o'tlab yurishdi, maydon ortidagi tomorqaga o'rnatilgan panjara orasidan o'tib, endigina kurtak yozayotgan niholchalarning barglarni terib yeya boshlashdi.

O'yin rosa qizigan paytda maydon chetidagi tomorqadan hay-haylagan ovoz eshitildi. Ahmad shoshib qo'zilarini qidirdi. Ular tomorqa tomondan chiqib kelardi. Borib haydab kelmoqchi edi xonadon egasi, Karim bobo chiqib keldi.

– Bu qo'zilar kimniki? – so'radi bobo.

– Meniki, – dedi Ahmad sekingina.

– O'g'lim, meni bir yillik mehnatimni bekorga chiqaribsan, – dedi bobo kuyinib. – Qara, yaqinda payvand qilgan nihollarim endi kurtak yozayotgandi. Endi ular o'smaydi. Yanagi yilga borib yana payvand qilishim kerak.

Ahmad qo'zilarga beparvo bo'lganidan juda afsuslandi. Chunki u boboni yaxshi ko'radi. O'tgan yili ikki tup gilos ko'chati bergandi, bu yil nishona qildi.

U dam qo'zilarga, dam boboga qarab, uyalganidan qizarib ketdi, uzr so'rashga ham tili aylanmasdi, chunki kechikkandi.

Sadriddin ABDULLAYEV.

DONO BOBO O'GITLARI

Bolajonlarim, odob inson ziynati. Odobli bo'lish uchun, avvalo, atrofdagilarga qaysi xulq yoqmaydigan bo'lsa, o'shandan saqlaning. Yomon xulqli kishini odamlar o'zlaridan ajratib qo'yishadi. Shuning uchun bolalikdan kattalarga quloq solib, yaxshi xulq egasi bo'lishga harakat qiling. Boshqalarga yaxshi ko'rinish uchun har xil beo'xshov qiliqlar qilsangiz, tarbiya ko'rmagan degan gapga qolasiz. Ulug' bobolarimizning bolaliklari haqidagi hikoytlarni eslang, odob ular uchun qoida bo'lgan. Odamlar bolalarni kiyimlariga qarab emas, odoblariga qarab baho berishadi.

Hurmatli bolajonlar! Baroqvoyga sichqonlarni tutishda yordam bering.



O'TGAN SONDA BERILGAN SKANVORD JAVOBLARI:

BO'YIGA: **Vazifa. Ada. Ar. Imo. Niyat. Nok. Antiqa. Imorat. Tot. Aso.Bol. Talaba. In. Navo.**

ENIGA: **Arava. Ildam. Ora. Imtihon. Fa. Igna. Alla. Ot. Kran. Tabobat. Asov. O't. Shalola.**

OHANRABO QAYSI NARSALARNI TO'G'RI VA QAYSI NARSALARNI NOTO'G'RI TORTAYAPTI?



ДУШАНБА, 21

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Ноилож сайёдлар». Телесериал.
9.35 «Бизнес ҳафта».
9.50 «Кино, кино, кино».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Т. Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 «Дастурхон атрофида».
12.20 «Ўзим билан ўзим». Видеофильм.
13.20 «Қишлоқ ҳаёти».
13.40 Эстрада тароналари.
14.10 «2005 йил - Сиҳат саломатлик йили». «Оламни асранг!»
14.35 «Одами эрсанг».
[illegible].00 «Вашингтон майдонидаги уй». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». 3. «Ёлғончилар қасри». Мультфильм.
18.10 «Ақл ва идрок».
18.30 Мумтоз наволар.
18.40 «Мулкдор».
19.00 «Мактуб - дил ойнаси».
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».
21.25 «Ўзбегим юлдузлари» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.55 «Бегона». Телесериал
22.55 «Оҳанглар оғушида».
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25- 23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
17.35 «Янги авлод» почтаси, Болалар шеърияти.
18.05 Сув - ҳаёт манбаи.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Қизил ҳудуд.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ҳамкор - 2005.
20.15 Олис манзиллар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Озод юрт фарзандлари.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
23.40 Спорт дастури: Интерфутбол.
1.20-1.25 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Қотиллик пайидан».
20.20 «Ёшлар даврасида».
21.15 «Мурувват».
21.55 Кинонигоҳ. «Фақат сиздан кейин».
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.05 «Муҳаббат тарихи». Кинокомедия.
11.40 Футбол бўйича Тошкент халқаро кубоги олдидан.
11.55-12.30 Мини-футбол. Ўзбекистон кубоги.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Икки тақдир». Бадиий фильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Икки тақдир». Бадиий фильм.
18.40 «Клон». Сериал.
19.40 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спортимиз маликалари».
22.00 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал.
22.55 «Проф-РИНГ».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы
17.00 «Зарубежные клипы»
17.25, 21.00 «Телехамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Шахматист», сериал
19.45 «Ошикона», мусиқий дастури
20.30 Юмористический сериал
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «Жемчужина Нила», фильм

ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00, 12.00, 5.00 Новости
9.05 Комедия «История вечной любви»
11.40 Дисней-клуб
12.20 Сериал «Женщины в любви»
13.10 Фильм «Единожды солгав...»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 «День рождения Буржуя - 2». Сериал
16.20 «Пять вечеров». Понедельник
17.30 «Две судьбы». Сериал
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 «Две судьбы». Сериал. Окончание
18.40 Сериал «Клон»
19.40 Жди меня
21.00 Время
21.30 Сериал «Кавалеры Морской звезды»
22.40 Спецназ. «Игра в ядерную рулетку»
23.30 Ночное «Время»
23.50 Искатели. «Летучий Голландец»
0.20 «Красота из-под скальпеля». Док. фильм
0.50 «Сканер». «Кто заказывает музыку»
1.20 Комедия «Сведи меня с ума»
2.40 Фильм «Три ниндзя: костяшки вверх»
4.10 «Тайны Белого дома»
5.05 Неизвестная планета. «Мир богов Гоа»

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!».
6:45 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ».
7:45 «От любви до ненависти. Уинстон Черчилль». Фильм 1-й.
8:40 «В «Городке».
8:50, 11.45, 2.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00, 12.00, 15.00, 18.00 ВЕСТИ.
9:30, 12.10, 14.40, 18.30 ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 Сериал «Линии судьбы».
10:50 «Что хочет женщина».
12:30 Фильм «Бэтмен и Робин».
15:10 «Честный детектив».
15:45 Сериал «Кармелита».
16:45 Сериал «Исцеление любовью».
17:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Тайны следствия-3».
20:00 Сериал «Любовница».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «Найти и уничтожить. Конец банды Гелаева».
22:15 «Синемания».
22:45 «Дорожный патруль».
23:05 Детектив «Энигма».
0:55 Канал «Евроньюс».

НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00, 0.00 «СЕГОДНЯ»
10:25 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
10:55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
11:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
13:35 Сериал «МАНГУСТ - 2»
15:35, 18.35, 21.50, 5.40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Ток-шоу «ПРИНЦИП «ДОМИНО»
17:30 Сериал «АДВОКАТ: ПОБЕГ»
19:40 Сериал «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ»
20:45 Сериал «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ-5»
22:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
22:35, 0.15 Сериал «СТЕРВЫ, ИЛИ СТРАННОСТИ ЛЮБВИ»
1:10 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
1:45 Комедия «СЫГРАЙ ЭТО ЕЩЕ РАЗ, СЭМ»
3:15 Сериал «ЗАПАДНОЕ КРЫЛО»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 Сериал «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
4:55 Сериал «БЕЗ СЛЕДА - II»

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Сериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Сериал «ВОРОВКА-2».
13.00 Фильм «СЛУЖИЛИ ДВА ТОВАРИЩА».
15.00, 20.00 Док. сериал «Анималия».
15.30 Док. сериал «Секреты кино».
16.00 Фильм «ЛЁГКИЕ ДЕНЬГИ».
18.00 Фильм «ОСТРОВ ОГНЯ».
20.30 Док. сериал «На пределе».
21.00 Сериал «ВОРОВКА-2».
22.00 Фильм «РОБИН ГУД - ПРИНЦ ВОРОВ».
0.55 Фильм «СИЛА ЕДИНСТВА».

ДТВ

9.00 Мультфильмы.
9.30, 20.25 «Неслучайная музыка».
9.35 Мультфильмы.
10.00 «На бульваре с Отаром Кушанашвили...»
10.30, 10.45 «Звездная семейка».
11.05 Телемагазин.
11.35 Агентство криминальных новостей.
11.55 Фильм «МИСТЕР РЕВНОСТЬ».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!»
14.40 Сериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».
15.45 Сериал «ОКРУГ КОЛУМБИЯ».
16.50, 17.15 Мультфильмы.
17.35, 17.55, 23.40 «Звездная семейка».
18.15 Фильм «ЗОЛОТОЕ ДНО».
20.30 Игровое шоу «Время - деньги!»
21.00 «На бульваре с Отаром Кушанашвили...»
21.25 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 Сериал «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».
23.00 «Шоу Бенни Хилла».
23.55 Фильм «ДОБЫЧА ЯГУАРА».
2.15 Агентство криминальных новостей.
2.35 Мужской тележурнал «Арсенал».
3.00 Шоу Джерри Спрингера.

ТНТ

5.55 «Москва: инструкция по применению».
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ- БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопёс».
7.40 «Ох уж эти детки».
8.05 «Как говорит Джинджер».
8.30 Наши песни.
9.00 «Завтрак с Дискавери».
10.00 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ РАВВИНА ЯКОБА». Комедия.
12.15 «Дикая семейка Торнберри». 1-я серия.
12.40 «Приключения Джимми Нейтрона, мальчика-гения».
13.05 «Эй, Арнольд!»
13.30 Телемагазин.
14.00, 1.55 «Голод».
15.00 «ДЕВСТВЕННИЦА». Сериал.
16.00, 21.00, 0.10 «Дом-2. Зимовка».
17.00, 20.00 «Окна».
18.00 «Цена любви».
19.00, 1.25 «Живой журнал». Домашнее видео.
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 Комедия «СТУДЕНЧЕСКИЙ УГАР».
0.40 Москва: инструкция по применению.
1.10 Наши песни.
2.55 «ЛУЧШИЕ ДРУЗЬЯ». Комедия.

СТС

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30, 21.00, 2.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «ДЖЕК-ПОТ ДЛЯ ЗОЛУШКИ». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
12.30 Кино «СОЛДАТИКИ».
14.40 Скрытая камера.
15.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
15.30, 16.00, 16.35, 17.00, 17.30 Мультфильмы.
18.00 «ЛУЧШИЕ». Сериал.
19.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
20.00 «КОМИССАР РЕКС». Сериал.
21.30 Истории в деталях.
22.00 «ДЖЕК-ПОТ ДЛЯ ЗОЛУШКИ». Сериал.
23.00 «УМНОЖАЮЩИЙ ПЕЧАЛЬ». Сериал.
1.00 Осторожно, модерн-2.
1.30 Истории в деталях.
2.35 Детали.
3.00 Комедия «ДРУЗЬЯ».
3.45 Кино «ШАФЕР».
5.20 Кино «УДАР ПО СИСТЕМЕ».

7 ТВ

7.00, 8.00, 11.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30 «220 вольт».
8.40, 11.00 Зарядка для страны.
9.00 Веселые старты.
10.30, 15.30, 4.00 Спортивные танцы.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00 Новости 7.
12.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40, 0.10 «101 великий нокаут».
14.30, 19.30 Футбол.
21.30 Автоспорт.
22.10 Мировое футбольное шоу.
22.40 Звезда автострады.
0.30, 1.00 Автоспорт.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

СЕШАНБА, 22

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Ноилож сайёдлар». Телесериал.
9.30 «Рангин дунё».
9.50 «Табиат шифохонаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Метичара - денгиз жонивори». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Фарз ва қарз».
12.25 Опера санъати юлдузлари куйлайди.
12.45 «Сиз кутган учрашув».
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Мактуб - дил ойнаси».
14.35 ТВ-клип.
14.45 «Бу турфа олам».
«Болалар сайёраси»:
15.35 1. «Қўшиғим - жон қўшиғим». 2. «Қувноқ стартлар».
16.35 «Мусиқа ва театр».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Матёқуб Қўшжонов».
18.35 «Таълим: ислоҳотлар йўлида».
18.55 «Куйла, ёшлигим».
19.10 «Тафсилот».
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 «Хонишч». Мусиқий дастур.
21.55 «Бегона». Телесериал.
22.55 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
23.15 «Оҳанглар оғушида».
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» почтаси.
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Катта танаффус.
10.30 «Ана, холос». Мультфильм.
10.40 Юртим сиҳатгоҳлари.
11.00 Қуёшли юрт одамлари.
11.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 Интерфутбол.
14.50 Болалар шеърияти.
15.00 Қизил ҳудуд.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.15 Олис манзиллар.
16.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қиш».
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.10 Телевикторина.
17.15 Ёшлар куйлаганда.
17.30 Янги алифбони ўрганамиз.
17.45 Каратэ - 2004. Йил якунлари.
18.05 16 га кирмаган ким бор?
18.25 1001 маслаҳат.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.50 Дийдор.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ - адвокат.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Ҳандалак. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Кавингтон Кросс». сериал. 1-қисм.
23.30 Футбол-плюс.
23.50-23.55 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».
17.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мультчархпалак».
18.30, 20.00, 20.50, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Қотиллик пайидан».
20.20 «Инсон ва қонун».
21.10 «Туризм ҳақида».
22.0 «Ўзбегим наволари». Мусиқий дастур.
22.20 Кинонигоҳ: «Нью-Йоркда куз».
0.00-0.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал.
10.10 «Болалар спорти».
10.25 Дисней-клуб.
10.45 Мини-футбол.
11.20-12.20 Профессионал баскетбол.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Икки тақдир». Бадиий фильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Икки тақдир». Бадиий фильм.
18.40 «Клон». Сериал.
19.40 «Қийшиқ кузгу».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
22.00 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал.
22.55 Футбол. «Тошкент халқаро турнири». «Локомотив» (Тбилиси) - «Пюник» (Ереван) «Трактор» стадионидан олиб кўрсатилади.
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Шахматист», сериал
14.00 «Жемчужина Нила», остросюжетный фильм
15.40 «Ошикона», мусиқий дастури
16.25 «Тайны мира»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Шахматист», сериал
19.45 «Ошикона», мусиқий дастури
20.30 Юмористический сериал
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «Няньки», комедия

ОРТ

13.00, 17.00, 19.00 Док. фильм «Неизвестный спорт».
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40, 19.30, 4.30 Звезда автострады.
15.30 Автоспорт.
18.00, 21.00, 2.10 Боксерский клуб.
19.40, 20.00, 4.40, 5.00 Мировое футбольное шоу.
21.30 Бильярд.
23.30 Конный спорт.
23.55 Футбол.
2.30 Интерактивный ТВ-чат.

ЯКШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Жаҳон эстрадаси».
11.40 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.
12.05 «Алифбо сабоқлари».
12.25 «Интеллектуал ринг».
13.10 «Бокиралик асри». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.00 «Қорақалпоқнома».
14.20 «Портретга чизгилар».
14.40 «Кўҳна замин оҳанглари».
15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Гардашлиг дунёсинда».
16.20 «Шеърга кўчган кўнгил».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож».
17.35 «Шахсий фикр».
18.05 Бир жуфт қўшиқ.
18.15 «Иқтидор». Телеўйин.
19.05 «Масъул сўз».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Олам».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Яхшилик».
21.40 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
«Якшанба кинозали»:
22.00 «Сизга мактуб». Бадиий фильм.
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
8.55 «Буюк ёпилиш», «Шалпангқулоқ». Мультфильмлар.
9.15 Қалпоқ.
9.45 Очил дастурхон.
10.05 Ёшлик наволари.
10.15 Кинотақдим.
10.35 Ҳамкор - 2005.
10.45 «Мульттомоша».
11.00 Аскар мактублари.
11.20 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.10 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
13.00 «Ниқобдаги Зорро». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.10 Чемпион сирлари.
14.30 «Ниқобдаги Зорро». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.45 Меҳр кўзда.
16.35 Ринг қироллари.
17.35 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
17.55 Спорт ҳафтаномаси.
18.10 Сув - ҳаёт манбаи.
18.15 «Қаҳқаҳа» ҳангомалари.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Дилшод Раҳмонов куйлайди.
20.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.50 Оҳанрабо.
21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
22.30 «Океан тубида». Бадиий фильм.
0.15-0.20 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканали

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ ИЖОДКОРЛАРИ 2005 ЙИЛНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «4 КАРРА ЙЎҚ». ТЕЛЕМАРАФОНИНИ СОАТ 15.00 ДАН 1.30 ГАЧА ЭФИРГА УЗАТАДИ.

«Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.20 Мультфильм.
9.35 «Қувноқ стартлар».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Соғлом овқатланиш сирлари». Инглиз тилида.
11.20 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.40 Жаҳон футболи.
12.10 «Профессионал бокс тарихидан».
13.10 Дисней клуб.
13.40 «Қишки ҳазил».
14.10-14.40 Ҳужжатли фильм.
16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.00 Футбол. «Тошкент халқаро турнири». Белоруссия ёшлар терма жамоаси - Украина олимпия терма жамоаси. «ЖАР» стадионидан тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
17.50 «Бинафша».
18.10 «Кучли бешлик».
19.00 Аралаш.
19.20 «Доктор Дулиттл». Кинокомедия.
21.00 «Время».
21.45 «Хабарлар».
22.00 «Спорт - менинг ҳаётим: Заҳирадаги спортчи».
22.20 Кураш бўйича халқаро турнир.
22.45 Фигурали учиш.
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05, 11.20, 17.25, 21.35 «Телехамкор»
9.25 «Детский час»
9.50 «Двенадцать месяцев», мультфильм
11.40 «Дикая планета»
12.50 Спорт-Экстрим
13.30 Хит-парад.uz
14.50 Боллалар соати
15.45 «Маска Зорро» приключения
17.45 «Музыкальная пауза»
18.20 «Джонни мнемоник», фантастика
19.50 «Ошикона», мусикий дастури
20.35 «Родственный обмен», сериал
21.55 «Музыкальная пауза»
23.00 «В джазе только девушки», комедия

ОРТ

6.00, 10.00 Новости
6.10 Динозавры в фильме «Земля до начала времен»
6.50 Фильм «В профиль и анфас»
8.20 Армейский магазин
8.50 Дисней-клуб
9.10 «В мире животных»
10.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
10.30 Пока все дома
11.10 Дог-шоу
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 Живая природа. «Правда о тигре»
13.10 Дисней-клуб
13.40 «Зимняя шутка с...»
14.10 «Встань и иди»
14.40 «Слабое звено»
15.30 Алла Пугачева. Избранное
18.00 Времена
19.00 «Воскресный «Ералаш»
19.20 Комедия «Доктор Дулиттл»
21.00 Время
21.45 Фильм «Игры разума»
0.10 Бокс. Рики Хаттон - Рей Оливейра
1.10 Суперчеловек. «Лекари - убийцы»
2.10 Комедия «Кофе и сигареты»
4.00 Фильм «Снега Килиманджаро»

РТР

3:50 Фильм «Живые и мертвые».
5:25 «Колоссальное хозяйство».
5:40 «Военная программа».
6:00, 9.00, 12.00 ВЕСТИ.
6:10, 9.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
6:20 «Студия «Здоровье».
6:50 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:05 «Диалоги о животных».
8:00 «Вокруг света».
9:20 «Пирамида».
9:50 «Городок».
10:20 «Сам себе режиссер».
11:15 «Парламентский час».
12:00 ВЕСТИ.
12:20 «Фитиль №32».
13:15 Мелодрама «Любимый Раджа». (Индия)
15:55 «Бенефис Александра Буйнова»
18:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
19:00 «Специальный корреспондент».
19:25 Боевик «Трудная мишень».
21:25 Комедия «Деньги решают все».
23:20 Фильм «М. Баттерфляй».
1:20 Сериал «Клоун».
2:15 Канал «Евроньюс».

НТВ

6:00 Мультфильмы
6:30 Фильм «ТАИНСТВЕННЫЙ ОСТРОВ»
8:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
8:15 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
8:40 «ИХ НРАВЫ»
9:25 «ЕДИМ ДОМА»
10:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
10:50 «TOP GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
11:25 «ДАЧНИКИ»
12:00 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».
3:00 «СЕГОДНЯ»
13:20 «ВОЕННОЕ ДЕЛО»
13:55 Детектив «ДЕЛО РУМЯНЦЕВА»
16:20 «ТАЙНЫ РАЗВЕДКИ»
16:55 «СВОЯ ИГРА»
17:50 Сериал «МАНГУСТ: ЧУЖАЯ ВОЙНА»
19:40 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
20:10 Фильм «МОЛЧАНИЕ ЯГНЯТ»
22:40 ПРЕМЬЕРА. «ОРГАНИЗОВАННАЯ ПРЕСТУПНОСТЬ». Фильм из цикла «ПОЙМАТЬ И ПОСАДИТЬ»
23:35 Фильм «НАШЕСТВИЕ ВАРВАРОВ»
1:35 Фильм «КОД НЕИЗВЕСТЕН»
3:30 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР.
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 Фильм «ДЖЕРИМАЯ ДЖОНСОН»

ТВ 3

8.30 Жизнь в слове.
9.00 Мультсериал
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Русские мультфильмы.
10.30 Русские мультфильмы.
11.00 Фильм «ЛЕГЕНДА О РАЙЕНЕ».
13.00 Фильм «МОШЕННИКИ».
15.00 Док. сериал «Четвероногие в кадре и за кадром 4».
15.30 Окно в мир.
16.00 Фильм «АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС ПРОТИВ ЦЕЗАРЯ».
18.15 Фильм «ИСТОРИЯ ЛЮБВИ».
20.00 Русские мультфильмы.
20.30 Док. сериал «Четвероногие в кадре и за кадром 4».
21.00 «Голливуд On-Set».
21.30 «Осторожно, модерн!».
22.00 Фильм «УЛЬТИМАТУМ».
23.35 Фильм «АРТИСТ И МАСТЕР ИЗОБРАЖЕНИЯ».
2.00 «Осторожно, модерн!»
2.30 Фильм «РОМАСАНТА: ОХОТА НА ОБОРОТНЯ».

ДТВ
9.30 Любимые мультфильмы.
10.00 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
10.30 Любимые мультфильмы.
11.15 Любимые мультфильмы.
11.45 Программа о здоровье «Секреты Гиппократа».
12.00 Программа для рыболовов «Серебряный ручей».
12.15 Фильм «ГЕРОЙ».
14.25 Док. сериал «Без цензуры...»
15.20 Телесериал «СТРОГО НА ЮГ».
16.20 Программа для автомобилистов «Карданный вал».
16.50, 17.55 Сериал «МОСКВА. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОКРУГ».
19.00 Юмористическая программа «Короли розыгрыша».
19.30 Юмористическая программа «В засаде».
20.00 Шоу рекордов Гиннесса.
20.55, 22.25 Фильм «КРИМИНАЛЬНЫЙ ТАЛАНТ».
0.20, 1.20 Телесериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ».
2.20 Эротическая программа «Самая желанная».
3.30 Юмористическая программа «Короли розыгрыша».
4.00 Док. фильм «Самые ужасные профессии».

ТНТ

7.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3». Сериал.
7.50 «Каламбур».
8.20 «ДЖИВС И ВУСТЕР». Сериал.
9.10 «Фигли-Мигли».
9.35 «Маски-шоу». Комедия.
10.00 «МУЖСКОЙ САНАТОРИЙ». Комедия.
12.20 «Сейлормун снова с нами».
13.30 «Маски-шоу». Комедия.
14.00 «Каламбур».
14.30 «Фигли-Мигли».
15.00 «АГЕНТСТВО НЛС-2». Сериал.
16.00, 21.00, 0.00 «Дом-2. Зимовка».
17.00 «САША + МАША». Комедия.
17.30 «Две блондинки против грязи».
18.00 «Школа ремонта».
19.00 «АГЕНТСТВО НЛС-2». Сериал.
20.00 «Запретная зона»
22.00 «САША + МАША».
22.30 «КОМЕДИЙНЫЙ КОКТЕЙЛЬ».
23.30 «СМЕШНЫЕ И ГОЛЫЕ». Сериал.
0.30 «Квартирка». Сериал.
1.20 Микс файт: бои без правил.
1.55 «Голод».
2.50 «МОЛОКО». Комедия.

СТС

8.00 «ОПАСНЫЕ ГЕРОИ». Фильм.
9.50 Мультипликационный фильм.
10.20 Мультипликационный фильм.
10.30 Мультипликационный фильм.
11.00 Мультипликационный фильм.
11.15 «Полундра!» Телеигра.
11.45 Мультипликационный фильм.
12.00 Утро с Киркоровым.
13.00 «Ты - супермодель-2».
14.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу.
16.00 «Снимите это немедленно».
17.00 Фильмы производства ВВС. «Мифы о «Титанике».
18.00 Истории в деталях.
18.30 «Ты - супермодель-2».
19.30 УМНОЖАЮЩИЙ ПЕЧАЛЬ». Сериал.
21.30 «33 квадратных метра».
23.00 Кино «ТРИ НИНДЗЯ. КОСТЯШКИ ВВЕРХ».
0.50 Фильмы производства ВВС. «БУДУЩИЕ ЛЕГИОНЕРЫ».
2.00 Кино в деталях.
3.00 Кино «ЧЕРНАЯ КОШКА, БЕЛЫЙ КОТ».
5.15 Кино «СМЕРТЕЛЬНОЕ УВЛЕЧЕНИЕ».

7 ТВ

7.00, 8.00, 9.00, 16.30, 18.30, 20.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 9.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 13.40, 18.10 «220 вольт». Мир экстрима.
10.00, 14.30, 19.30, 4.00 Спортивные танцы.
11.00 Веселые старты.
12.30, 18.00, 1.30 Звезда автострады.
12.40, 13.00, 22.30, 22.40 Мировое футбольное шоу.
13.10, 21.00, 1.40 Боксерский клуб.
13.30, 21.10, 1.10 Музыкальный трек.
14.00 Путеводитель по...
15.30 Автоспорт. Сезон-2004.
17.00, 19.00 Док. фильм из цикла «Неизвестный спорт».
21.30 Бильярд.
22.55 Футбол. Чемпионат Испании.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси бошлиғи, полковник **Алишер Аминжонович ШАРИПОВ**ни қутлуғ 55 ёшга тўлгани муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида катта ютуқлар ёр бўлиб, яна кўп йиллар фарзандлари, шогирдлари бахту камолини кўриб юриш насиб этишини тилаб қоламиз.

Республика ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

* * *

Азиз жигарбандимиз **ОДИЛЖОН**!

Ўн саккиз ёшга тўлганинг билан чин дилдан қутлаймиз. Камол топиб, биз орзу қилган олижаноб инсон бўлишингни тилаймиз.

Аданг, ойинг, укаларинг Ориф, Сарвар.

* * *

Акмал Икромов тумани ИИБ профилактика катта инспектори, майор **Ражаббой КАРАБАЛЛАЕВ**ни туғилган куни билан самимий қутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида омад тилаймиз.

Туман ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

* * *

Қўқон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сержант **Лазизбек ЖАЛИЛОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хизматида катта ютуқлар тилаймиз.

Ҳамкасблари номидан Х. Абдуллаев.

БИР КУЛИШАЙЛИК

Купеда икки йўловчи кетаяпти. Улардан бири иккинчисига тикилиб деди:

– Сиз хотинимнинг қуйиб қўйган ўзи экансиз. Фақат мўйлов халақит қиляпти.

– Менинг мўйловим йўқ-ку!

– Хотинимники бор-да...

* * *

– Эсингни еб қўйдингми? Нега пляжга қора кўйлак олиб келдинг?

– Ҳар хил кўнгилсизликларга олдиндан тайёргарлик кўрган яхши-да.

– Бу нима деганинг?

– Эрим сузишни билмайди...

* * *

– Дўхтир, итимизни ҳар куни сайр қилдирамиз, ювиб-тараймиз. Уйчаси ҳам иссиққина. Шунга қарамай негадир озиб кетяпти.

– Иштаҳаси қалай? Овқат бериб турасизларми?

– Ўзим ҳам айтувдим-а ниманидир эсдан чиқардик деб...

* * *

Бир киши танишидан маслаҳат сўради:

– Сувараклар жонимга тегиб кетди. Нима қилсам экан?

– Кечқурун ухлаш олдидан ҳамма хонага кириб "Овқат йўқ! Овқат йўқ!" деб шивирлаб чиқинг.

Ҳалиги киши танишининг айтганини қилиб ухлагани ётди. Ярим кечаси бировнинг қитиқлашидан уйғониб кетди.

– Хўжайин, туринг, сизга овқат олиб келдик, – дерди бир суварак мўйловини бураб.

* * *

– Мана, уйланганимга ўн йил бўляпти. Илгарилари хотинимни кучганимда у бўғиб қўйишимдан чўчирди.

– Энди-чи?

– Энди мен қўрқаман...

* * *

– Дўхтир, озиш учун нима қилишим керак, маслаҳат беринг.

– Худди "йўқ" дегандай бош чайқаб турсангиз бас.

– Кунига неча марта?

– Ҳар гал бирор егулик, ширинлик таклиф этишганида.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

Қўй. Одамлар билан хушмуомала бўлишингиз ва истеъдодингиз зарур алоқалар ўрнатиш, янги шериклар ва даромад манбаини топишда қўл келади. Барча ғояларингиз ҳам қўллаб-қувватланмаслиги мумкин. Аммо умуман олганда, муваффақиятга эришасиз. Эски қадрдонлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг.

Тарози. Ушбу ҳафтада куч-қувватга тўлиб, саргузаштларни ихтиёр қиласиз. Аммо бунга эришишингиз қийин кечади. Ўз ҳуқуқингизни талаб этишингиз жиддий келишмовчилик келтириб чиқариши мумкин. Чоршанба куни атрофингиздаги одамлар билан мулоқотда эҳтиёт бўлинг. Чунки бир оғиз ножўя сўзингиз вазият ўзгариб кетишига олиб келади.

Сигир. Ушбу ҳафтада белгиланган ишларни ниҳоясига етказишингизга тўғри келади. Акс ҳолда йўл қўйилган хатоларни тўғрилашингиз қийин кечади. Музокаралар пайтида ўзингизни босиқ тутишга ҳаракат қилинг. Чоршанба куни сизни хуфёна ишларга жалб этишга уринадилар. Ҳуда-беҳуда гапларга ишонавермасликни маслаҳат берамиз. Босиқлигингиз қийин вазиятдан чиқиб олишингизда асқотади.

Чаён. Мазкур ҳафтада тўпланиб қолган юмушларни ниҳоясига етказинг. Сешанба кунга муҳим учрашувларни режалаштирмаганингиз маъқул. Чоршанба куни кутилаётган мунозараларни кейинги ҳафтага қолдиришни маслаҳат берамиз. Атрофдагилар маслаҳатига таянмаганингиз яхши. Чунки улар тўғри йўлдан адаштиришлари мумкин.

Эгизаклар. Мазкур ҳафтада ижодий қобилиятингизни намоён этиш имконияти бор. Сешанба куни анчадан бери ташвиш келтираётган, йўқолган ҳужжатингизни тасодифан топиб оласиз. Чоршанба куни дўстларингизнинг бўлмагур таклифларини рад этганингиз маъқул. Якшанба куни яқинларингиз билан бирга бўлишга кўпроқ вақт ажратинг.

Ёй. Фойдали амалларни ўзлаштиришингиз, касб маҳоратини оширишингиз ўзингизга боғлиқ. Душанба куни расмий қоғозларга имзо чекаётганда ниҳоятда ҳушёр бўлинг. Сешанба куни келиб тушаётган маълумотларни диққат билан ўқиб чиқишни маслаҳат берамиз. Бу фойдадан ҳоли эмас.

Қисқичбақа. Ушбу даврда мавқеингиз яхшиланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Пайшанба кундан бошлаб ҳамкасбларингиз билан ҳамкорлик қилишдан воз кечмаганингиз маъқул. Чунки бу катта фойда келтиради. Сешанба куни ҳар қандай икир-чикирлар обрўйингизга путур етказиши мумкин. Шу боис, одамлар билан мулоқотда эҳтиёт бўлишни маслаҳат берамиз.

Тоғ эчкиси. Ушбу ҳафтада ўз устингизда ишлаш яхши самара беради. Масъулиятдан чўчимасангиз иқтидорингизни намоён этиш имконияти бор. Ҳар қандай вазифаларга бемалол киришаверинг, омад сиз томонда. Раҳбарлар амалга оширилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисобот талаб қилишлари мумкин. Дам олиш кунлари ёрдам сўраб мурожаат қилган қариндошингизни қўллаб-қувватланг.

Арслон. Мазкур ҳафтада вазиятга мослашиш учун кўп куч-қувват сарфлайсиз. Сешанба куни ҳар бир сўзни ўйлаб гапиринг. Раҳбарлар ва ҳамкасбларингизга бажариб бўлмайдиган ваъдаларни бермаганингиз маъқул. Ҳаётингизда муайян ўзгаришлар кутилмоқда. Чоршанба куни ўйлаб қилинган хатти-ҳаракатларингиз жамоада обрўйингиз ошишига олиб келади.

Ковға. Мазкур ҳафта ташқи кўринишингизни тартибга келтириш учун қулайдир. Кўпчилик сиз билан дўст тутинишни истайди. Улар билан яхши муомалада бўлинг. Душанба кунги саъй-ҳаракатларингиз ўз самарасини беради. Сешанба куни ютуқлардан мағрурланиб, ўйламай қарор қабул қилиб қўйишингиз мумкин.

Бошоқ. Ушбу ҳафтада мавқеингизни яхшилаш учун катта имконият бор. Ҳатто рақибларингиз ҳам ишбилармонлик қобилиятингизга тан беришади. Сешанба куни ички туйғуингизга таяниб иш кўраверинг. Бу миянгизда туғилган ғояларни ҳаётга жорий этишда муҳимдир. Чоршанба куни мақсадга эришиш имконияти бор.

Балиқ. Ушбу ҳафтада миянгизни янги ғоялар қамраб олади. Режаларни белгилашда дўстларингизнинг тутган ўрни беқиёсдир. Ички туйғунгизга таяниб иш кўришни маслаҳат берамиз. Дам олиш кунлари оилангиз учун вақт ажратинг.

Изоҳга ҳожат йўқ







Камола ОРИПОВА тузди.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: Рўмол. Авом. Цех. Аскарбоши. Балет. Бел. "Ту". Илм. Центнер. Муаррих. Сор. Дин. Атом. До. Дренаж. Ла. Лая. Одоб. Эс. Алик. Вар. Ли. Курс. Тоғлик. Магма. Есир. Келажак. Саратон. Тон. Исландия. Аскар. Ўтар. Нефть. Аё. Пат. Ва. Шпат. Ўн. Анна. Оташ. Дам. Қорабайир. Неру. Ана. Содиқов. Ҳол. Адо. Мискин. Али. Мабу. Аш. Тандир. Жон. Итоат. Жом. Айлана. Сар. Сирожиддинов.

БЎЙИГА: Пармуда. Акварель. Асрора. Мотобол. Милиция. Тол. Рона. Ўша. Мум. Ахбор. Лотин. Илгак. От. Стакан. Кабиса. Елена. Ол. Цилиндр. Пўлат. Хабаровск. Жамоа. Жилга. Ким. Бак. Амальгама. Упит. Драп. Биосфера. Равоқ. "АН". Рўян. Ёқа. Шомуҳамедов. Най. Насл. Ирода. Ананас. Нишона. Каср. Байир. Афанди. Радиатор. Илтижо. Авж. Товон. Селоб. Имон. Уқа. Мита.

СПОРТ+ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» АНТАЛИЯДА

22 февраль – 1 март кунлари пойтахтимизда футбол бўйича "Тошкент Халқаро турнири" ўтказилади. Илк бор ташкиллаштирилаётган мазкур турнирда бош соврин учун "Пахтакор" жамоаси билан бир қаторда Украина олимпиячилари, Белорус ёшлар терма жамоаси, Латвия ҳамда Арманистон чемпионлари "Сконто" ва "Пюник", Тбилисининг "Локомотив" жамоалари баҳс олиб боришади. Ушбу мусобақа олдидан пахтакорчилар 10 кунлик ўқув-йиғин машғулотларида қатнашиш учун Туркиянинг Анталия шаҳрига жўнаб кетишди. У ерда Украинанинг "Шахтёр" ва "Заря", Молдованинг "Зимбру" клублари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказиш мўлжалланган. Жамоа таркибига термамиз ҳужумчиси Александр Гейнрих ҳамда нигериялик Осаги Жуниор Овиасогилар ҳам киритилган.

КУЧЛИЛАР – ПЕШҚАДАМ

Газетамизнинг ўтган сонида 2006 йил Германияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун дунёнинг кўплаб мамлакатларида навбатдаги саралаш баҳслари ўтказилганини маълум қилган эдик. Ушбу ўйинлар олдидан кўпгина мутахассислар МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистон ҳамда Украина терма жамоаларининг чемпионатда қатнашиш имконияти юқорилигини билдиришган эди.

Мамлакатимиз футболчилари Саудия Арабистони билан дуранг натижа қайд этишган бўлса-да, ҳали имконият йўқолгани йўқ. Кўпгина таниқли легионер футболчиларимиз ҳам хорижий оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларида буни таъкидлаб ўтишган.

Биз билан бир гуруҳдан жой олган Жанубий Корея ва Қувайт терма жамоалари ўртасидаги учрашув 2:0 ҳисобда, кутилганидек, кореяликлар фойдасига ҳал бўлди. Ўйин бошида кўпчилик Жанубий Корея вакиллари ғалабани осонлик билан қўлга киритишига ишонган эди. Бироқ меҳмонлар корейсларга етарлича ташвиш туғдиришди. Биринчи турданоқ пешқадамга айланган гуруҳимиз фаворити эндиликда Саудия Арабистони меҳмони бўлса, ҳамюртларимиз Қувайтга ташриф буюришади.

"В" гуруҳининг фаворити, деб ҳисобланган Япония терма жамоаси ҳам дастлабки уч очкони қўлга киритди. КХДР жамоасини ўз майдонида қабул қилган японияликлар заҳирадан майдонга тушган Огуранинг сўнгги дақиқада урган голи эвазига зўрға ғалаба қозонишди. Умумий ҳисоб - 2:1. Баҳрайн ҳамда Эрон терма жамоалари ўртасидаги баҳсда ҳисоб очилмаган бўлса-да, мухлислар хавфли ҳужумларнинг гувоҳига айланишди. Бир неча бор хавфли вазиятни юзага келтирган эронликлар ҳар қанча уринишмасин рақиб дарвозасига тўп кирита олишмади.

Биринчи турдан кейинги вазият:

"А" гуруҳи

жамоа	ўйин	Ю	Д	М	Т/Н	О
1. Ж.Корея	1	1	0	0	2-0	3
2. Ўзбекистон	1	0	1	0	1-1	1
3. С.Арабистони	1	0	1	0	1-1	1
4. Қувайт	1	0	0	1	0-2	0

"В" гуруҳи

жамоа	ўйин	Ю	Д	М	Т/Н	О
1. Япония	1	1	0	0	2-1	3
2. Баҳрайн	1	0	1	0	0-0	1
3. Эрон	1	0	1	0	0-0	1
4. КХДР	1	0	0	1	1-2	0

Афсонавий футболчи Олег Блохин бошчилигидаги Украина терма жамоаси нафақат сўзда, балки амалда ҳам кучли эканлигини исботлаб келмоқда. Саралаш баҳсларига қуръа ташлаш маросимидан сўнг, оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида О.Блохин жамоани тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати финал қисмига олиб чиқишига ваъда берганди. Кўпчилик амалдаги чемпион Греция, "Евро-96" ғолиби Дания ва сўнгги жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Туркия билан бир гуруҳдан ўрин олган Украина термасига унчалик ишонч билдиришмаганди. Бироқ футболчилар устознинг ваъдасини оқлашга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Сўнгги турда Албания терма жамоаси меҳмони бўлган украинлар мезбонлар дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллаб, навбатдаги 3 очкони ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Турнир жадвалида энг яқин таъқибчисидан 6 очко ўзиб кетган бу жамоа якка пешқадамликни сўнгги турларгача ҳеч кимга бермаса керак.

"ЖЧ-2006" саралаш учрашувларининг қолган натижалари:

Европа

Македония – Андорра – 0:0
Греция – Дания – 2:1
Испания – Сан-Марино – 5:0

Африка

Марокаш – Кения – 5:1

КОНКАКАФ

Тринидад ва Тобаго – АҚШ – 1:2
Панама – Гватемала – 0:0
Коста-Рика – Мексика – 1:2

Азим МУЗАФФАРХОНОВ.

Баҳодир Султонов ўсмирлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони бўлганидаёқ истиқболи порлоқ эканлиги яққол кўринганди. Аммо бу ишда ҳаммани лол қолдириб, кейинчалик катта спортда кўринмай кетган боксчилар ҳам бўлган. Баҳодир эса ўз мавқеини йўқотмади, катта-катта масканларда ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси" унвонига сазовор бўлди.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЙИГИТ

Ҳали 19 ёшга кирмаган йигит катталар орасида ўтказилган V Марказий Осиё ҳамда Афро Осиё ўйинлари ва Осиё чемпионатида ғолиб чиқди. Ўтган йили Таиландда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида учинчи ўрин билан кифояланди. У чемпионатнинг энг ёш ва келажаги порлоқ боксчиси сифатида эътироф этилди.

Баҳодир "Афина-2004" жаҳон Олимпиадасида ҳам энг ёш боксчилардан бири бўлди. У финляндиялик Эндрю Куперни мағлуб этиб, 53 кг вазндаги "чарм қўлқоп" усталари орасидаги ярим финалга чиққанида, ҳеч ким буни тасодиф деб билмади. Чунки Баҳодир ёш бўлишига қарамай, ўз маҳорати билан кўпчиликка танилиб улгурганди. Аммо финалда кубалик Ортиз Ригондага имкониятни бой берди.

Ортиз "Сидней-2000" олимпиадаси чемпиони, икки карра жаҳон чемпионати ғолиби эди. Шунга қарамай, Баҳодир фақат ғалаба қозониш учун рингга чиқди. У уришқоқ кубаликларга шиддаткор боксни кўрсатиб қўймоқчи эди. Андижонлик боксчи биринчи раундаёқ Ортизни кубаликларга хос бўлмаган тактик услубда жанг қилаётганлигидан бир оз эсанкираб қолди. Рақиб ҳужумдан ўзини олиб қочиб, деярли мудофаада ҳаракат қиларди. Олдинга далил ташланган Баҳодир рақибнинг аниқ зарбаларига учради. Кубалик боксчига бирдан беш очко ёзилди. Бу ҳакамларнинг Ортиз Ригондага ён босаётганлигидан дарак берарди. Чунки очколар сони анча ошириб юборилганди.

Хуллас, биринчи раундда очколар бўйича ортда қолаётган Баҳодир ҳеч бўлмаса, вазиятни тенглаштириб олиш учун ҳужум қилишга мажбур эди. Рақиб эса "муштлашиш"дан ўзини олиб қочар ва қайта зарбалар билан очко йиғарди. Бу тактик усул унга ғалаба келтирди.

– Кубаликлар тактик усулларини ўзгартириб, 1976 йилги жаҳон Олимпиадасида эришган катта ютуқларини қайтардилар, – дейди Баҳодирнинг устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Алишер Абдуллаев.– Улар беш та олтин медални қўлга киритишди. Ўзбекистон боксчиларига иккита бронза медали насиб этди. Ҳар икки медал соҳиби андижонликлар эканлиги ғоят қувончлидир. Жаҳон чемпиони Ўткир Ҳайдаров (81 кг) ва ёш боксчимиз Баҳодир Султоновларнинг муваффақияти ўзбек бокс мактабини яна бир бор дунёга танитди.

– Баҳодирнинг жанг қилиш услубида қандай афзалликлар бор?–дея сўрадим мураббийдан.

– Ҳар қандай боксчи жанг олдидан ҳаяжонланади, ўзини босиб олиши қийин кечади. Баҳодир чинакам қўрқув билмас спортчи. Энг кучли рақибига қарши рингга чиқаётганда ҳам ўзини йўқотмайди. У ҳаётда оғир-босиқ, аммо рингда шиддаткор, рақибининг ҳаракатларини "ўқий оладиган" ва ўз услубини ўзгартиришга қодир, яъни рингда "шахмат ўйнай оладиган" боксчига айланиб бормоқда.

– Келгуси йили Хитойда бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлади. Унда ғолиб чиқиш учун бутун куч-ғайратимни ишга соламан, мухлисларим ишончини оқлайман, деган умиддаман, – дейди Андижон вилояти "Динамо" ФСЖ аъзоси, Баҳодир Султонов.

Тўлқин СИДДИҚ,
Жалолиддин ТУРДИЕВ.

Sportlotto
1970 йилдан бирга loteresyasi

159-ТИРАЖ
16.02.2005

111456 чипта 238534 вариантда иштирок этди.

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

28 22 36 10 34 32

6 та рақам — йўқ.

5 та рақам — 12 чиптанинг 12 вариантида тўғри топилган. Уларнинг ҳар бирига 159023 сўмдан берилади.

4 та рақам — 606 чиптанинг 659 вариантида тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 5791 сўмдан берилади.

160-тираж учун

ЖЕК ПОТ 142.114.392 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»
Ислом КАРИМОВ.

Ниҳол

Ёшлар саҳифаси

ТЎҒРИ ЎСГАН — ГУЛ БЎЛАР

Бугун болаларга эрмак кўп. Кўчага чиқсанг турли хил ўйинлар, кўнгилочар масканлар кўзингни қамаштиради. Уларни кераксизида кераклигини, ёмонидан яхшисини ажратиб олишда кичкинтойларга кўмаклашиш катталар зиммасидадир. Афсуски, ўз бурчларини унутиб, фарзандларига тўғри йўлни кўрсатиш ўрнига кайфу сафоларини ўйлаётган, ўзлари тарбияга муҳтож ота-оналар йўқ эмас орамизда.

Сирдарё тумани ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмасида 22 нафар ўсмир ҳисобда туради. Уларнинг аксарияти носоғлом оила фарзандларидир. Ўтган йили ота-оналар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган, назоратсиз тўрт нафар ўсмир интернатларга жойлаштирилган. Булар асосан ичкиликка, гиёҳвандликка берилган ёки феъл-атворлари тўғри келмай, ажрашиб, боласини бир-бирига "копток" қилган ота-оналарнинг фарзандлари эканлигини таъкидлаш жоиз.

Бўлинма ходимлари ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бўш вақтларида фойдали машғулотларга жалб этиш борасида мунтазам профилактик тадбирларни амалга оширишмоқда. Бунинг натижасида кўплаб салбий ҳолатлар аниқланяпти.

Тумандаги 27 ва 40-мактабларда ўтказилган учрашув чоғида мактабларнинг маъмурияти бир неча ўқувчи сурункали дарс қолдираётганини маълум қилиб, ходимлардан ёрдам сўрашди.

– 5-синф ўқувчиси Алижон билан жиддий суҳбатлашилганда у компьютер ўйинларига қизиқиши, майда-чуйда ишларни бажариб, ўйинга керакли пул ишлаши маълум бўлди, – дейди туман ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси инспектори, старшина Носир Юсупов. – Унга билим олиш инсон учун нечоғли муҳимлиги мисоллар ёрдамида тушунтирилди. Зеҳни ўткир, фаросатли ўсмир ўз хатосини англади.

8-синф ўқувчиси эса ўқитувчининг қўпол муомаласи туфайли дарсга кирмай, бора-бора бошқа фанларни ҳам қолдира бошлаган. Мактабдан бозор, дўконларни айланиб юришни маъқул кўрган. Сигарет чекишга ўргангани боис, пул топиш илинжида у ҳам турли юмушларни бажариб юрган. Ота-она эса ўқитувчиларнинг огоҳлантиришларига деярли бефарқ бўлган.

Ўсмир билан суҳбатлашилганда вақт анча бой берилгани ойдинлашди. Уни йўлга солиш учун якка тартибда кўп суҳбатлашишга тўғри келди. Ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар қўлланди. Ҳайриятки, унинг онгига салбий қарашлар мустаҳкам ўрнашиб улгурмаган экан.

Бола-азиз, одоби ундан азиз, дейди доно халқимиз. Худди шу мавзуда маҳалла, коллеж ва мактабларда учрашув, саволжавоб кечалари ўтказиляпти. Бу эзгу ишларда маҳалла фаоллари, мутасаддилар ҳам четда тургани йўқ. "2-ёшлик" маҳалласи маслаҳатчиси Н. Асрорқулова, "4-Пахтакор" маҳалласи маслаҳатчиси Л. Абдуллаевалар томонидан ёшларни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан сақлаш, диний-экстремистик оқимларга адашиб кириб қолишларининг олдини олиш борасидаги ишлари ҳам ёшлар, ҳам катталар учун фойдали бўлмоқда.

Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида туман ҳокимлиги ва тегишли идоралар ҳамкорлигида чора-тадбирлар белгиланяпти. Улар жисмонан соғлом, маънавий баркамол улғайиши учун спортга жалб этилаяпти. Асосийси, ҳали маънан, руҳан, жисмонан шаклланмаган болаларга тўғри йўлни кўрсатиш. У ёғи эса ўзларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Бинобарин, тўғри ўсган – гул бўлишини унутмасликларини истардик.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Суратда: *Андижон шаҳар ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, катта лейтенант Гулнора Абдувоҳидова ёшлар билан суҳбатлашаяпти.*

ОРЗУЛАР ОҒУШИДА

Болаликда қалбга муҳрланган орзу абадийдир, дейдилар. Ҳақ гап. Марҳаматлик Эргашали Абдужалилов ҳам ёшлигидан ички ишлар ходими бўлишни ҳавас қилган. Бу ҳавас аста-секин орзуга, орзу аҳдга айланди. Шу боис ҳам спорт билан мунтазам шуғулланди. Барча фанлардан аъло баҳога ўқиди.

Эргашали эсини танибдики, жисмоний чиниқишга астойдил ҳаракат қилди. Мактабдан қайтгач, спорт машғулотларига қатнади. Бир дам бўш вақт топди дегунча қўлига китоб олди. Ўрта мактабнинг 9-синфини тамомлагач, ҳеч иккиланмай Марҳамат туманидаги 31-ҳуқуқшунослик лицейига ҳужжатларини топширди. Унинг ўқишга нисбатан қизиқиши ва интилиши, шу касбга бўлган муҳаббати лицей директори, айни пайтда туман халқ таълими бўлимининг мудири Муҳаммаджон Шоматовнинг эътиборини тортди. Муҳаммаджон ака Эргашалига устозлик меҳрини бериб, ундаги муҳаббатнинг шаклланишида катта ҳисса қўшди. Устоз ўгитига амал қилган Э. Абдужалилов айни пайтда Ички ишлар вазирлиги Академиясининг иккинчи босқичида таҳсил олмоқда.

– Ўғлимда бу касбга қизиқишнинг уйғонишида амакисининг таъсири катта бўлган, – дей

ди Эргашалининг дадаси Абдуқурбон Абдужалилов. – Укам Одилжон Марҳамат тумани ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари, майор. Одилжоннинг хизмат фаолияти Эргашалини ҳамиша қизиқтириб келган. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш мавзусида суҳбатлашиб қолишса, уларни ҳеч ким тўхтата олмас эди. Укам билан қанчалик фахрлансам, ўғлимнинг қароридан ҳам шу даражада қувондим. Яқинда биз бир хат олдик. Унда шундай дейилган эди:

"Ассалому алайкум, ҳурматли Абдуқурбон ака ва Насиба опа!

Азиз фарзандингиз Эргашали Абдужалилов Академияга ўқишга қабул қилинганидан буён ўзининг аъло хулқи, тиришқоқлиги, жамоат ишларидаги фаол иштироки билан барчага намуна бўлмоқда. Берилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариб келмоқда. Ўқитувчи ва тенгдошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Мана шундай одобли, интизомли, келгуси ҳаётини халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли касбга бағишлаган мард, жасур ўғлонни тарбиялаб, вояга етказганлигингиз учун сизларга ташаккуримизни изҳор этамиз.

Ҳурмат билан,

ИИВ Академияси тарбиявий ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, полковник Орифжон ИЛҲОМОВ,
4-отряд сардори, капитан Акромхўжа АЗИЗХЎЖАЕВ.
2005 йил 5 январ".

Ҳар бир ота-она фарзандининг етук, баркамол бўлиб вояга етиши, келгусида халқи, Ватанига сидқидилдан хизмат қилишини истайди. Эргашали ана шундай ўғил эканлигини исботламоқда. Шу боис ҳам у Академияда аъло баҳоларга ўқиб, нафақат сафдошлари, балки ўқитувчиларнинг ҳам ҳурматини қозонмоқда.

Сомижон ҲУСАНЗОДА.

ЎСМИР, АРОҚ, ЖИНОЯТ...

Мактаб биноси олдида ўралашиб юрган бир нечта ўсмирга ҳеч ким эътибор бермасди. Зийракроқ йўловчи уларга диққат билан разм солганида, она сути оғзидан кетмай туриб ароқ ҳиди гупиллаётган, қўлларида сигарет, кўзлари бежо, ҳаракатлари ғайритабиий эканлигини пайқаган бўларди. Афсуски, бундай бўлмади. Йўловчиларнинг лоқайд, бепарволиги қора ниятли йигитчаларга қўл келди. Ўсмирлар ишдан қайтаётган аёлнинг орқасидан сездирмай келиб, чарм сумкасига ёпишишди. Аёл сумкасини маҳкам ушлаганча қаршилик кўрсатиб, овозининг борича бақира бошлади. Қўрқиб кетган шоввозлар жуфтакни ростлаб қолишди. Аммо муваффақиятсизлик уларни талончилик фикридан қайтара олмади. Нафасларини ростлаб олишгач, яна "қадрдон" жойларига қайтиб, навбатдаги "ўлжа"ни пойлаб туришди. Ароқ ўз кучини кўрсатиб, уларнинг ақлу ҳушини бутунлай ўғирлаган эди.

Ўлмасхон сумкасини бўшроқ ушлаган эканми, ўсмирлар биринчи уринишдаёқ уни юлиб олдилар. Аёл ҳай-ҳайлаганча бақириб қолаверди. Жабрдийда вақтни бой бермай, Чирчиқ шаҳар ИИБга мурожаат этди. Унинг сўзларига қараганда, нақд пул ва буюмлар ҳисобланганда, 80 минг сўмга яқин зарар кўрган эди.

Шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Н. Рафиков, ВЕИН инспектори, капитан Ш. Абилов, терговчи, катта лейтенант А. Раззоқовлар навбатдаги ичкиликбозлик вақтида талончиларни қўлга олишди.

Тергов жараёнида ўсмирларнинг мақсади компьютер ўйнаш, кайф-сафо қилиш ва майда-чуйда нарсаларни олиш эканлиги маълум бўлди.

"Нима учун бу ўзгаларнинг пешона тери билан топилган пуллари ҳисобига бўлиши керак?" – деган саволга талончилар жавоб бера олишмади...

Шералн АНВАРОВ.

Ҳукм ўқилди

ОСТОНАДАГИ ТАНИШУВ ОҚИБАТИ

...Тўрткўллик Йўлдош ва самарқандлик Бегали Қизилтепадаги қамоқхоналардан бирининг остонасида танишишди. Иккови ҳам ўз танишларини кўргани боришганди. Оила, ҳаёт, ўзаро борди-келдилар ҳақида тўлқинланиб гапиришиб, танишларининг аянчли қисматларига куйинишди. Чархи кажрафторни қарангки, боягина тинч, ҳалол меҳнат билан бинойидек яшаш мумкинлиги ҳақидаги туппа-тузук гурунг... героин савдосига бориб тақалди. Бегали "бизда жуда сероб" деса, Йўлдош "бизда эса у жуда яхши "кетади", – деди...

Адашганнинг ҳолидан хабар олгани борганларнинг ўзлари адашишди.

Бегали "мол"ни манзилга ўзи олиб боролмаслигини биларди. Шу боис, Йўлдошни ҳамшаҳри Холдин Ҳамроев билан таништирди. Худди шу йўлда бир марта адашган, амнистия шарофати туфайли жазодан қутулиб қолган Холдин ҳам ўйлаб ўтирмай "битим"га қўшилди. У аввалги қилмишидан хулоса чиқариш, адашганларга сабоқ бериш, тўғри йўл кўрсатиш ўрнига заҳри қотилнинг чиндан ҳам кони фойда эканлиги ҳақида лоф урди. Манзилни пухта билиш мақсадида Йўлдошникига келиб кетди.

Белгиланган кун Йўлдош уни интизорлик билан кута бошлади. Бир пайт эшик тақиллади. Меҳмонни эмас, ички ишлар ходимларини кўрган Йўлдошнинг оёқ-қўллари бўшашиб кетди. Тинтув қилинганда унинг кўкрак чўнтагидан героин чиқди. "Бу гал қўлга тушмайман, тажрибам етарли", – деб мақтанган Холдин 106,9 грамм героин билан манзилга бир қадам қолганида – Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий чегарасидаги "Мискин" ЙПХ масканида қўлга тушганди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноий ишлар бўйича Олий судининг судьяси О. Қаипназаров бошчилигида бўлиб ўтган суд жараёнида Бегали Қурбоновга жазо белгиланиб, амнистияга кўра суд залидан озод этилди. Йўлдош Жумақличевга нисбатан белгиланган жазо муддати амнистияда кўрсатилган ҳолатлар бўйича маълум муддатга қисқартирилди. Холдин Ҳамроевга эса амнистия қўлланилмади. У ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

– Тўғриси, суд залидан озод бўлиб чиқишимни кутмагандим. Яна оилам бағрига қайтадиган бўлдим. Уч нафар фарзандим бор. Ўзим иккинчи гуруҳ ногиронман. Энди ҳеч қачон адашмасликка ҳаракат қиламан, – дейди кўз ёшларини тиёлмай Бегали.

Иккинчи бор адашмаслик учун, аввало, кечиримлиликнинг қадрига етиш, билдирилган ишончга нисбатан доимо масъулият ҳиссини туйиб юрмоқ керак.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Жиноятга жазо муқаррар!

ШАЙТОН МАЛАЙЛАРИ

Кейинги пайтда Раҳматулло бойлик орттириш жазавасига тушиб қолди. Турса ҳам, ётса ҳам қандай қилиб катта бойлик тўплаш ҳақида ўйларди. Ҳатто ухлаганда ҳам ороми йўқ эди. Айниқса, кўрган туши ҳаловатини ўғирлади. Биласизми, тушида...

Раҳматулло яқин кишиларини бир пиёла чойга таклиф этди. Тўпланганлар зиёфат сабабини билишмасди. Дастурхонга фотиҳа тортилгач, у муддаога кўчди.

– Сизларни безовта қилишимдан мақсад битта: яқинда ғалати туш кўрдим, – Раҳматулло фикрини жамлаш учун бир оз жим қолди. – Ухлаб ётган эканман. Ёнимга бир киши келиб уйғотди.- Тур, бўтам, ғафлатни тарк эт! Ухлайдиган вақт эмас, – деди ўша киши. Жойимдан турдим. Саломлашиш учун у кишига қўл узатдим. У мени бағрига босиб, нега хафа кўринасан, деб сўради. Мен эса талмовсираб, бола-чақа, рўзғор ташвишлари... деган эдим, ҳечқиси йўқ, ўзим мадад бераман, бўтам, деди.

– Нима тилакларинг бор, сўзла, – деди. Баданларим титраб, қалбим мумдай эриб кетди. Ўзимни тутолмай у табаррук зотнинг оёқларига бошимни қўйиб, сажда этдим. Этакларидан маҳкам ушлаб тоат қилдим.

– Бас, етар, ўрнингдан тур. Тила тилагингни. Менга сажда этдингми, кам бўлмайсан! Тилакларингни айт! Вақтим зиқ, – деди.

– "Дамас", "Нексия", кўпроқ "кўки"дан, – дедим. – Ҳар куни тўкин дастурхон... Дўстларим билан айшу ишрат...

– Ҳаммаси шуми, дедилар.

– Ҳозирча, – дедим.

– Ҳаммасига эришасан, дедилар.

Эркинсираб, ўша тилакларга қандай қилиб эришаман, деб сўрадим.

"Сим-сим" деб кўрсатгич бармоқлари билан тепага ишора қилдилар-да, кўздан ғойиб бўлдилар. Уйғониб қарасам, Майманак боғида ухлаб ётган эканман.

Ҳангома ва тортишувларни тўхтатиб, ҳамма туш таъбири хусусида бош қотирди. Биров у деди, биров бу. Раҳматуллонинг ўзи эса энг маъқул фикрини ўртага ташлади:

– Отахон кўрсатган "сим-сим" бу тилсимот эмас, очиқ ишора эканку! – Раҳматулло симёғочлардаги алюмин симларга ишора қилди. Таъбир ҳаммага маъқул тушди. Улар алюмин симларни қирқиб, бир жойга тўплаш ва сотишга аҳд қилдилар.

– Вазифа ҳаммага тушунарли бўлса, ишга киришамиз. "Дамас" ҳам, "Нексия" ҳам ростга ўхшайди, – дейишди.

Гуруҳ аъзолари кечқурунлари тўпланадиган, қоронғу тушганда номаълум томонларга кетадиган бўлишди. Кундуз кунлари эса одатдагидек ўз юмушлари билан банд эдилар.

Касби тумани ИИБ бошлиғи, майор А. Бўриев, туман прокурори А. Жўраловлар номига "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси томонидан хат тушди. Унда бошқарманинг қатор участкалардаги электр симларни номаълум шахслар ўғирлаб кетгани баён қилинган эди. Воқеани ўрганиш, ўғриларни ушлаш юзасидан тезкор гуруҳ тузилди. Қидирув-суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Қисқа муддат ичида 4 марта симни кесиб кетиш ҳолати қайд этилган эди. Воқеа тафсилотлари эса бу иш уюшган жиноятчилар томонидан амалга оширилганлигини кўрсатарди. Ички ишлар ходимлари қидирувни амалга ошираётган пайтларда, жиноий гуруҳ ҳафталаб дам оларди.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Абдулла Бўриев, бошлиқнинг биринчи ўринбосари, тажрибали изқувар, майор Эшдавлат Турсунов катта тезкор вакил, майор Маҳмуд Азизов, тезкор вакил, майор Рашид Турдиев ва бошқалар жиноят изини топишга киришдилар. Бу ишга профилактика инспекторлари, посбонлар жалб этилди. Рангли металлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи фуқаролардан бирининг хонадонига катта миқдордаги алюмин симлар келтирилганлиги тўғрисидаги хабар ўғрилар изини топишда ёрдам берди.

Тергов-суриштирув жараёнида жиноий гуруҳ аъзолари қилмиши фош этилди. Маълум бўлишича, бу гуруҳ аъзолари "Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси тасарруфидаги электр узатиш тармоқларидан бир неча минг метр симни ўмаришган. Ўғирланган симларнинг бир қисмини 360 минг сўмга сотишиб, кайф-сафо қилишган. Оқибатда ирригация-мелиорация ва унга электр алоқа хизмати кўрсатиш тизимига катта зарар келтирилди.

Электр узатиш линиясидаги симларни қирқиб, бойлик орттиришни кўзлаган бу шахслар Касби туман Майманак қишлоғида яшовчи Раҳматулло Жўраев ва унинг шериклари Исроил Жўраев, Давлат Ҳайитов ҳамда Яшнар Шомуродовдан иборат экан. Улар жавобгарликка тортилдилар.

Тергов, суд жараёнида Раҳматулло тушида кўрган, тилаклари ижобат бўлишига фотиҳа берган маънавий раҳнамоси яна пайдо бўлди. У яна оёқларига сажда қилиб ёлворди, мадад сўради.

– Отахон, ваъда қилган нарсаларингиз, "Дамас", "Нексия" қани? "Сим-сим" деганингиз учун электр симларини қирқиб шу кунларга қолдик. Мадад беринг, отажон!

"Ота" қаҳ-қаҳ отиб куларди. У ҳеч қандай каромат соҳиби, авлиё эмас эди. Раҳматулло шайтонга сиғинган, сажда қилганди. Шайтон эса иродаси бўш, имони кемтик, ишёқмас кимсаларни ўзининг кетидан эргаштиради. У вазифасини бажарганидан хурсанд, қаҳ-қаҳ отиб куларди.

Раҳматулло ва унинг шериклари "сим-сим" моҳиятини тушуниб етдилар. Энди улар алюмин симларга қиё боқмайдилар. Чунки атрофлари тиканли симлар билан ўралган.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.

ҲАЁТНИНГ ОҚ ВА ҚОРА ЧИЗГИЛАРИ

ЎЗИМИЗНИНГ ИЛМИР ОҒА

Илмир аканинг ёши элликни қоралаб қолган бўлса ҳам меҳнат қилиб чарчамайдиган инсон. Бу фазилат унга отаси Гиндулла бобо ва онаси Фотима аядан ўтган. Ахир қуш уясида кўрганини қилади, деган гап бежиз айтилмаган-да. Раҳматли Гиндулла бобо ички ишлар идораларида хизмат қилгани учунми, болаларига нисбатан талабчан, ўрни келганда қаттиққўл эди. Шунинг учун фарзандларининг бари ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишди.

Илмир ака Хоразм давлат педагогика институтини муваффақиятли тугатгач, вилоятнинг "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари таҳририятида мухбир бўлиб ишлай бошлади.

И. Хамидуллин учун 1978 йил ўзгача из қолдирди. Газетада мулоҳазали ва қизиқарли мақолалари билан танилган мухбирни ички ишлар идорасига таклиф қилишди. У хизматни ташкилий ишлар бўлими инспекторлигидан бошлади. Бироқ газетада ишлаш билан ички ишлар идораларида хизмат қилиш бошқа-бошқа экан. Бошида албатта қийналди. Очиғини айтганда, ҳарбийча буйруқларга бироз ўрганолмай ҳам юрди.

– Тўхтасин Розиқулов, Отабой Искандаров, Эгамберди Азимов, Валерий Лесних каби устозлар билан бир сафда хизмат қилиб, анча-мунча нарсаларни ўргандим, – дейди И. Хамидуллин. Уларнинг шогирди бўлганимдан ҳамиша фахрланиб юраман. Уларнинг қўлида тарбияланиб, фойдали сабоқлар олиб, шу даражага етдим.

Файласуфлардан бири "Инсон меҳнатда, фақат меҳнатда буюкдир. Меҳнатга муҳаббати қанча қизғин бўлса, унинг ўзи шунча улуғвор, иши эса унумли, чиройлидир" деганди. Ҳақиқатан ҳам, одамнинг умри бинога ўхшайди. Унинг пойдевори пишиқ бўлса, умри шунчалик узоқдир. Илмир ака ҳаётда кўп ўқиган, изланган инсонлардан бири. Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлимига бошчилик қилишда худди шу билимларига таянаяпти. Унинг бирон бир вақт иш хонасида бекор ўтирганини кўрмайсиз. Доимо қўлида китоб ёки бирор ҳужжатни варақлаб ўтирган бўлади. Иши кўп бўлишига қарамай бадиий китобларни ҳам мутолаа қилиб боради.

Унинг яна бир яхши фазилати бор. Бирон бир спорт тури йўқ-ки, полковник Илмир Хамидуллин қатнашмаган бўлса. Баскетбол, футбол, волейбол мусобақалари у кишисиз ўтмайди.

Бугунги кунда турли тадбирлар ташкилий-инспекторлик бўлимида мувофиқлаштирилади, таҳлил қилинади, режалар белгиланади. Ана шу ишларни амалга оширишда Илмир ака доимо бош-қош бўлади.

Вақт алламаҳал бўлган. Унинг хизмат хонасидаги чироқлар ўчмаган. Илмир Хамидуллин ишлаяпти. Демак, яна бир янги тадбир ишлаб чиқилмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

***СУРАТДА:** полковник Илмир Хамидуллин (чапда) ўта муҳим ишлар бўйича катта инспектор, подполковник Бекпўлат Бобоев билан навбатдаги топшириқ хусусида фикрлашмоқда.*

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ олган сурат.

ҲУШЁРЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

Ҳар бир касбнинг моҳир усталари бўлгани каби ички ишлар ходимлари орасида ҳам ҳамкасбларига ибрат кўрсатиб фаолият юритаётган фидойилари кўпчиликни ташкил қилади. Юрт осойишталиги, тинчлиги кўп жиҳатдан уларнинг ҳалол ва жонбозлик кўрсатиб хизмат қилишига боғлиқ. Сирдарё вилояти Боёвут тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан Сарвар Ғофуровни ана шундай инсонлар сирасига киритсак арзийди.

– Ички ишлар ходимининг кўчадан бирров ўтиши ҳам профилактика эканлигини профилактика инспекторимиз, капитан Сарвар Ғофуров мисолида кўриш мумкин, – дейди "1-Боёвут" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Умаров. – У қатъиятли, камтарин, меҳрибонлиги билан қалбимиздан жой олган. Бу ходим бизнинг ҳудудда хизмат бошлагандан буён жиноятлар камайиб боряпти.

... Янги йил арафаси эди. Кеч соат тўққизларда туман ички ишлар бўлимига жиноят содир этиб, қочиб юрган, Халил исмли шахс пайдо бўлганлиги ҳақида хабар келди. Тезкор гуруҳ сафига капитан Сарвар Ғофуров ҳам қўшилди. Гуруҳ айтилган манзилга етиб борди. Халилнинг ноқонуний хотини яшайдиган кўпқаватли уй олдида яширин кузатув ташкил этилди. Чунки байрам баҳонасида шу ерга келиши мумкин эди. Тахмин тўғри чиқиб, янги йил кириб келишига бир ярим соатлар қолганида Халил жазмани хонадонининг остонасида пайдо бўлди. Гуруҳ аъзолари уни ушлаш учун яқинлашишди. Ички ишлар ходимларини кўрган Халил қочишга тушди. Лекин узоққа боролмади. Югуриш бўйича анча маҳоратга эга Сарвар Ғофуров уни қўлга олди. Ходимнинг эпчил ҳаракати раҳбарият томонидан муносиб тақдирланди.

Капитан С. Ғофуров ҳудудда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш учун самарали хизмат қилмоқда. У хонадонлар, пахта заводи, мактаб, болалар боғчаларига тез-тез ташриф буюриб, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказяпти. Профилактик ҳисобда турган, илгари судланган, оилавий жанжалкаш, ичкиликка ружу қўйган, ахлоқ ишларига жалб қилинганлар доимий назаротда, профилактика инспектори уларнинг ҳар бири билан доимий равишда учрашиб, мулоқот қилишга вақт топаяпти. Бу эса ўз самарасини бермоқда.

Умрзоқ ҒАФФОРОВ,
катта сержант.

УЛАР ПАНЖАРАНИ ЯХШИ КЎРАРДИЛАР...

Тун. Сукунатни бузган уч шарпа жиноят содир этяпти. Гувоҳлар кўп, жуда кўп... Шарпалардан бири темир панжарани бир ҳаракат билан суғуриб олди, иккинчиси темир устунчага ёпишди, учинчиси тошни кўпора бошлади. Улар анча вақтгача шу иш билан машғул бўлишди. Арранинг ғижиллаши, болтанинг бўғиқ тақир-туқири ниҳоят тинчиди. Ўғирланган нарсалар машинага ортилди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмай ҳукмронлик яна сукунат томонга ўтди...

Уч шарпа кўплаб, жуда кўплаб гувоҳлар олдида улкан жиноят содир этишди. Гувоҳлар уларни танишди. Иккитаси – Қаҳрамон ва Сотиволди аввал ҳам жиноят содир этишган. Учинчиси эса бу ишга биринчи бор қўл уряпти. Унинг исми –Хайрулло... Аммо гувоҳлар тилсиз-забонсиз эдилар, жиноятчиларни бу йўлдан қайтаришга ожиз эдилар...

Кейинги кунлар бу уч шарпа яна бир неча бор худди шу ишларини такрорлашди. Пулга чаққанда, уларнинг ўғирлаган нарсалари 500 минг сўмдан ошади.

Чирчиқ шаҳар ИИБга кетма-кет тушаётган маълумотлар ходимларни оёққа турғазди. Шунданми, жиноятчилар тинчиб қолишди. Лекин Қаҳрамоннинг сабри чидамади, шекилли, бошқа бировни шерик қилиб, яна тун кезди. Енг шимариб ишга киришган паллада шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор М. Мирахметов, ҲООБ профилактика инспектори, капитан Б. Тиллаев уларни қўлга олдилар.

Шундай қилиб, юзлаб забонсиз, иложсиз гувоҳлар олдида панжараларни бузиб, тошларни синдириб, қабристондан пулга чақса бўладиган не борки, ҳаммасини олиб кетаётган гуноҳкорлар тўдасига – мар ҳумлар хотирасини оёкости қилишдек қабоҳатга барҳам берилди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ИНСОНИЙЛИК ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Буни ҳаётда топган ўрнимиздан ёхуд мавқеимиздан эмас, балки кундалик турмуш ташвишлари баробарида қиладиган хатти-ҳаракатларимиз, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган эътиборимиз, бурч ва мажбуриятларимизни белгиловчи омилларга нисбатан масъулият ҳиссини туйишимиздан билиш мумкин.

Инсоннинг барча аъзоларига бош мия буйруқ бериши аён. Лекин "ҳукмдор" ўз "итоатгўй"ларига ҳеч қачон нотўғри йўлдан юр демайди. Афсуски, баъзилар шайтон йўлдан урди деб, ўзларининг жирканч ишларини ювмоқчи бўлишади. Улар ўз хатти-ҳаракатлари нечоғли қонунга хилоф эканлигини била туриб, онгли равишда жиноят эшигини очадилар.

"Мақсет Ережепов турмуш ўртоғим бўлади,– дея куюниб йиғлайди М. Рейимова. Ўша куни эрталаб шаҳарга кетиб қайтиб келмади. Туни билан хавотирланиб мижжа қоқмадим. Эртасига унинг "Нукус–Чимбой" йўлида автотранспорт ҳодисаси натижасида ҳалок бўлганини эшитдим. Уч нафар фарзандим отасиз қолишди".

Нукус тумани ИИБ ходимларининг туну кун қилган машаққатли меҳнатлари натижасида қотил топилди. Воқеа тафсилотлари билан танишар экансиз, замондошларимизнинг оддийгина инсонийлик вазифаларини бажаришдан ҳам бош тортишганини кўриб, янада эзиласиз.

– Ўша куни "ВАЗ-2103" русумли машинамда ота-онам ва бир қариндошим билан Нукус туманидаги танишларимизникига меҳмонга бордик. Тунда уйга қайтаётганимизда ниманидир уриб юбордим. Қўрққанимдан машинани тўхтатмадим. Отам: "Бир нарса урилгандай бўлди, нима у"? – деб сўрадилар. Мен: "Тош бўлса керак", деб кўяқолдим. Уйга келиб қарасам машинанинг олд қисми пачоқланиб-ди. Эртасига дарров бозорга бориб, зарур эҳтиёт қисмларни олиб, машинани тузаттириб олдим. Эскиларини ўртоғимнинг уйига олиб бориб қўйдим, – деб кўрсатма берди Баҳодир Тлевмуротов. Фуқаролар Китайбек Арзиев ва Ўтебай Ўтамбетовлар ҳам худди ўша дақиқаларда носоз "Москвич"ни гоҳ ҳайдаб, гоҳ тўхтаб, қизиган моторни совутишарди. "Биз ҳам йўл четида одам ётганини кўрдик. Бироқ кўрқиб ёнига боролмадик",– дейишди улар. Қувониш, Бахтиёр исмли йигитлар эса ўз кўрсатмаларида шундай дейишди: "Ўша куни кечқурун катта асфальт йўлда пиёда юриб келаётганимизда бир енгил машина ниманидир уриб юборди. Орқадан келаётган кран машинаси чироғининг ёруғида у оқ рангли "Жигули" эканлигини кўриб қолдик.

Кран машинаси ҳайдовчиси Алламурот Қурбонниёзов ҳам ўз кўрсатмасида олдинда бораётган оқ рангли "Жигули" бирдан тезликни пасайтиргани, бироқ тўхтамасдан яна тезлашганини айтди. Машина қалтис ҳаракат қилган жойга етганида, туфли, сал нарирокда эса одам ётганини кўргани, уни маст бўлса керак деб ўйлаб, тўхтамай ўтиб кетганини билдирди.

Йўловчилар ҳушёр бўлишганда, ҳайдовчи номардлик қилмаганида, эҳтимол бир инсон бевақт ҳаётдан кўз юммасди. Рўй берган ҳодиса, унга бўлган турли муносабатларни таҳлил қиларканмиз, кимнидир қоралаш, ёхуд панд-насиҳат қилиш фикридан йироқмиз. Зеро, инсон эканмиз, инсонга хос хиссиётларимизни асрай билишимиз, эзгуликка бой хислатларимизни ҳар қандай шароитда ҳам намоён қилмоғимиз зарур. Билдирилган фикрлардан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Турмуш чорраҳаларида

ЎЗГАНИНГ ЁРИ

Ўзганинг ёрини олдим омонат,
Ўйнамадим, кулмадим, бўлдим хижолат...
Халқ қўшиғидан.

Расулжон туш кўрибди. Тушида отаси унга: "Нега ҳолимдан хабар олмайсан, ўғлим?" – деяётган эмиш. Расулжон тонгда уйғонди-ю, ғалати бўлиб қолди. Юраги негадир безовта. Дарҳақиқат, отасини кўрмаганига ҳам анча вақт бўлди. Ҳар гал хабар олиб келаман, дейди-ю, аммо оёқлари тортмайди. Баъзан йўлга тушиб, ярим йўлдан қайтиб келади: "Нимасини кўраман уни". Отасидан хафа бўлади.

Битта ҳовлида бир оила бўлиб яшашга нима етсин эди. Кимларнингдир гапига кириб, жиноятга қўл урди. Андижонда ўз жазосини ўтаб бўлгач, ўша ёқда қолиб кетди. Наманганда эса унинг аёли, мўлтираб қолган фарзандлари тақдирга тан бериб қолавердилар. Кунлар ўтгач, отанинг кимгадир уйланиб олганлиги ҳақидаги хабар фарзандларнинг кўнглини ранжитди. Энди улар батамом умидни узди-лар. Нима қилса ҳам ота ота экан-да. Расулжон ундан воз кеча олмади. Отасидан қанчалик нафратланмасин, барибир унинг тақдирига бефарқ қарай олмади. Шунинг учун ҳам тез-тез хабар олиб турадиган бўлди. Расулжон ён-атрофга қараб, кўп эзилади. Ахир отаси бўла туриб отасиз қолган етимдек бўзлаб юрибди. Нима бўлганда ҳам қисматдан қочиб қутулолмас экансан.

Бугун ҳам у отасидан хабар олиб келмоқчи бўлди. Лекин ўгай онаси билан учрашишни ўйлаб, иккиланди. Ҳаёт қизиқ экан-да. Отасининг хотини ҳали ёш. Расулжондан икки-уч ёш кичик. Отасини кўргани борса, уни ким деб атайди? Синглим деса, отасининг хотини. Исмини айтса, отасига нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Она дейишни-ку хаёлига ҳам келтирмайди. Агар бинойидек аёл бўлса-ку, бунинг ҳам чорасини топиш мумкин эди. Ҳали у йигит, ҳали бу йигит билан дон олишавериб, ҳамманинг назаридан қолган. Наманган-дан Андижонга келиб қолишининг боиси ҳам шунда. Латифа исмли бу аёл Андижонда кўп сарсон бўлгани йўқ. Шу ерлик бир дугонасига мақсадини айтганди, у жонига оро кирди:

– Вой, мен бир кишини танийман. Ўзи яқинда қамоқдан чиққан бўлсаям, яхши одам. Ёши элликларда бўлса керак. Лекин бу муҳим эмас-ку, тўғрими? Сенга уйи бўлса, бўлди-да.

Икки дугона шундай қилиб Ғафур аканинг уйи томон йўл олишди. Ғафур ака деганимиз ўша – Расулжоннинг отаси бўлади. Ғафур ака ҳам анчадан буён шу ҳақда бош қотириб юрганлиги учунми, таклифга дарҳол рози бўла қолди. Шундай қилиб Латифа билан Ғафур ака бир уйда эр-хотиндек яшай бошлашди. Никоҳни қайд этдириш эса хаёлларига ҳам келмади. Аслида бу улар учун муҳим ҳам эмас эди. Боиси, Ғафур ака вақтичоғлик учун, Латифа эса бошпана сабаб шунга рози бўлишган. Тўғри, иккиси ҳам бу ҳақда бир-бирига оғиз очмаган. Латифа суюқоёқ аёл бўлгани боис ёш йигитлар билан танишар, улар билан кайфу-сафо қилиб, пул ишларди. Ана шу мақсадда эркаклардан кўп таниш орттирди. Арзон нархга сотилиши мумкин бўлган бу аёлнинг мижозлари энди унинг уйига ҳам йўқлаб келадиган бўлишди. Бу каби ҳолатлар албатта, эри уйда йўқлигида амалга ошарди. Уникига келиб турадиган йигитлардан бири анойи эмас экан. У бир куни Латифани излаб келса, уйда Ғафур ака ўтирибди. Сир бой бермади. Алланималарни баҳона қилиб, уй соҳиби билан танишиб олди. Гап орасида Латифага қараб ишора қилди:

– Қизингизми, дейман?

– Йўқ, хотиним, – жавоб қилди Ғафур ака.

Йигит ҳайрон бўлгандек қошларини учирди:

– Хотинингиз? Ақл бовар қилмайди. Шундай кўҳликкина, ёш, чиройли қиз сиз билан турмуш қуришга ахд қилибдими, демак дунёдаги энг яхши инсон экансиз. Сиз билан ака-ука тутинмасам бўлмайди, чоғи. Мен ҳам самимий инсонларни яхши кўраман.

Шу баҳона йигит Ғафур ака билан танишиб олди. Уй соҳиби ундан гумонсирамади. Йигитнинг исми Қаҳҳор бўлиб Латифага ўзини бегонадек кўрсатиш ролини қойилмақом қилиб ўйнаб қўйганди-да. Андижонда ҳали дўст-биродарлар топиб улгурмаган Ғафур ака ҳам йигит билан тил топишиб қолди. Қаҳҳор гулдай хотини, фарзандларини ташлаб кўчадан "бахт" қидирганлардан. Қиладиган ишининг тайини йўқлиги учун енгилтак аёлларга қўшилиб қолганди. У "куним ўтса бўлди", дейдиганлар хилидан эди...

Расулжон отасидан хавотир олиб, уни йўқлаб Андижонга йўл олди. Унинг кўрган туши хавотирга солиб қўйганди. Расулжон Андижонга етиб келгач, ота уйининг дарвозасини тақиллатди. Ҳеч қандай садо йўқ. Дарвозани итариб очмоқчи бўлди. Аммо осиғлиқ қулфни кўрди-ю, ўйланиб қолди: "Қаерда бўлиши мумкин? Бирор жойда ишлаётганини эшитмагандим. Бозор-ўчарга кетдимикин? Балки қўшнилар билишар?". У шу ўй билан қўшниларга учради. Улар эса анчадан буён Ғафур акани ҳам, Латифани ҳам кўришмаганини айтишди. Ҳовлига бирор киши оралаганлигини ҳеч ким эслай олмайди. Бироқ қайсидир куни нотаниш бир йигит келганлигини эслашди. Қачон кетди, буни ҳеч ким билмайди. Шуниси маълумки, ўшандан бери Ғафур ака ҳам, Латифа ҳам кўринмади.

Расулжоннинг боши қотди. Отасидан хавотири тобора кучая бошлади. Андижонда кимни таниса, ҳаммага учраб, отасини суриштирди. Шундай суриштирувларнинг бирида, у Латифани қаерда яшаётганлигини билиб олди. Аёл йигитни кўрди-ю, ранги докадек оқариб кетди.

– Отам қанилар? – сўради Расулжон дабдурустдан.

– Отангиз... Билмадим, – қўрқув билан жавоб берди Латифа. – Мен билмайман. Ҳеч нарсани билмайман.

Расулжон ундан ҳеч нарсани билолмади ҳам. Лекин ўйланиб қолди. "Латифа нега қўрқиб кетди? Нега унинг гаплари пойма-пой? Ҳеч нарсани билмайман, дейди. Нимани билиши керак ўзи? Бу ерда бир гап бор".

Расулжон бу чигалликнинг тубига бир ўзи ета олмаслигини тушунди. Шунинг учун ҳам Андижон шаҳар ички ишлар бўлимига учраб, ҳамма гапни айтди. Отасининг ном-нишонсиз йўқолиб қолишида Латифадан гумони борлигини ҳам яширмади. Ички ишлар ходимлари жумбоқни ечишга киришди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай чигалликлар тугуни биринкетин ечила бошлади...

* * *

Қисқа вақт ичида Қаҳҳор Ғафур аканинг яқин танишига айланиб қолганди. Латифа билан ишқий саргузаштларини-ку айтмаса ҳам бўлади. Хуллас, йигит бу хонадонга тез-тез бориб турди. Ғафур ака уни ҳамиша илиқ кутиб олар, бироқ Латифага ўғринча қараб қўйишидан ташвишга тушарди. Бор-е, деб орани очиқ қилиб қўйгиси ҳам келди-ю, ўртада пул муаммоси борлиги чатоқ бўлди-да. Бу пулни Қаҳҳор Ғафур акадан қарз олган эди. Ана шу пул илинжида у йигитдан юз ўгира олмади. Қаҳҳор эса пулни қайтаришни хаёлига келтирмасди. Шунинг учун ҳам жиғибийрони чиққан Ғафур ака кунларнинг бирида Қаҳҳор билан тортишиб қолди.

– Менга қара, йигит,–деди у Қаҳҳорга,–қарзингни қачон қайтарасан?

– Топай, қайтараман. Намунча жаҳлингиз чиқади. Пул учун одам ўлибдими? Билсангиз одам учун одамдан бўлак азизроқ нарса йўқ. Нима бўлганда ҳам ака-укачилик ўлмасин, ака.

– Йўқ бола, чучварани хом санабсан. Бу ерда пулгина эмас, бошқа нарсалар ҳам бор. Билиб туриб билмасликка олма.

– Тушунмадим, – ҳайрон бўлиб елка қисди Қаҳҳор.

– Тушунтириб қўяйми? Хўш, менга айт-чи, нима учун меникига тез-тез келадиган бўлиб қолдинг?

– Нега келмай? Ахир сиз менинг акамсиз.

– Шундай дегин? Йўқ, сен мени эмас, хотинимни деб келасан.

Қаҳҳор сирли сандиқнинг қопқоғини йўқотиб қўйгандек лол бўлиб қолди. Ғафур ака эса сўзида давом этди:

– Латифа билан дон олишиб юрганлигингни билмайди, деб ўйлаяпсанми? Айтиб қўяй сенга, у мен билан бир уйда яшайди. Унга кўз олайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Сен эса тошингни бошқа жойда тер, тушундингми?

Қаҳҳор қўлтиғидаги тарвузни тушириб қўйганлигини англаб етди. Бу аҳволда унинг қўлида бўғилиб ўлиши мумкинлиги хаёлига келди. Йўқ, энди Ғафур аканинг чангалидан омон чиқа олмаса керак.

– Нега валдирайсан, ярамас, – дўқ қилди Қаҳҳор. – Хотинингга кўз олайтирсам нима қипти? Ўзи шуни хоҳлайди. Қариб-қартайиб қолганингда сени бошига урадими, аҳмоқ. Сендан аввал илинтирганман уни, билдингми? Аслида менинг қолдиғимга ютиниб юрганингни биласанми ўзи, хомкалла. Агар хоҳласамчи, шу ернинг ўзида, ҳозироқ, шундоққина кўз олдингда хотининг билан истаганимни қиламан. Қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Хўш, энди нима дейсан?

Ғафур ака қўзғалди. У билан баравар Қаҳҳор ҳам ўрнидан турди. Ҳар иккисининг шаштини сезган Латифа ҳам қараб турмади. Уй ичида бошланган тўполонга ўзини урди. Бирини тортқилади, иккинчисини муштлади.

Бу можарода Қаҳҳор устунлик қилди. Ғафур акани дўппослайвериб, ҳолдан тойди. Бунда албатта Латифанинг ҳиссаси катта бўлди. У ҳам қўлига илинган нарса билан эрини дўппослади. Ғафур ака ҳушидан кетди. Бироқ бу билан низога нуқта қўйилмади. Қаҳҳор рақибининг бошини уриб ёрди. Қўлига ўткир тиғли болтани олиб юз, бўйин қисмининг чап ва ўнг томонини, биқин ҳамда қўлларини чопиб ташлади.

Орага бир зумлик сукунат чўкди. Уни Қаҳҳор бузди:

– Энди нима қиламиз бу савилни?

– Кўчага олиб чиқиб бўлмайди. Қўшнилар кўриб қолади, – жавоб қилди Латифа.

– Уни ҳовлига кўмиш керак.

Улар жасадни бир этакка солишди. Ҳовлига олиб тушиб, омборхонадан ўра кавлашди. Ана шу жойга уни кўмишгач, бироз таскин топишди. Болтани эса ҳожатхонага ташлаб юборишди. Латифа латтани ҳўллаб, хонада қолган қон изларини артди. Энди бу ерда қандайдир бегона кайфият ҳукмрон эди. Қўрқув, даҳшат отли алланималар ўрнашиб олгандек. Бу уйда ортиқча ўтиришнинг имкони йўқ. Энди қочиш керак. Маълум вақт, яъни одамлар Ғафур акани унутиб юборгунларига қадар қаерлардадир яшириниб юриш керак.

Қаҳҳор ҳам, Латифа ҳам қочиб қутула олмадилар. Суд ҳайъати жиноятчиларга тегишли жазо берди.

Суд тугади. Расулжон ҳаммадан сўнг ташқарига чиқди. Вужудини тушуниксиз кайфият эгаллаб олган. Унга бир нарса алам қиларди. Нега отаси бу йўлни танлади, нега онасининг тирноғига ҳам арзимайдиган хотин жабридан жон берди, нега?.. Расулжон тезроқ онасининг олдига бориш учун шитоб билан йўлга тушди...

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

РУҲШУНОС МАСЛАҲАТИ

БОЛАЛАРНИ ЎКСИТМАНГ!

Ҳамма ота-она ҳам фарзанди ақлли, мустақил бўлиб вояга етишини истаса керак. Аммо тарбия жараёнида кўпчилигимиз ўзимизнинг айтган гап-сўзимизга, қилган хатти-ҳаракатимизга эътибор беравермаймиз. Аниқроғи, унинг оқибатини ўйламаймиз. Ваҳоланки, бир оғиз сўзимиз билан мурғак қалбни бир умрга зада қилиб қўйишимиз мумкин.



"ЙЎҚОЛ КЎЗИМДАН!"

Ота-она гоҳида аччиқ устида боласига "Йўқол кўзимдан!" "Қорангни кўрмай!" "Ер ютсин сени", "Ўлиб кет" дейиши мумкин. Жаҳлларидан тушишгач, катталар яқинда айтган аччиқ-қуруқ гапларини тезда унутиб юборадилар. Аммо боланинг кўнгли вайрон бўлиши, у "Энг яқин кишиларимга керагим йўқ экан-да" деб ўйлаб қолиши мумкин.

Ёш фарзандингизга уни катта қилгунча чеккан машаққатларингизни ҳадеб айтиб, таъна қилаверсангиз, ўзини олдингизда айбдор сезиб қолади, "Нимагаям туғилдим?" деган хаёлга боради. Ҳаётда кераксизлик туйғуси улғайганида кўпинча ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйишига сабаб бўлади.

"КЎП ГАПИРМА!"

Айрим ота-оналар боласининг фикрига қулоқ солиш у ёқда турсин, уни гапиргани қўйишмайди. "Кўп гапирма, ундан кўра иш қил", "Нима, ақлли бўлиб қолдингми?" "Гапни калта қил!" "Ўчир овозингни!" дейишади. Шундан сўнг боламиз ўй-хаёлларини биздан яширадиган бўлиб қолади. Борабора жиддийроқ ўйламайдиган ҳам бўлиб қолиши мумкин. Шу тариқа ўзимиз сезмаган ҳолда фарзандимизнинг ақлий ривожланишига ҳалақит берамиз, таҳлил қилиш қобилиятини бўғиб қўямиз. Бундай болалар улғайгач мустақил бир қарорга келишга қийналишади, яхши ўйламасдан бир иш қилиб қўйишади. Кейин: "Нима қилиб қўйдим?!" деб бошини чангаллайди.

"ЎЗИНГНИ ТУТ"

Кўпинча катталар болаларга ички туйғуларини ошкора ифода этишларини тақиқлашади. Масалан, кўча-кўйда шўхлик қилаётган фарзандларини "Бу нима жиннилик? Ўзингни босиб ол!" деб жеркиб беришади. Ёки дейлик қоронғуликдан қўрққани учун уялтиришади. "Ўғил боламисан? Қўнғиздан ҳам қўрқасанми?" дейишади. Бундай дакки-дашном остида ўсган болалар улғайганда ўз туйғуларини ифодалай олишмайди. Уларда психосоматик касалликларга мойиллик пайдо бўлиши мумкин.

"ҲАММАГА ЎХША"

Ота-оналар шўх-шаддод, тиниб-тинчимас болаларига "Фалончига ўхшасанг-чи!" деб дашном беришади. Болалигидан ўзлигини юзага чиқара олмагач, у вояга етганида жамиятда ўз ўрнини топа олмаслиги, бор қобилиятини намоён эта билмаслиги мумкин. Доимо фақат бўйсинувчи бўлишга ўрганиб қолади, ташаббускорлиги сўнади. Шунинг учун болангизнинг фаоллигини сўндирманг, аксинча, қўллаб-қувватланг. Майли, қизиққан соҳаларида ўзини синаб кўрсин, уринсин, суринсин. Шундагина ҳар томонлама ривожланади, иродаси чиниқади, мустақил, қатъиятли бўлиб вояга етади.

Болага бошқа бирор тенгдошини бўлар-бўлмасга намуна қилиб кўрсатавериш ҳам ярамайди. У "Демак ота-онам мендан ўшани кўпроқ яхши кўрар экан-да", деб ўксинади. Ўзини ёмон кўриб улғайган бола вояга етганида ички қониқмаслик оқибатида депрессияга чалиниши мумкин.

Яхшиси унинг ўзига хос жиҳатларини, масалан, ҳаракатчанлигини фойдали томонга йўналтиринг. Зеро, ҳар қайси бола такрорланмас бир олам.

ЎЗИНГИЗ ХУЛОСА ҚИЛИНГ

Тумов, шамоллаш, грипп каби касалликларни оёқда ўтказадиганлар бошқаларга

қараганда кўпроқ юрак хасталикларига чалинар эканлар. Британиянинг Лондон университети коллежи олимлари ана шундай хулосага келишди. Ҳатто озгина шамоллаш ҳам юракка таъсир қиларкан. Бемор ётиб даволанмаса қанчалик қийналишини тасаввур қилаверинг. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳолсизланганига қарамай ишга чиққанларнинг 30-40 фоизи кейинроқ юрак хасталикларига чалинишган. Энди ўзингиз хулоса чиқаравeринг.

ЖИҒИЛДОН НЕГА ҚАЙНАЙДИ?

Шўр овқат истеъмол қилиш ва чекиш гипертония касалликлари ҳамда атеросклероздан ташқари, сурункали жиғилдон қайнашига ҳам олиб келиши мумкин. Буни Каролина институтидаги тадқиқотчилар ўтказган тажрибалар тасдиқлади. Киши беш йил давомида мунтазам тамаки чекса, жиғилдон қайнаши касаллигига чалиниш эҳтимоли 20 фоизга, 20 йиллик кашандалик "стажи"дан кейин бу хавф 70 фоизга ошар экан. Шўр таом истеъмол қилувчиларда эса хасталикка чалиниш эҳтимоли 70 фоизга юқорилиги кузатилган.



ЎЗИНГИЗНИ КУЗАТИНГ

Миллионлаб одамлар бош оғриғидан азият чекишади. Бунинг сабабини ўрганиш мақсадида изланишлар олиб борган америкалик мутахассислар кутилмаган хулосага келишди. Буни қарангки, деярли 50 фоиз ҳолатда бош оғриғига озиқ-овқатлар сабаб бўларкан. Флорида штатилик шифокор Франклин бош оғриғидан холос бўлиш учун пишлоқ, музлатилган гўшт, ёнғоқ, тузланган егуликлар, какао, шоколад ва кофеинли ичимликлар истеъмол қилмасликни тавсия этади. Аммо энг яхшиси боши оғриб турадиганлар кундалик тутиб, қандай егулик тановул қилганидан кейин оғриқ бошланганини кузатганлари маъқул.

СЕМИЗМИСИЗ ЁКИ ОЗҒИН?

Тўсатдан семириб кета бошласангиз ҳар эҳтимолга қарши шифокор-эндокринологга мурожаат қилинг. У организмингизга мос гормонал терапия тавсия этади. Борди-ю бу ҳал гормонал ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмаса озиш учун қуйидаги оддий усулни бир синаб кўринг.

Кечқурун соат 18.00 дан кейин умуман овқатланманг. Эрталаб эса оч қорнига сули дамламасини истеъмол қилинг. Бу дамлама қуйидагича тайёрланади: икки ош қошиқ геркулес навли сули ёрмасининг устига ярим стакан қайноқ сув қуйилади. Устига қопқоқ ёпиб, 15 дақиқа димлангач, бир ош қошиқ зайтун мойи қўшилади. Фақат қайноқ сувга асло совуқ сув аралаштирманг. Ҳосил бўлган дамламани ичса бўладиган даражагача совушини кутинг.

Баъзилар қанча кўп овқат еса ҳам семирмаслигидан шикоят қилишади. Ёки қисқа вақт ичида озиб-тўзиб кетишади. Улар биринчи галда невропатолог, гастроэнтеролог кўригидан ўтишлари керак. Чунки шунчаки парҳез тутиш ёки кўп овқат ейиш билан муаммоларини ҳал қила олмайдилар. Ҳойнаҳой, озиқ моддалар уларнинг танасига сингмаётган бўлса керак. Бу ички аъзолар фаолиятининг бузилиши ёки қаттиқ асабийлашиш оқибати бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, вақтни бой бермасдан, шифокорга кўринишлари лозим.

Ⓝ

Ҳар кимки жафо қилса...

ЛОҚАЙДЛАР

Ҳаммамиз ҳам "бола жиноятчи бўлиб туғилмайди" деган гапни кўп эшитганмиз. Жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини баҳоли-қудрат таҳлил қилиб, фикр билдирганмиз. Бу мавзуда ёзилаётган мақолалар, мактаблар, маҳаллаларда олиб борилаётган профилактик ишларга қарамай ҳамон вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этилаяпти. Бунга, биринчи навбатда, ота-оналар, муаллимлар, катталарнинг болага нисбатан бепарволиги, уни ўз ҳолича, назоратсиз ташлаб қўйгани сабаб бўлмоқда.

Қуйида баён қиладиганимиз ҳам ўз ташвишлари билан ёлғиз қолган ўсмир, унинг жиноятга қўл уриши ва қилмишининг оқибати ҳақида.

... Эрпўлатнинг (исмлар ўзгартирилган) боши қотиб қолди. Негаям Ўролдан иккита видеокассета олди-я. Бирини-ку унга қайтариб берди. Иккинчисини ер ютганми, ҳеч қаерда йўқ. Отаонасидан сўрамагани маъқул. "Бундай матоҳни қаердан, нега олиб келдинг?" деб роса койишади. Балки, уларнинг ўзлари олиб, йўқ қилишгандир? Кассетани-ку амаллар, аудиомагнитофонни нима қилади? Қодир буюмини минг таъна билан "тезроқ қайтаргин" деб берганди. У ҳам йўқ. Ҳойнаҳой уни уйдагилар йўқ қилишган. Мана, энди иккови ҳам буюмларни қайтаришини сўраб, кўзини очиришмаяпти. Мактабга боришга юраги безиллаб қолди, шуларнинг дастидан. Нима қилса экан?

Эрпўлат ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келди: уйдан кетади. Шаҳарга бориб, мардикорчилик қилиб бўлса ҳам пул топади. Ўрол билан Қодирнинг матоҳидақасининг янгисини сотиб олиб келади ва уларнинг қўлига беради. Бўлмаса, бу нокаслар у ҳақда турли бемаъни гаплар тарқатаверишади. Шундоқ ҳам баъзи ўртоқлари уларнинг таъсирида Эрпўлатдан юз ўгиришди. Майли, пул топиб яхши кийимлар, буюмлар олиб, ҳаммаларнинг кўзини қуйдиради.

Эрталаб уйқудан турган йигитча эгнига отасининг эски пальтосини кийиб, ягона қимматбаҳо буюми – фотоаппаратини чўнтагига солди. Ҳовлида куймаланиб юрган онасига "мактабга кетдим" дея кўчага чиқди. Лекин у мактабга эмас, ҳожатмандларга фоизга пул қарз берувчи Ўроз исмли йигитнинг уйи томон йўналди. У билан бироз суҳбатлашиб, ҳафтасига 500 сўм фоиз тўлаш шарти билан уч минг сўм қарз олди...

Шу куни Эрпўлатнинг иши ўнгидан келмади – шаҳарга кетишнинг иложини қила олмади – қўркди. Бунинг устига, қарзга олган пулидан бир қисмини ишлатиб қўйди. Эртаси куни ён қўшнилари – Муслим акани кўриб саломлашди. Ҳол-аҳвол сўралгач:

– Менга икки минг сўм қарз бериб туринг, – деди дадил. – Тезда қайтараман.

Муслим ака бу полвонкелбат, ёшига нисбатан анча гавдали йигитни ёқтирарди. Чунки бирор ишда ёрдам сўраса, у йўқ демаган. Қандай юмуш бўлса ғайрат билан бажарувчи, "бизга хизмат борми?" деб турувчи бу полвоннинг кўнглини оғритиб бўладими?

Муслим ака чўнтагидан пул чиқариб, икки минг сўмни унга узатди... Эрпўлат қишлоқдан туман марказигача киракаш енгил машинада келди. Бу ердан автобусга ўтириб, Тошкентга йўл олди. Катта шаҳарга гоҳ отаси, гоҳ онаси билан тез-тез келиб турадиган ўспирин гангиб қолмади. У "Сайилгоҳ" кўчасига бориб, фотоаппаратини бир кишига уч минг сўмга сотди. Кейин бироз айлангач, юрагига ғулғула тушди: "Пул деганлари сувдек оқиб кетаверса. Тунашга жойи, борадиган уйи бўлмаса..."

Эрпўлатнинг кўзи қатор тизилиб турган енгил машиналарга тушди. Улар ёнига бориб, бироз хаёл суриб турди. Кейин "Жигули"лардан бирига яқинлашди.

– Ука, такси керакми? Қаёққа бормоқчисан?

Улар бироз савдолашгач, таксичи Эрпўлатни олти минг сўмга Янгийўлга олиб бориб қўядиган бўлди.

– Фақат битта илтимос, ҳозир ёнимда уч минг сўм бор. Қолганини уйдан олиб бераман, – ишонч билан деди Эрпўлат.

Ўзини "Толибжон" деб таништирган ҳайдовчи чапани экан. "Кетдик, уйдан бўлса, уйдан-да" дея моторни ўт олдирди.

– Менинг ҳам битта илтимосим бор: йўлдан ўртоғим Умарни олволаман, – деди Толибжон. – Қайтишда одам бўладими – йўқми.

Учовлон йўлда кетишар экан, Эрпўлат хаёлга толди. Ҳозир уйга борса, биринчи навбатда отаси "қаерда юрган эдинг?" деб тергашга тушади. Онаси унинг ёнини олади. Эртага яна мактаб, яна ўша нокас Ўрол билан Қодирнинг "фалон нарсамни олиб келдингми?" деб жаҳл билан сўраши, синфдошларининг пичинг қилиб, ҳиринглаб кулишлари... Йўқ, нотўғри иш қилди уйга қайтиб. Отаси ўла қолса ҳайдовчига яна уч минг сўм бермайди. "Бу пулларни қаердан олдинг, қаёққа бординг?" деб ўзини савалаб қолиши мумкин.

Паррандачилик фабрикаси олдига етишганда Эрпўлат ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради.

– Ҳа, уйингга етиб келдингми? – сўради ҳайдовчи тормозни босар экан.

– Йўқ, шу ерда қариндошим яшайди. Уйига кириб чиқаман.

– Шунақа йўлкирани насия қилиб-а? Бунақаси кетмайди.

Учовлон Эрпўлатнинг қариндошининг уйига киришди. Эрпўлат уй эгасига эгнидаги пальтони сотмоқчи эканлиги, пул зарур бўлиб қолганини айтди, "кўнгли бўш" қариндош: "Бу бола бегона одамлар билан машинада нима қилиб юрибди? Қиш кунида кийиб юрган пальтосини сотса, шамолламайдими?" – деган ўйга бормади. У ўсмирга пальто учун беш минг сўм пул билан бир қоп жўхори берди.

– Шундоқ қўшни қишлоқда яна бир қариндошимиз яшайди. Маккажўхорини ўшанга сотиб кетайлик, – илтимос қилди Эрпўлат. Лекин у қариндоши ҳам, яна бошқаси ҳам бир қоп маккажўхорини сотиб олишмади. Улар ҳам ўсмирдан "Шу пайтда нега буни сотиб юрибсан? Ёнингдагилар ким?" деб сўрашмади.

– Ҳов анави ерда бобом яшайди, – Эрпўлат қоронғулик қўйнида милтиллаб турган чироқ томон ишора қилди. – Ўша ерга борайлик.

... Тунги соат иккиларда қўйлардан хабар олиш учун қўрага борган Эрпўлатнинг амакиси Тошпўлат қўра эшиги очиқлигини кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. Саккизта қўйнинг бирортаси ҳам йўқ эди. У уйнинг атрофини айланиб, бир четга тўплаб қўйилган пичанларни еб турган қўйларни кўрди. Уларни ҳайдаб, қўрага киритаётиб, бир бош қўй йўқлигини билди. Уни қидириб, тополмади. Тошпўлат эртасига тонг саҳарда мол бозорга бориб, қўйларни кўздан кечирди. Лекин уларнинг орасида қўйи йўқ эди...

Қўй ва бир қоп маккажўхори ортилган машина Тошкентга келгач, "Чилонзор" ва "Эски жўва" бозорларини бир "айланиб" чиқди. Эрпўлат жўхорини амаллаб тўрт минг сўмга пуллади. Қўйга харидор чиқмади.

– Сени Чилонзордаги бир танишимнинг уйига олиб бораман, – деди болага Умар. – Ўша ерда тунайсан.

– Майли, – рози бўлди Эрпўлат. – Фақат... қўйни ўзларинг сотаверинглар. Йўлкира, машинангизнинг магнитафонини бузиб қўйганим ҳақини олиб, ортган пулни қайтарсангиз бўлди. Мен сизларга ишонаман.

Эртаси куни Эрпўлат белгиланган жойга келиб, "ака"лари берган беш минг сўм пулни олди-ю, шаҳар айланди. Қуёш ботгач, истироҳат боғи яқинида яшовчи ҳамқишлоғининг уйига борди. У ерда бир кеча тунаб, "Эски жўва" бозори томон йўл олди...

Эрпўлат ёлланиб ишлаётганларга қўшилиб, шу куни оз бўлса-да, пул топди. Асосийси, бир нечта мардикор билан танишди. Аҳмад, Сарвар, Файзулла исмли йигитлар билан уларнинг ижара уйида бирга яшайдиган бўлди.

Болаларча ўй-хаёллар билан, ота уйини тарк этган ўсмир бу дунёда ёмон одамлар кўплиги, яхши гапирган ҳар бир одам дўст бўлавермаслигини англамади. "Биринчи иш куни"дан қайтган йигитлар бозордан олиб келган егуликларини ўртага қўйишди. Табиийки, янги келган, басавлат йигит дастурхонга таклиф этилди. Файзулла шишадаги ароқни очиб, Эрпўлатга ҳам пиёлани тўлдириб қуйди.

– Мен... ароқ ичмайман, ичмаганман, – деди Эрпўлат.

– Ие, шу гавданг билан-а? Нима, ўғил боламасмисан? Э, ол-э...

Эрпўлат ноилож пиёлани бўшатди. Кейин иккинчисини... У қачон, қай ҳолда ухлаб қолганини билмайди. Фақат эрталаб бошининг лўқиллаб оғришидан уйғониб кетди.

– Оғайни, пулни тайёрлаб қўй. Шу бугундан қолдирма! – "иш"га отланаётган Аҳмад билан Файзулла эрталаб унга писанда қилишди. – Биз ҳазилни ёқтирмаймиз.

– Пул? Қанақа пул? – Бу гапни эшитгач Эрпўлатнинг бош оғриғи ҳам тарқагандек бўлди.

– Ҳали ютқизганингни тан олмассан ҳам? Ахир, кеча, биз билан қарта ўйнаб, йигирма минг сўм ютқазиб қўйдинг-ку! Ё ёдингда йўқми?

Эрпўлатнинг тиззаларидан мадори кетиб, ўтириб қолди. Йигирма минг сўм?! Ахир, у бунча пулни қаердан олади?

Йигитлар ундан бунча пул чиқишига кўзлари етмай, асосий муддаога ўтишди:

– Ароқни ўғил бола ичиб, қартани йигит киши ўйнайди. Уйингда молқўйинг борми?

– Ҳа, отамнинг қўйлари бор.

– Ундай бўлса, ўшалардан ўмариб келамиз. Сен биз билан бирга борасан. Шундан кейин ҳисоб-китоб қиламиз.

Йигитлар ҳазиллашишмаган экан.

Ҳаш-паш дегунча иккита қўй ортилган "Жигули" "Эски жува" бозорига кириб келди. Аҳмад билан Файзулла нарироқда кузатиб туришди. Қўйларнинг арқонидан ушлаб олган Эрпўлат эса харидор кутди. Бироқ жониворларни "неча пул?" деб сўрагувчи бўлмади.

– Бекорга вақт ўтказяпмиз. Кетдик, "Кўк терак" бозорига борамиз, – деди Файзулла.

Бу бозорда ишлари ўнгидан келди. Қўйларни саксон минг сўмга пуллаб, шундан ўн мингини Эрпўлатга беришди.

– Энди, ука, отангнинг уйини кўриб олдик, – тиржайганча гап бошлади Файзулла. – Қўшни республикага ўтиш ҳам бир қадам. Буёғига қўй ўғирлаб келаверамиз.

Учовлон ўн саккиз минг сўмга машина кира қилиб, яна Янгийўлга отланишди. Негадир ҳадеганда манзилга ета олмаётган машинанинг суви қизиб кетди. Абдуқаюм машинадан тушиб, қоронғуда туртинганча юкхонадан баклашкани топиб, радиаторга сув қуя бошлади.

Аллақачон жиноий режалари пишиб етилган уч йигит учун бу ҳолат айни муддао эди. Ҳайдовчини дўппослашни ким бошлади, оёқ-қўли боғланган шўрликка ким аввал пичоқ урди – бу тафсилотларга тўхталмайликда, рўй берган қотилликнинг якунини баён этайлик.

Уч босқинчи ҳайдовчининг мурдасини ҳовузга ташлашгач, Файзулла:

– Қани, машинани бошқар, – деди Эрпўлатга.

Бироқ жонсиз, қуруқ темирдан иборат машина босқинчиларга бўйсунмади. Уни қўшни давлатга олиб ўтиб, пуллаш ниятига ета олмаган газандалар машинанинг ғилдираклари ва бошқа эҳтиёт қисмларини ечиб олиб, ўзини ёқиб юборишди...

"Ўлжа" ортилган киракаш машина Янгийўл шаҳрига етиб келди. Лекин бозорда эҳтиёт қисмларга харидор топилмади. Шундан кейин ҳамтовоқлар машина эгасига йўл ҳақи эвазига битта баллон бериб, Тошкентга равона бўлишди. Улар ижарада турган уйнинг эгаси баллонларни кўрди-ю "менга сотасанлар" деб учтасига ўн минг сўм санаб берди. Аҳмад билан Файзулла магнитафон ва бошқа ўлжаларни "сотиб келамиз" деб бозорга чиқиб кетганча, қайтиб келишмади.

Шунча қилмишларининг оқибатини ўйламаган, бетайин кимсаларга қўшилиб, ҳавойи яшашнинг мазасини татиган Эрпўлат ижара уйда яшовчи яна бир таниши – Сарвар билан ҳеч тортинмай, дастлаб "ов"га борган "Жигули"ни кира қилиб, учинчи марта бобосининг уйига қўй ўғирлашга борганида қишлоқ аҳли учовларини ҳам ушлаб олишди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, Эрпўлат (қолаверса, Сарвар, Аҳмад, Файзуллалар)нинг ота-онаси вояга етиб келаётган ўғилларининг нимага қизиқиши, яшаш тарзи билан чуқурроқ танишиб, унинг кўнглига йўл топа олганларида, сал нарсага қизишиб, қўл кўтармай, панд-насиҳат қилганларида бир-бирига занжирдек боғланиб кетган жиноятлар юз бермасмиди? Пул қидириб юрган ўсмириннинг эгнидаги пальтони сотиб олган қариндош, у етаклаб чиққан қўйни машинага ортиб кетиб, сотиб, унга арзимаган пул берган ҳайдовчи ва унинг ўртоғи болани бу йўлдан қайтаришганда, эҳтимол Эрпўлат ботқоққа ботмасмиди...

Ўсмир жиноятга қўл урди. Унинг бу қилмишига нафақат ўзи, боласини ўз ҳолига ташлаб қўйган, уйдан кетганда тузукроқ қидиришга ҳам уринмаган отаонаси, битирувчи синф ўқувчиси дарсга келмай қолганида бонг урмаган муаллимлар, қариндошлар ҳам сабабчи бўлгандир, балки?! Нима бўлганда ҳам бепарволик, лоқайдлик яна бир ниҳолни синдирди, унинг пешонасига бир умрга қора тамға босди. Бунга эса биз, катталар сабабчи бўлдик...

Раъно ХОЛМИРЗАЕВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси.
Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ автомототранспорт ва хўжалик таъминоти бошқармаси автотранспорт хизматининг катта муҳандис-инспектори – автохўжалик бошлиғи, капитан Ғ. Ғозиевга падари бузруквори

ИРКОМБОЙ отанинг

вафот этгани муносабати чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, подполковник Ш. Ғозиевга падари бузруквори

ИРКОМБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2005 йил 8 февраль куни Бўка тумани ИИБ профилактика инспекторлари томонидан қаровсиз юрган 6-7 ёшлардаги ўғил бола олиб келинди. У билан суҳбатда исмини **Темур**, онасининг исмини **Лена** деб айтди. Ота-онаси ва яшаш манзили тўғрисида ҳеч қандай маълумот беролмайди.

Белгилари: бўйи 90-100 см, озғиндан келган, юзи чўзиқроқ, сочи сариғиш, кўзлари жигарранг, қошлари сийрак сариғиш ёйсимон.

Алоҳида белгиси: ўнг қўлининг тирсаги синган, қийшиқ бўлиб битган.

Кийимлари: эгнида қизил камзул, қизил жемпер, оқ кўйлак, оқ футболка, пушти колготка, жигарранг шим, оёғида қора этикча бор.

Боланинг ота-онаси ва яқинлари Янгийўл шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.

Тел:. 8(37160) – 2-32-97.



Суратда: Наманган вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони отлиқ патруль хизмати ходимлари навбатдаги йўриқнома олдидан.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Турфа олам

АНТИҚА ДАРАХТЛАР

Табиатда кўплаб антиқа ўсимликлар бор-да. Қуйида биз баъзи бирларининг хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

НОН ДАРАХТИ

У Жанубий-Шарқий Осиё, Малайзия архипелаги, Австралия ва Океанияда тарқалган. Баъзи турлари экиб кўпайтирилади. Эни 50 см, узунлиги эса 90 см. гача бўлган қўш меваларининг оғирлиги 40 килогача етади. Меванинг ички қисмидаги юмшоқ қобиғи хамирга ўхшаш. Ажратиб олиб ачитил(оширил)гандан сўнг ундан бемалол нон ясаб, тандирга ёпиш мумкин. Бизнинг нонларимиздан фарқли ўлароқ бу мевадан тайёрланган нонинг таркибида оқсил ва бошқа баъзи моддалар йўқ. Бироқ донли ўсимликлар етиштириш мушкул бўлган тропик мамлакатларда улар ёрдамида озиқ-овқат муаммосини қисман ҳал этиш мумкин.

ҚОВУН ДАРАХТИ

Қовун дарахти (папайя) ёввойи ҳолда учрамайди, иссиқ мамлакатларда очиқ жойда, иқлими совуқроқ юртларда эса иссиқхоналарда кўпайтирилади. Мевасининг узунлиги 30-35 см бўлиб, шакли ва мазаси қовунни эслатади. Уни худди қовун каби еса бўлади. Шунингдек, салатлар, мураббо тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Пишиб етилмаган мевалари ва барглари ширасида оқсилни парчаловчи папаин ферменти мавжуд. Унинг тиббиёт ва озиқ-овқат саноатидаги аҳамияти беқиёсдир.

СУТ ДАРАХТИ

Жанубий Америка ўрмонларида учрайди. Поясини кесганда мазаси ва кўриниши сигир сутига жуда ўхшаш шира ажралиб чиқади. Агар уни идишга йиғиб, очиқ ҳавода қолдирилса, 5-6 кунда пишлоққа айланади.

КОЛБАСА ДАРАХТИ

Тропик Африка (Судан, Уганда, Кения, Мозамбик) ўрмонларида ўсувчи бу дарахт меваларининг диаметри 10 см.гача, узунлиги ярим метргача бўлиб, худди дарахтга колбаса осиб қўйилгандек тасаввур беради. Бироқ бу "колбасалар" истеъмол учун яроқсиз.

КАРАМ ДАРАХТИ

Авлиё Елена оролида учровчи бу дарахтнинг барглари шох учларида тўпланиб, карамни эслатувчи "бош"ларни ҳосил қилади. Афсуски, бу "карамлар" ҳам ейишга ярамайди.

КОНФЕТ ДАРАХТИ

Япония ва Хитой субтропикларида ўсувчи бу дарахтнинг мевалари конфетга ўхшаш бўлса-да, уларни ейиш мумкин эмас. Унинг серсув ва юмшоқ гулбанди эса нордонроқ майиз мазасини эслатади. Уни истеъмол қилса бўлади.

Бундан ташқари наботот оламида қора дарахт, қизил дарахт, пушти дарахт, лола, исмалоқ, шиша (бутилка), қовоқ, помидор, мой, сирка, темир, пахта, қоғоз, мум, чумоли дарахти каби кўплаб ўсимликлар учрайди.

Ҳа, она-табиат битмас-туганмас ажойиботлар манбаидир.

Шотурсун УСМОНОВ.

Бир куни...

ҲИЙЛАСИ ЎТМАДИ

Тошкентлик Абдураҳим исмли йигит хорижга ишга юборадиган фирманинг вакилиман, деб бир неча кишидан нақд пул йиғиб олади. Расмийлаштириш учун тайёрлаган ҳужжатлари сохта эканлиги маълум бўлиб, сири очилиб қолгандан кейин қочиб кетади. У шаҳардан анча узоқдаги бир қишлоқда яшириниб юргани ҳақида хабар топдик. Суриштирувда ҳақиқатан ҳам шундай йигит устачилик қилиб юрганини айтишди. Аниқ манзилни билгач, профилактика инспектори билан етиб бордик.

Иморат ҳали тўлиқ битмаган, эшик-ромлар ўрнатилаётган экан. Уй эгаси кўринмади. Атрофи баланд девор билан ўралган ҳовлида уч-тўрт киши ишлаётганди. Мен Абдураҳимнинг суратини кўрсатгандим усталар "уч-тўрт кун бўлди, қаёққадир кетди, лекин бизга айтмади", дейишди. Уларнинг сал ҳадиксираб гапиришидан Абдураҳим шу ерда эканлигини билиш қийин эмасди.

Чала битган уйнинг ҳамма хоналари, ертўла ва чордоқни қараб чиқдик, лекин топилмади. Йўл узоқлигиданми, катта ҳовлини уч-тўрт марта айланганимданми, бироз чарчаб, пешайвонга чиқадиган занапояга ўтирдим. Зинапоя тахтадан вақтинча омонат қурилгани билиниб турарди. Оғир тин олиб, энди қаерни қидирсак экан, деб турганимда тагимда кимдир чуқур-чуқур нафас олаётгандек бўлди. Яхшилаб қулоқ тутдим. Мени кузатиб турган усталардан бирининг ранги ўчди. Иккинчиси чалғитмоқчи бўлиб электр аррасини ишга солди. Ўрнимдан туриб зинапоянинг у ёқ, бу ёғига ўтдим. Зинанинг икки томони фанер билан қоплангган. Уни бузишни буюрдим. Торгина жойда Абдураҳим нафас ололмай, пишиллаб ётарди...

Мақсуд ЖУМАТОВ,
майор.



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: **1. Қорақалпоғистон. 2. Астробод. 3. Гомер. 4. Ми. 5. Ток. 6. Марказ. 7. Лаос. 8. Дойл. 9. Деҳқон. 10. Иноқ. 11. Сехр. 12. Ишқор. 13. Ян. 14. Ратин. 15. Олой. 16. Африка. 17. "Қасам". 18. Осака. 19. Олис. 20. Волида. 21. Рига. 22. Чана. 23. Онг. 24. Ракета.**

БЎЙИГА: **1. Қалдирғоч. 2. Остона. 3. "Тойота". 4. Ин. 5. Арк. 6. Қисса. 7. Қомус. 8. "Наво". 9. Бак. 10. Омон. 11. Лорд. 12. Лол. 13. Керосин. 14. Огаҳий. 15. Адл. 16. Роз. 17. Шакар. 18. Имло. 19. Фара. 20. Анор. 21. Тик. 22. Трос. 23. Ринг. 24. Омск. 25. Якка. 26. Нишона. 27. Эга.**

КРИПТОГРАММА: **Ҳақ эгилар, ноҳақ синар.** *(Мақол).*

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV

Navbatchi Qobiljon SHOKIROV

Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV

Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91. Kotibiyat 139-73-88. Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart

● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000999. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 6 bosma taboq. 53044 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Bosishga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

(N) —Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.